**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**«УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА» КАФЕДРАСИ**



# *«УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ»*

***фанидан***

## *ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА*

| | | | |
|---|---|---|---|
| Билим соҳаси | 100 000 | – | Гуманитар соҳа |
| Таълим соҳаси: | 110 000 | – | Педагогика |
| Бакалавриат таълим йўналишлари: | | | Барча таълим йўналишлари учун |

***Тузувчи: П.ф.н.доцент Э.Р.Юзликаева, П.ф.н. доцент М.Э.Ахмедова***

**Тошкент 2012**

# Кириш

Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилади.

Ушбу мажмуада келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машулотини ўтказиш шарт-шароити тўрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирган. Шунингдек, бу ўқув машулотининг технологик картасини, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Мажмуа таркиби кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари, ҳар бир мавзу бўйича маъруза ва семинар машулотларида ўқитиш технологиясидан иборат. Маълумотлар максимал даражада умумлаштирилган ва тартибга солинган. Уларни ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолишни кучайтириш учун жадвал ва чизмалардан фойдаланилган.

(1) Тўққиз турдаги маъруза машулотлари: кириш, тематик, муаммоли, визуал–маъруза, бинар маъруза, маъруза-мунозара, ҳамкорликдаги маъруза, аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза, шарҳловчи маъруза берилган.

(2) Семинар машулотларида муаммоли семинар, билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган семинар, аниқ ҳолатларнинг ечими бўйича семинар ўтиш технологиялари мавжуд ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда Давлат таълим стандартлари такомиллаштирилиб, дастурлар модернизация қилиниб, дарсликларнинг янги авлодлари яратилмоқда. Таълим мазмунини янгилаш, энг муҳими, уни ўқувчиларга етказиш, пухта ва чукур билим бериш, ўқувчини эркин фикрлашга ўргатиш асосий масала бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида ёш педагогларни тайёрлашда қуйидаги асосий масалаларга эътибор бериш лозимлигини тақозо этади:

- Ўқитиш жараёнини самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;
- Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий гуманитар билимларни англашга йўналтирилган янги касбий тафаккурни шакллантириш;
- Ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;
- Педагогларнинг касбий фаолиятларига яқинлаштирилган услублар тизими сифатидаги ўқитишттехнологиясини эгаллаш.

## “УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИДАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

# 1. “УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

Олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичи учун “Умумий педагогика назарияси ва амалиёти” ўқув фани бўйича намунавий дастур умумкасбий фанлар блоки бўйича ишланган давлат таълим стандартига мувофиқ тузилган. “педагогика назарияси ва тарихи” ўқув фани тегишли йўналишда олий таълим муассасалари талабаларида касбий-педагогик сифатларни шакллантириш, уларни касбий тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Замонавий шароитда фанни ўқитиш ўқитувчи кадрларни илм-фан, техника ва технология соҳаларида эришилаётган илор ютуқлар, умуминсоний оялар, миллий қадриятларга таянган ҳолда тайёрлаш, уларда педагогик маданиятни ривожлантириш, ижодий тафаккурни таркиб топтириш, тарбиячи, ўқитувчи ҳамда ёшлар мураббийси сифатида педагогик жараёнларни тўри ташкил этиш малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таълим-тарбия масалалари давлат сиёсатида устувор ўрин тутиш билан бирга кенг жамоатчилик иштирокини ҳам талаб қилишига алоҳида эътибор қаратади: “мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назарида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир”*.

“Педагогика назарияси” қисмидан талабалар таълим жараёнини самарали ташкил этиш, ёш авлодда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга доир замонавий педагогик билимлар, амалий кўникма ва малакаларнинг зарур ҳажмини, ўқитувчи шахсда намоён бўлиши зарур бўлган умумий касбий ва шахсий фазилатларни муваффақиятли эгаллашлари лозим. Шунингдек, талабалар олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчилар сифатида таълим олувчиларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятларини, узлуксиз таълим тизими босқичларининг ўзига хос жиҳатларини англай олишлари, шунга мувофиқ касбий фаолиятни йўлга қўйиш лаёқатини ўзлаштиришлари лозим. Бакалаврлар – бўлуси ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги таълим ва ишлаб чиқариш (мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари амалиёти) интеграцияси, умумий ҳамда мутахассислик фанлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, миллий ва жаҳон педагогикасининг энг илор оялари уйунлиги, замонавий илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги янгиликларига таянган ҳолда таъминланади.

“Педагогика тарихи” қисмида талабаларни миллий педагогик мерос, турли тарихий даврларда шаклланган ёш авлод таълими ва тарбиясига бўлган ёндашувлар мазмуни, жаҳон таълими тажрибаси билан таништириш асосида уларнинг умумпедагогик билимларини бойитади. Талабалар миллий

* Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 61-бет.

педагогик мерос намуналари билан танишиш жараёнида таълим ва тарбия ояларининг шаклланиши муайян даврда юзага келган ижтимоий зарурият, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётига бевосита болиқ эканлигини англаб этадилар. Шу билан бирга ушбу фан талабаларда асрлар давомида шаклланган таълимий ва тарбиявий қадриятларга нисбатан чуқур ҳурматни қарор топтириш, анъанавий ва замонавий педагогик таълимотларни қиёсий ўрганиш, ёш авлод тарбиясида барча даврлар учун бирдек амалий қийматга эга педагогик ғоялардан фойдаланиш кўникма-малакаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичи учун "Педагогик маҳорат" қисми бўйича намунавий дастур умумкасбий фанлар блоки бўйича ишланган давлат таълим стандартига мувофиқ тузилган. "Педагогик маҳорат" қисмига тегишли йўналишда олий таълим муассасалари талабаларида касбий-педагогик сифатларни шакллантириш, уларни касбий жиҳатдан тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Замонавий шароитда "Педагогик маҳорат" қисмини ўқитиш бўлажак ўқитувчи кадрларни сўнгги илмий, техник ва технологик ютуқлар, умуминсоний ғоялар, миллий қадриятларга таянган ҳолда тайёрлаш, уларда педагогик малака, маҳорат ва маданиятни ривожлантириш, ижодий педагогик тафаккурни шакллантириш, ўқитувчи сифатида педагогик жараёнларни тўри ташкил этиш малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов баркамол инсон, малакали мутахассисни тарбиялаш жараёнида ёш авлодни "...мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим"лиги ҳар бир педагог тлмонидан чуқур англаши муҳим талаб эканлигига эътиборни қаратади.

"Педагогик маҳорат" қисмидан талабалар таълим жараёнида ижодий психологик муҳитни ҳосил қилиш, ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, муваффақиятли вазиятларни яратиш орқали ёш авлодда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга доир замонавий педагогик билимлар, амалий кўникма ва малакаларнинг зарур ҳажмини, ўқитувчи шахсда намоён бўлиши зарур бўлган умумий касбий ва шахсий фазилатларни муваффақиятли эгаллашлари лозим. Шунингдек, талабалар олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчилар сифатида таълим олувчиларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятларини, узлуксиз таълим тизими босқичларининг ўзига хос жиҳатларини англай олишлари, шунга мувофиқ касбий фаолият юксак маҳорат билан ташкил этиш қобилияти, маданиятини ўзлаштиришлари лозим. Бакалаврларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг малакали, маҳоратли ўқитувчилар сифатида шаклланишлари назария ва амалиёт бирлиги, умумий ва мутахассислик фанлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, миллий ва жаҳон педагогикасининг энг илор ғоялари уйғунлиги, замонавий илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги янгиликларига таянган ҳолда таъминланади.

| 2 | **“Умумий педагогика назарияси ва амалиёти” фанининг мазмуни ва моҳияти** |
|---|---|

# ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ҚИСМИ

## Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати мазмуни ва уни акс эттирувчи ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўрисида”ги қонуни (1997 йил). Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари (шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш).

Республика узлуксиз таълим тизими. Узлуксиз таълим турлари (мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим).

Таълим муассасаларининг турлари ва фаолияти. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари. Замонавий шароитда жаҳон таълими: муаммолар, ечимлар.

## Ҳозирги даврда ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни

Педаголик касбининг моҳияти. Педаголик касбининг пайдо бўлиши ва равнақ топиши. Шарқ мутафаккирлари ва арб педагоглари томонидан педаголик касби ижтимоий аҳамиятининг баҳоланиши. Ўзбекистон республикасининг президенти И.А.Каримов ўқитувчининг ижтимоий жамиятдаги ўрни ҳақида. Мустақил Ўзбекистон Республикасида таълим муассасалари ходимларининг ижтимоий ҳимояланиши.

Ўқитувчининг бурч ва мажбуриятлари, касбий сифатлари, педагог одоби, ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблари билан мулоқоти. Педагогик қобилият. Педагогик маҳоратни эгаллаш йўллари. Ўқитувчининг профессиограммаси.

## Педагогика фан сифатида. Педагогик илмий тадқиқот методлари

“Педагогика”нинг ижтимоий фан сифатида жамият тараққиётидаги ўрни. Педагогика фанининг ривожланиш босқичлари ва асосий категориялари (тарбия, таълим, маълумот, билим, кўникма, малака, ривожланиш).

Фаннинг таркибий тузилмаси ва тармоқлари. Педагогика фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги ва болиқлиги. Педагогик фанлар тизими.

Педагогик жараёнларни тадқиқ қилишнинг устувор жиҳатлари. Илмий педагогик тадқиқотлар моҳияти, уларнинг амалий қиймати.

Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари ва уларнинг туркумлари. Назарий тадқиқот методлари (адабиётлар билан ишлаш, таълим муассасаси ҳужжатларини ўрганиш, назарий ва қиёсий таҳлил, қиёсий-тарихий таҳлил, илор тажрибаларни ўрганиш, ташхис, умумлаштириш, моделлаштириш ва бошқалар)нинг тавсифи. Амалий тадқиқот методлари (педагогик кузатиш, педагогик тажриба, анкета, ижтимоий сўров, суҳбат, интервью, тест сўрови, рейтинг, математик-статистик таҳлил ва бошқалар). Педагогик тажрибани ташкил этиш шартлари. Тадқиқот методикаси.

**Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви**

Педагогик антропология. "индивид" ва "шахс" тушунчаларининг моҳияти. Индивид ва шахснинг ўзига хос жиҳатлари.

Шахснинг биологик ва ижтимоий ривожланиши. Шахс биологик ва ижтимоий ривожланишининг ўзаро уйунлиги.

Бола шахси – тарбия объекти ва субъекти сифатида. Шахс фаолияти. Шахс фаолиятининг турлари. Ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларининг шахс камолотидаги роли.

Шахснинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари. Ёш даврлари. Ёш даврларига хос физиологик ва ижтимоий хусусиятлар.

Шахснинг ижтимоийлашуви. Шахснинг ижтимоийлашувида жамоа, муҳит ва ижтимоий муносабатларнинг ўрни.

**Дидактика - таълим назарияси сифатида.**

Таълим назарияси (дидактика) – педагогика фанининг муҳим таркибий қисми сифатида. "дидактика" тушунчасининг моҳияти. Таълим назариясининг мақсади ва вазифалари. Асосий дидактик тушунчалар.дидактик назария (концепция)лар ва уларнинг фалсафий асослари. Таълим парадигма (модел)лари. Таълим жараёни. Таълим жараёнининг методологик асоси. Таълим жараёнининг таркибий тузилмаси. Таълим тамойиллари. Таълим турлари. Анъанавий таълим ва унинг муҳим жиҳатлари. Шахсга йўналтирилган таълим. Шахсга йўналтирилган таълим турлари (дастурий таълим, модул таълими, инновацион таълим, интерфаол таълим, муаммоли таълим, табақалаштирилган таълим, ривожлантирувчи таълим, масофавий таълим, индивидуал таълим, мустақил таълим, ўйин технологиялари).

Таълим – борлиқни англашнинг ўзига хос шакли сифатида. Ўқитиш ва ўқиш, уларнинг ўзаро алоқаси. Шарқ мутафаккирлари (Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб) ва арб алломаларининг гносеологик (билишга оид) қарашлари. Таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро алоқалари. Ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари, улар ўртасидаги бирлик. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти. Ўқув фаолиятининг таркибий тузилиши. Ўқувчиларнинг репродуктив ва ижодий билиш фаолиятлари. Билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиш жараёни.

Таълим қонуниятлари ва тамойиллари. Шарқ мутафаккирлари таълим тамойиллари ҳақида.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими – ўзбекистон республикаси узлуксиз таълим тизимининг муҳим таркибий қисми. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мақсади ва вазифалари. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этувчи ўқув муассасалар (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари) фаолияти. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ташкил этиш. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятининг умумий ҳамда фарқли жиҳатлари.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни (ўқув режалари, умумий ва ихтисослик фанлари бўйича яратилган давлат таълим стандартлари, умумий ва ихтисослик фанларининг дастурлари, дарсликлари, ўқув ва методик қўлланмалар). Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг устувор тамойиллари.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган ўқув ва ихтисослик фанлари бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ҳаётга тадбиқ этиш.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув режаларида ижтимоий, гуманитар, математика, табиий-илмий ва махсус фанларнинг ўзаро мувофиқлигига эришиш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини ёритувчи дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмаларнинг янги авлодини яратишга янгича ёндашув. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларида ўқув дастурлари, ўқув дарсликлари, ўқув ва методик қўлланмалардан ижодий фойдаланиш малакаларини ҳосил қилиш.

**Таълим методлари ва воситалари**

“Таълим методлари” ва “Таълим усуллари” тушунчаларининг моҳияти. Таълим методларининг таснифи. Таълим методларини таснифлашга бўлган турли ёндашувлар. Таълим методларининг асосий турлари (озаки методлар, кўргазмали методлар, амалий методлар, шахсни фаоллаштирувчи методлар ва бошқалар) шарқ мутафаккирлари (муҳаммад ал-хоразмий, абу райҳон беруний, абу наср форобий, абу али ибн сино ва бошқалар) таълим методлари ҳақида. Турли ёшдаги ўқувчилар гуруҳларида таълим методларини самарали қўллаш шартлари.

Таълимнинг замонавий воситалари (дарсликлар, электрон дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, ёрдамчи манбалар, машқлар тўпламлари, атласлар, энциклопедиялар, луатлар, хрестоматиялар, кўргазмали қуроллар, техник воситалар, лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналар ва бошқалар). Таълимнинг ахборот воситалари (компьютер, телевизор, радио, магнитафон, лингофон, видео қурилмалар ва бошқалар). Таълим воситаларининг дидактик имкониятлари.

## Таълим шакллари. Дарс – таълимни ташкил этишнинг асосий шакли

“Таълимнинг ташкилий шакллари” (“таълим шакллари”) тушунчасининг моҳияти. Таълимнинг асосий шакллари (маъруза, семинар, амалий машулот, лаборатория машулоти, консультация (маслаҳат), экскурсия, практикум ва бошқалар). Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига таянган ҳолда таълим шаклларидан фойдаланиш.

Таълимни ташкил этишнинг анъанавий шакли (синф-дарс тизими). Дарсни ташкил этишга қўйиладиган дидактик талабалар. Дарс жараёнининг таркибий тузилмаси. Дарс турлари. Дарсда ўқувчилар ўқув фаолиятини оммавий, гуруҳли ва якка тартибда ташкил этиш. Замонавий шароитда дарсларни такомиллаштириш йўллари.

Таълимни ташкил этишнинг ноаъанавий шакллари (ўқув диалоги, учрашув, конференция, давра суҳбати, матбуот конференцияси, баҳс-мунозара, тренинг, музей дарслари, дидактик (ишбоп ва ролли) ўйинлар, “ўткир зеҳнлилар клуби”, мусобақалар, аукцион, “мўъжизалар майдони”, “терговни билимдонлар олиб боради”, кичик гуруҳларда ишлаш, жуфтликда ишлаш, жамоа бўлиб ўқув топшириқларини бажариш ва бошқалар).

Ўқувчиларнинг уй вазифалари. Уй вазифаларининг мазмуни.

Ўқув ишларини ташкил этишнинг дарсдан ташқари шакллари (фан тўгараклари, илмий жамиятлар, олимпиадалар, ўқув курслари, фан ҳафталиклари, беллашувлар, кўриклар, викториналар, кўргазмалар ва бошқалар).

Турли шакллардаги ўқув машулотларининг ўзаро алоқадорлиги.

## Таълимни ташхис этиш

Ўқувчилар билимини ташхис қилиш дидактик тушунча сифатида. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилишнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари.

Ўқувчилар ўқув фаолиятини назорат қилишнинг анъанавий (баҳо тизими) ва замонавий (рейтинг назорати) турлари. Баҳо тизими асосий хусусиятлари. Рейтинг назоратининг афзалликлари. Рейтинг назоратининг таркибий тузилмаси (оралиқ, жорий ва якуний назорат).

Ўқувчилар ўқув фаолиятини назорат қилиш шакллари (имтиҳон, синов ишлари, рейтинг назорати, тест сўрови).

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга қўйиладиган талаблар. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш методлари (билимларни озаки сўраш; ёзма ишларни текшириш; амалий тажриба ишларини ташкил этиш; билим, кўникма ва малакаларни амалий текшириш). Билимларни озаки сўрашнинг асосий турлари (индивидуал, ёппасига (фронтал) ва комбинациялаштирилган (бир йўла бир неча ўқувчидан) сўраш).

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашнинг амалий аҳамияти.

Ўқув фаолиятининг ўқувчилар томонидан ўзаро назорат қилиниши. Ўқувчи томонидан ўқув фаолиятининг мустақил назорат қилиниши. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик кўрсаткичлари.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда йўл қўйиладиган хатолар. Ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш йўллари.

## Тарбия назарияси

## Тарбия жараёнининг мазмуни. Тарбия тамойиллари

“Тарбия” тушунчасининг моҳияти. Тарбия назариясининг таркибий асослари. Тарбия мақсади ва вазифалари. Тарбия мақсадининг жамият ижтимоий эҳтиёжи асосида белгиланиши. Комил инсон, малакали мутахассисни тарбиялаш – бош ижтимоий мақсад. Ўзбекистон президенти и.а.каримов комил инсон, малакали мутахассисни тарбиялашнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида.

Тарбия жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари. Ижтимоий тарбия тамойиллари. Тарбия жараёнини самарали ташкил этиш шартлари. Тарбия жараёни иштирокчилари ва улар ўртасидаги муносабат мазмуни.

Шарқ мутафаккирлари (абу райҳон беруний, абу наср форобий, абу али ибн сино, абдураҳмон жомий, жалолиддин давоний, алишер навоий, абдулла авлоний ва бошқалар) комил инсон тарбияси ҳақида.

Тарбия мазмуни. Тарбия мазмунини белгиловчи омиллар (халқ озаки ижоди, санъат, адабиёт ва миллий маданият (урф-одат, маросим, анъана ва байрам) намуналари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқ педагогикаси оялари, аждодлар тажрибаси).

Тарбия турлари: маънавий-ахлоқий, фуқаролик (ватанпарварлик, байналминаллик), ақлий, жисмоний, меҳнат, иқтисодий, экологик, эстетик, ҳуқуқий ва жинсий тарбия.

Миллий тарбия – “оммавий маданият”га қарши курашнинг муҳим омили.

Хорижий мамлакатлар тарбия концепциясининг асосий оялари.

## Ўқувчилар жамоасининг шахс ривожланишидаги ўрни

Шахснинг бошқалар билан мулоқот қилишга эҳтиёжи. Ўқувчилар жамоаси – ягона педагогик жараённинг асосий шакли. Шахснинг жамоада қарор топиши.

“Жамоа” тушунчасининг моҳияти. Шарқ мутафаккирлари жамоа ва унинг шахсга таъсири тўрисида. Жамоанинг педагогик вазифалари. Ижтимоий жамоаларнинг турлари. Ўқувчилар жамоасининг асосий белгилари ва таркибий тузимаси.

Ўспирин ўқувчилар жамоаларини бошқариш. Ўқувчилар жамоаларидаги расмий ва норасмий лидерлар.

Ўқувчилар жамоасининг ривожланиш босқичлари. Ўқувчилар жамоасини ташкил этиш методикаси. Жамоада фаоллар билан ишлаш. Ўқувчилар жамоасини мустаҳкамлашда индивидуал ва жамоавий топшириқларнинг аҳамияти. Ўқувчилар жамоаларини шакллантиришда анъаналарнинг ўрни. Ўқувчилар жамоаси ва ўқувчи-ёшлар уюшмаларининг фаолиятига педагогик раҳбарлик.

## Тарбия методлари

"Тарбия методлари" тушунчасининг моҳияти. Тарбия методларининг тавсифи. Тарбия методларининг шахсни тарбиялашдаги аҳамияти. Тарбия методларини танлаш. Тарбия методларини ўқувчиларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятларига, тарбияланганлик даражасига кўра танлаш.

Ўзбек халқ педагогикасида фаол қўлланиладиган тарбия методлари (ибрат, намуна кўрсатиш, тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, амалда намойиш этиш, рабатлантириш, жазолаш).

Тарбия методларининг турлари (ижтимоий онгни шакллантириш методлари (ишонтириш, ахборот бериш, мустақиллик дарслари, маънавий-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, намуна кўрсатиш); фаолиятни ташкил этиш методлари (педагогик талаб, ўргатиш, машқ қилиш, тарбиявий вазиятларни ҳосил қилиш, мусобақалар); педагогик рабатлантириш методлари (рабатлантириш, жазо бериш). Рабатлантириш ва жазо бериш шакллари.

Одат ва одатлантириш. Ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга, ижтимоий ва табиий борлиққа ижобий муносабатда бўлишга одатлантириш. Таълим муассасаси режими.

Ўқувчиларни ўз-ўзини бошқаришлари. Тарбия воситалари (ўйин, ўқиш, меҳнат, спорт, нутқ, миллий ва умуминсоний қадриятлар, маданий мерос намуналари, аждодлар тажрибаси, ижтимоий фаолиятнинг турли кўринишлари, моддий буюмлар, ижтимоий-оявий қарашлар).

## Илмий дунёқарашни шакллантириш. Ўқувчиларни ақлий, иқтисодий ва экологик тарбиялаш

"Илмий дунёқараш" тушунчасининг моҳияти. Илмий дунёқарашни шакллантириш вазифалари. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шаклантириш. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг метод ва воситалари.

Илмий дунёқараш негизида акс этувчи сифатлар (онглилик, оявий етуклик, бой тасаввур, мантиқий тафаккур).

Ақлий тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва мазмуни. Ақлий тарбияни самарали ташкил этиш шакллари, метод ва воситалари. Ўқувчиларни ақлий тарбиялашга қўйиладиган талаблар. Ўқувчиларнинг ақлий тарбияланганлик даражаси. Ўқувчиларнинг ақлий тарбияланганлик даражасини баҳолаш.

Ўзбекистон республикаси президенти и.а.каримов асарларида ёшларнинг ақлий камолоти, тафаккури ва илмий дунёқарашига қўйилган талаблар.

Шарқ мутафаккири (абу райҳон беруний, абу наср форобий, абу али ибн сино, юсуф хос ҳожиб, баҳовуддин нақшбандий, алишер навоий ва бошқалар)нинг асарларида шахс дунёқарашини шакллантириш масалаларининг ёритилиши.

Иқтисодий тарбия – бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларда ижтимоий дунёқарашни шакллантиришнинг таркибий қисми сифатида. Иқтисодий тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни, ташкилий шакллари, методлари, воситалари. Шахсда иқтисодий маданиятни шакллантириш. Шахс иқтисодий маданияти негизида акс этувчи сифатлар.

Ўзбекистон республикаси президенти и.а.каримов жамият ҳаётида иқтисодий муносабатларнинг ўрни ҳақида. Дарс, дарсдан ташқари машулотлар жараёни ва оилада иқтисодий тарбияни ташкил этиш.

Экологик тарбия – глобаллашув шароитида ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришнинг таркибий қисми сифатида. Экологик тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни, ташкилий шакллари, методлари, воситалари. Шахсда экологик онг ва маданиятни шакллантириш. Дарс, дарсдан ташқари машулотлар жараёни ҳамда оилада экологик тарбияни йўлга қўйиш.

**Фуқаролик тарбияси**

“Фуқаролик тарбияси” тушунчасининг моҳияти. Демократик жамиятда фуқаролик тарбиясини ташкил этишнинг зарурияти. Ўзбекистон республикасининг конституцияси, “таълим тўрисида”ги қонуни ва республика президенти и.а.каримов асарларида фуқаролик фаоллиги масалаларининг акс этиши.

Фуқаролик тарбиясининг мақсади, вазифалари, мазмуни, ташкилий шакллари, методлари, воситалари. Ўқувчиларни етук, фаол фуқаро сифатида тарбиялаш. Ўқувчиларни етук, фаол фуқаро сифатида тарбиялашда давлат рамзлари (Ўзбекистон республикасининг байрои, герби ва мадҳияси)да ифодаланган ояларнинг роли. Етук, фаол фуқаро шахсида акс этувчи сифатлар.

Ўқувчиларда ватанпарварлик ва байналмилаллик ҳиссини тарбиялаш – фуқаролик тарбиясининг муҳим йўналишлар. Президент и.а.каримов асарларида ватанпарварлик ва байналмилаллик тарбияларини самарали шакллантиришга қўйилган талабларнинг ифодаланиши.

“Ватанпарварлик” тушунчасининг моҳияти. Ватанпарварлик тарбияси. Ватанпарварлик тарбиясининг мақсади, вазифалари, мазмуни, устувор тамойиллари, ташкилий шакллари, методлари, воситалари. Миллий маданият намуналарида ватанпарварлик тарбияси ояларининг ёритилиши. Ватанпарвар шахс қиёфасида акс этувчи сифатлар.

“Ҳарбий-ватанпарварлик” тушунчасининг моҳияти. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсади,

вазифалари, мазмуни, етакчи тамойиллари, ташкилий шакллари, методлари, воситалари. Ўқувчиларда ватанни ҳимоя қилиш ҳиссини шакллантириш. “шунқорлар” ўйини.

“Байналминаллик” тушунчасининг моҳияти. Байналмилаллик тарбияси. Байналмилаллик тарбиясининг мақсади, вазифалари, мазмуни, устувор тамойиллари, ташкилий шакллари, методлари, воситалари. Байналмилаллик – халқлар ўртасида дўстлик, юртда тинчликни қарор топтирувчи омил. Байналмилал шахс қиёфасида намоён бўлувчи сифатлар.

Ҳуқуқий тарбия. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни, устувор тамойиллари, ташкилий шакллари, методлари, воситалари. Шахсда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш. Ҳуқуқий маданият негизида акс этувчи сифатлар. Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ўқув фанлари (“давлат ва хуқуқ асослари”, “инсон ва жамият”, “инсон ҳуқуқлари” ва бошқалар)нинг имкониятларидан фойдаланиш.

## Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш

“Ахлоқ” тушунчасининг моҳияти. Ахлоқ – ижтимоий онг, таъсир кўрсатиш ва тарбиялаш шакли сифатида. Шарқ мутафаккирларининг шахс маънавий-ахлоқий сифатлари тўрисидаги оялари.

Ўзбекистон республикаси президенти и.а.каримов асарларида шахсни маънавий-ахлоқий ривожлантириш масалаларининг ёритилиши.

Маънавий-ахлоқий тарбия. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни, устувор тамойиллари, шакллари, методлари, воситалари. Таълим муассасаларида ташкил этилувчи маънавий-ахлоқий тарбия тизими. Маънавиятли, ахлоқли шахс қиёфасида акс этувчи сифатлар.

“Оила тарбияси” тушунчасининг моҳияти. Оила ва унинг тарбиявий имкониятлари. Оилаларнинг турмуш тарзи, урф-одатлар, анъаналари. Оила тарбиясининг мақсади, вазифалари, мазмуни, тамойиллари, шакллари, методлари, воситалари.

Оила – шахснинг ҳар томонлама эркин камол топишини таъминловчи муҳит. Ўзбекистон республикасининг оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасидаги сиёсати. “оила” илмий-амалий маркази фаолияти мазмуни ва йўналишлари. “мактаб, оила ва жамоатчилик” концепцияси ояларига кўра оила ва жамоатчилик билан ўрта махсус таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини қарор топтириш.

Оилада ўқувчилар ҳаётининг ташкил этилиши. Ўқувчилар кун тартибининг қатъий бўлишига оила шароитининг таъсири. Оилада ўқувчиларга қўйиладиган педагогик талаблар ва уларнинг уй хўжалигини юритишдаги иштироклари.

“Жинсий тарбия” тушунчасининг моҳияти. Жинсий тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни, устувор тамойиллари, шакллари, методлари, воситалари.

## Меҳнат тарбияси.
## Ўқувчи шахсини ривожланишида жисмоний ва эстетик тарбиянинг ўрни

Меҳнат тарбияси. Меҳнат тарбиясининг мақсади, вазифалари, мазмуни, шакллари, методлари, воситалари. Шарқ мутафаккирлари меҳнат тарбияси ҳақида. Меҳнат воситасида маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш. Меҳнат – шахсни қайта тарбиялашнинг самарали воситаси сифатида. Шахсда меҳнатга ижобий муносабатни қарор топтириш омиллари. Фуқароларда меҳнатга ижобий муносабат, мулкдорлик ҳиссини шакллантириш.

Бозор муносабатлари шароитида таълим муассасалари (мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари)да ташкил этиладиган меҳнат тарбияси тизими ва унинг таркибий асослари. Ўқувчилар меҳнат фаолиятининг асосий турлари (ўқув меҳнати, ижтимоий-фойдали меҳнат, ўз-ўзига хизмат қилиш ва ишлаб чиқариш меҳнати).

“Жисмоний тарбия” тушунчасининг моҳияти. Шахснинг ҳар томонлама камол топишида жисмоний тарбиянинг ўрни. Шарқ мутафаккирлари жисмоний тарбиянинг шахс камолотидаги аҳамияти ҳақида. Ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбиялашнинг комплекс дастури. Уч босқичли спорт мусобақалари (“умид ниҳоллари”, “баркамол авлод” ва универсиада) – республика ёшларини жисмонан етук этиб тарбиялашнинг муҳим омили.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда ташкил этиладиган жисмоний тарбия мақсади, вазифалари, мазмуни, тамойиллари, шакллари, методлари, воситалари. Ўрта махсус таълим муассасаларида ташкил этиладиган жисмоний тарбиянинг ўқувчиларни чақириққача ҳарбий тайёргарлиги билан болиқлиги.

“Эстетика” тушунчасининг моҳияти. Эстетик тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни, тамойиллари, шакллари, методлари, воситалари.

Таълим жараёнида эстетик тарбияни ташкил этиш. Дарс ва синфдан ташқари машулотларда ташкил этиладиган эстетик тарбия имкониятлари. Ўқувчиларда эстетик дидни самарали шакллантириш омиллари.

Ўқувчи-ёшларни “оммавий маданият” таъсиридан ҳимоялаш. Ўқувчи-ёшларни “оммавий маданият” таъсиридан ҳимоялаш тизими.

## Таълим муассасаси менежменти

“Бошқарув” (“менежмент”) тушунчасининг моҳияти. “таълим муассасаси фаолиятини бошқариш” тушунчасининг тавсифи. Таълим муассасаси фаолиятини бошқариш мақсади, вазифалари, мазмуни, тамойиллари, шакллари, методлари, воситалари. Таълим муассасаси фаолиятини давлат-жамоатчилик тамойилига кўра бошқаришнинг психологик-педагогик асослари.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолияти тўрисидаги низомлар, уларнинг устувор оялари. Таълим муассасасининг устави – раҳбарлик ва бошқариш тизимини аниқловчи ҳужжат.

Таълим муассасаси директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Таълим муассасаси директор ўринбосарларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Раҳбарлик тамойиллари.

Педагогик жамоа фаолияти. Педагогик жамоанинг иш услублари. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш. Ёш ўқитувчилар билан ишлаш.

Таълим муассасалари (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари)нинг ички назорати. Ички назорат мақсади, вазифалари, мазмуни, тамойиллари, ташкилий шакллари ва методлари.

## Коррекцион (махсус) педагогика

"Коррекцион педагогика" ("махсус педагогика") тушунчасининг моҳияти. Ўзбекистон республикаси "таълим тўрисида"ги қонунида ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш ҳақида.

Коррекцион педагогиканинг мақсади, вазифалари, мазмуни, тамойиллари, методлари, воситалари.

"Аномал болалар" тушунчасининг моҳияти. Аномал (анатомик, физиологик ва руҳий жиҳатдан нуқсони бўлган) болалар. Аномал болалар тавсифи. Аномал болаларнинг ривожланмаслик сабаблари.

Аномал болалар билан ишлашга оид давлат сиёсатининг мазмуни. "руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар" тушунчасининг тавсифи. Руҳий ривожланишда орқада қолган болалар. Ақлий ривожланишдан ортда қолган болаларни тарбиялаш.

Руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар мактабида тарбия жараёни.

Эшитишда нуқсони бўлган болалар. Эшитишда нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш.

Кўришда нуқсони бўлган болалар. Кўришда нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш.

Нутқида нуқсони бўлган болалар. Нутқий нуқсонлар тавсифи. Нутқида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш.

Таянч аъзолари ҳаракатида нуқсони бўлган болалар. Таянч аъзолари ҳаракатида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш.

Ҳулқида нуқсони бўлган болалар. Ҳулқида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш.

Мураккаб (бир неча) нуқсони бўлган болалар. Мураккаб (бир неча) нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш.

Ўзбекистон республикасида жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ҳамда ўсмирларнинг ижтимоий аҳволи. Ижтимоий ёрдам ва тикланиш (реабилитация)га муҳтож бўлган болалар учун махсус ўқув-тарбия муассасалари тизимини ташкил этиш тамойиллари.

## “ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ” қисми

### Энг қадимги даврлардан VII асргача таълим-тарбия ва педагогик фикрлар

“Педагогика тарихи” қисмининг мақсади, вазифалари, устувор тамойиллари, мазмуни. “педагогика тарихи” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таълим-тарбия жараёнида миллий мерос, педагогик қадриятлардан самарали фойдаланишнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида. Таълим-тарбия ва педагогика тарихини даврлаштириш муаммолари.

Энг қадимги даврлардан VII асргача таълим-тарбия ва педагогик фикрларнинг ривожланиши. Энг қадимги ёдгорликларда шахс тарбиясига оид фикрларнинг ифодаланиши. Қадимги даврларда ижтимоий тарбиянинг шаклланиши. Шахс тарбиясига оид илк фикрларнинг кишилик фаолияти билан болиқлиги. Ибтидоий жамиятда ташкил этилган тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари.

Халқ ижодиёти намуналари (афсоналар, қўшиқлар, “ўгитнома”лар)да ибтидоий ахлоқ-одоб ва таълим-тарбияга оид масалаларнинг ифодаланиши. Қадимги давлатлар – сўдиёна, бақтрия, хоразмда таълим-тарбиянинг ривожланиши ва педагогик фикрларнинг шаклланиши.

Энг қадимги ёзма манбаларда таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши. “Авесто” – энг қадимги маърифий ёдгорлик. Қадимги сўд, хоразм, уйур ва туркий-рун ёзувларининг таълим-тарбияни ривожлантиришдаги ўрни. Ўрхун-энасой ёдгорликлари ва уларнинг маърифий аҳамияти. Култегин, билга ҳоқон, тунюқуқ битикларида таълим-тарбия масалаларининг ўзига хос ёритилиши. Туркий халқларнинг дастлабки савод мактаблари.

### VII асрдан IX асргача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар

Мовароуннаҳрда ислом дини оялари ёйилишининг таълим-тарбияга таъсири. Мусулмон мактабларида ташкил этилган таълим-тарбия мазмуни. Ислом динининг муқаддас манбалари (“Қуръон” ва “Ҳадис”) – мусулмон мактаблари таълим-тарбиясининг оявий асослари. Араб тилининг савдо ва маданий алоқалар тилига айланиши.

Ҳадис илмининг пайдо бўлиши. Муҳаддислар (имом исмоил ал-бухорий, имом исо ат-термизий ва бошқалар)нинг ҳадис илмини яратишдаги хизматлари. Имом исмоил ал-бухорийнинг “ас-саҳиҳ” (“ишонарли тўплам”), “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) асарларининг шахс маънавий камолотининг таркиб топишидаги ўрни.

Сўфийлик таълимоти ва намоёндаларининг педагогик қарашлари. Имом Аззолий – ислом фалсафаси ва педагогикасининг асосчиси сифатида. Имом Аззолийнинг “Кимёи саодат” асари. “Кимёи саодат” асарининг тарбия тараққиётидаги ўрни. Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”инининг ахлоқий-маърифий аҳамияти. Масжидлар ва улар ҳузуридаги мактаблар – ўрта асрлар мовароуннаҳрининг асосий таълим муассасалари. Масжидлар ва улар

ҳузуридаги мактабларда таълим-тарбиянинг ташкил этилиши. Ўрта асрлар таълим муассасаларида савод чиқариш методикаси. "Чор китоб" ва "Ҳафтияк" – дастлабки савод дарсликлари сифатида.

## IX асрдан XIV асргнинг биринчи яримгача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар

Шарқ уйониши даврида таълим-тарбиянинг тараққий этиши. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Синоларнинг умумпедагогик ҳамда дидактик оялари.

Маҳмуд Қошарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Унсурул-Маолий Кайковус, Аҳмад Югнакийларнинг таълимий-ахлоқий қарашлари.

Маҳмуд Қошарий ва унинг "Девони луатит турк" асари.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутаду билиг"и таълим-тарбияга оид биринчи асар сифатида.

Унсурул-Маолий Кайковуснинг "Қобуснома" асари. "Қобуснома" асарининг педагогик фикр тараққиётида тутган ўрни.

Аҳмад югнакий ва унинг "Ҳиббат ул-ҳақойиқ" асари.

## XIV асрнинг иккинчи яримидан XVII асргача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар

XIV-XVI асрларда мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар. Ижтимоий ҳаётнинг тарбия, таълим ва педагогик фикр тараққиётига таъсири. Илм-фан, таълим-тарбиянинг равнақ топа бориши.

Мовароуннаҳрда Амир Темур томонидан марказлашган давлатга асос солиниши. Марказлашган давлатнинг илм-фан ва маърифат тараққиётига таъсири.

XIV-XVI асрларда мактаб ва мадрасалар фаолиятининг йўлга қўйилиши.

Табиий фанларнинг ривожланиши. Мактаб ва мадрасаларда табиий фанларнинг ўқитилиши. Мирзо Улубекнинг илм-маърифат соҳасидаги хизматлари. Мирзо Улубекнинг таълим тизимининг шакллантиришдаги роли. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илм-маърифат, таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари.

## Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий қарашлари

Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий мерослари. Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-Аброр", "Маҳбуб ул-қулуб" асарлари ва уларда илгари сурилган маънавий-ахлоқий оялар. Алломанинг мактаб ва мадрасалар ривожига қўшган ҳиссаси. Абдураҳмон Жомийнинг "Туҳфат-ул-аҳрор" асари ва унинг маърифий-тарбиявий аҳамияти.

Жалолиддин Давонийнинг ахлоқий қарашлари. Алломанинг "Ахлоқи жалолий" асари. "Ахлоқи жалолий" асарининг педагогик фикр тараққиётида тутган ўрни.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий қарашлари. Алломанинг "Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати" асари. Асарнинг ахлоқий тарбияда тутган ўрни.

## XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар

XVII-XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида бухоро, қўқон ва хива хонликларида илм-фаннинг тараққий этиши. Хонликлар ҳудудларида масжид-мадрасалар тизимининг барпо этилиши.

Мадрасаларда ўрганилган асосий манбалар ("Қуръон", "Тафсир", "Одоб ас-солиҳин", "Сабот ул-ожизин", "Кимёи саодат", "Ҳадис", "Шамойил ул-наби", "Ҳикмат ул-айн"). Қизлар мактабларининг фаолияти.

Жаҳон отин увайсийнинг қизлар мактабидаги фаолияти. Муҳаммад Содиқ қошарийнинг "Одоб ас-солиҳин" асари – юксак маънавий-ахлоқий сифатларни ёритувчи манба.

## XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида тарбия ва педагогик фикрлар

Туркистон ўлкасида фаолият юритган таълим муассасаларининг анъанавий тизими. Чоризм мактаб сиёсатининг туркистон ўлкасида ёйилиши. Чор россиясининг мусулмон мактабларига бўлган салбий муносабати.

## Туркистон ўлкасида маърифий-педагогик фикрларнинг шаклланиши

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг ёйилиши. Янги усул мактабларининг пайдо бўлиши. Исмоилбек Гаспирали фаолияти. Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурий, Маҳмудхўжа Беҳбудийларнинг янги усул мактабларини ташкил этишдаги иштироклари. Саидрасул Саидазизовнинг "устоди аввал" дарслиги.

Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида тарбия тизимининг ёритилиши. Ҳамза Ҳакимзода, Абдурауф Фитратларнинг миллий педагогик мерослари.

## 1917-1991 йилларда Ўзбекистонда таълим Тизими ва педагогика фани ривожи

1917 йилдан мустақиллик эълон қилингунга қадар бўлган даврда ўзбекистон республикаси таълим тизими ва педагогика фани ривожининг ўзига хослиги.

Таълим мазмуни. Ўқув дарсликлари ва қўлланмаларининг яратилиши. Таълим-тарбия жараёнининг мустабид тузум мақсадига мувофиқ ташкил этилиши ва унинг салбий оқибатлари.

Ўзбек маърифатпарварлари – Абдуқодир Шакурий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдурауф Фитрат ва бошқалар илмий-педагогик меросининг ўрганилиши.

## Мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим тизими. Истиқлол йилларида педагогик фикрлар тараққиёти

Мустақилликни қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларда таълим тизимида амалга оширилган ислоҳатлар. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида таълим соҳасидаги сиёсий – ижтимоий фаолиятни акс эттирилиши.

Таълимий ислоҳатларни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Миллий мактабни ташкил этиш муаммолари. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.

Педагогик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари. Таълим тизимида миллий маърифий қадриятларидан фойдаланиш.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таълимий ислоҳатларнинг аҳамияти ва баркамол авлод тарбияси ҳақида (“Юксак маънавият – енгилмас куч” асари мисолида). Таълим тизимини юксалтириш ва модернизация килиш жараёнида эксперт – мутахассислар мулоқоти (“Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни баркарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференция). 2012 йил 16-17 февралдаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжати-резолюцияси.

## Жаҳон педагогика фанининг тараққиёт тарихи

Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида ташкил этилган таълим-тарбия мазмуни. Қадимги Шарқ давлатлари ва Юнонистонда педагогик фикрларнинг шаклланиши.

Қадимги Юнонистон (Спарта ва Афина давлатлари)да усутвор бўлган тарбиявий ғоялар ва таълим тизими. Қадимги Юнон файласуфлари (Суқрот, Афлотун, Арасту ва Демокрит) таълимотида ёритилган тарбия масалалари.

Арбий европа мамлакатларида ташкил этилган таълим-тарбия моҳияти. Я.А.Коменскийнинг педагогик тизими. Я.А.Коменскийнинг педагогик тизимининг педагогика фани тараққиётидаги аҳамияти.

Фридрих Дистервергнинг ривожлантирувчи таълим назарияси. Фридрих Дистерверг томонидан асосланган таълимнинг 33 қоидаси.

Рус педагог олимларининг маърифий, маънавий-ахлоқий оялари. К.Д.Ушинскийнинг педагогик мероси.

## Ҳозирги даврда жаҳон ривожланган мамлакатларида Халқ таълими ва педагогика фани

Ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими. Ривожланган мамлакатлар таълим муассасалари амалиёти.

Педагогика фанининг жаҳон мамлакатлари ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни.

АҚШ таълим тизимининг етакчи анъаналари. Япония таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари. Англия таълим тизимининг устувор

тамойиллари. Жанубий Кореяда таълим тизимининг истиқболли ривожланиши.

## “ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ” қисми

### Педагогик маҳорат ва маданият.
### Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари

Педагогик фаолият. Педагогик фаолият хусусиятлари, ижтимоий аҳамияти. Педагогик фаолиятнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистон республикасининг “Таълим тўрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да педагогик фаолиятни ташкил этишга қўйиладиган талабларнинг ифодаланиши.

“Педагогик маҳорат” тушунчасининг моҳияти. Ўқитувчи маҳораитни шакллантиришга доир психологик, педагогик назариялар мазмуни ва аҳамияти. Маданият ва педагогик маданият. Педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисмлари.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш ва уларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишларига қўйиладиган талаблар.

Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда болалар таълими ва тарбиясини ташкил этишга йўналтирилган фаолият мазмуни. Ўқитувчилик фаолиятининг алоҳида ижтимоий фаолият тури сифатида шаклланиши. Ўқитувчилик фаолиятининг жамият ҳаётидаги ўрни.

Шарқ мутафаккирлари – Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Унсурул-Маолий Кайковус, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ижодий меросида мураббий (мударрис)лар шахси, фаолиятига қўйиладиган талабларнинг ифодаланиши.

Қадимги Юнонистон ва Рим файласуфлари – Суқрот, Плутон (Афлотун), Демосфен, Аристотель (Арасту), Цицерон ва Квинтиллианларнинг мураббий шахси, фаолиятига ёндашувлари. Ўқитувчи томонидан нотиқлик санъатининг эгалланиши – қадимги юнонистон ва рим давлатларида шахс тарбиясини ташкил этишга қўйилган муҳим талаб эканлиги.

Я.А.Коменский, А.Дистерверг, К.Д.Ушинский ва бошқаларининг ўқитувчи шахси, унинг касбий тайёргарлиги, педагогик маҳорати борасидаги қарашлари.

### Ўқитувчи фаолиятида педагогик ва коммуникатив қобилият

“Қобилият” ва “Педагогик қобилият” тушунчаларининг моҳияти. Қобилиятнинг психологик тавсифи. Педагогик қобилиятнинг психологик-педагогик мазмуни.

Педагогик қобилиятнинг асосий турлари. Эмпатия ва перцептив қобилиятлар. Дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив, билиш ва англаш қобилиятлари.

Ўқитувчига хос бўлган иродавий ва ҳиссий сифатлар (ирода, сабр-тоқат, мақсадга интилиш, хатти-ҳаракатларни тўри ташкил этиш, ўзини ўзи бошқариш, ўқувчиларга таъсир кўрсата олиш, ҳиссиёт ва кайфиятни бошқара олиш, жавобгарликни зиммага ола билиш, таълим жараёнида ижодий ва муваффақиятли вазиятларни ярата олиш).

Алоқа ўрнатиш (коммуникация) тушунчаси, унинг моҳияти, педагогик таъсир этиш усуллари. Ўқитувчи томонидан мулоқотга киришиш жараёнида қўлланиладиган муомала услублари.

Коммуникатив кобилият (мулоқот орқали таъсир этиш ва муҳитга киришиб кетиш).

Ўқитувчининг коммуникатив кўникмаси: "юзни ўқиш санъати", ўзгалар ҳолатини тушуна олиш, ўзини намоён қила билиш, нутқ воситаси ҳамда сўзсиз ҳолатда инсон руҳиятини тушуна олиш.

Ўқитувчи томонидан ўқувчи билан мулоқотда бўлиш жараёнида қўлланиладиган педагогик таъсир кўрсатиш усуллари: ишонтириш, уқтириш, маъқуллаш ва танқид қилиш.

Ишонтиришга қўйиладиган талаблар. Ишонтиришнинг асосий таркибий қисмлари. Ишонтиришнинг озаки шакллари: огоҳлантириш, тезкор таъсир этиш, буйруқ асосида ижро этишга ундаш, сўз ёрдамида таъқиқлаш, ҳазил орқали англатиш. Ишонтиришнинг асосий омиллари. Ишонтириш натижалари. Ишонтириш техникаси. Педагогик жараёнда ишонтириш техникасидан фойдаланиш.

Уқтиришга қўйиладиган талаблар. Уқтиришнинг асосий таркибий қисмлари. Уқтириш шакллари. Уқтиришнинг асосий омиллари. Уқтириш натижалари. Уқтириш техникаси. Педагогик жараёнда уқтириш техникасидан фойдаланиш.

Маъқуллашнинг асосий таркибий қисмлари. Маъқуллаш шакллари. Маъқуллашнинг асосий омиллари. Маъқуллаш натижалари. Маъқуллаш техникаси. Педагогик жараёнда маъқуллаш техникасидан фойдаланиш.

Танқид қилишнинг асосий таркибий қисмлари. Танқид қилиш шакллари. Танқид қилишнинг асосий омиллари. Танқид қилиш натижалари. Танқид қилиш техникаси. Педагогик жараёнда танқид қилиш техникасидан фойдаланиш.

Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятини ривожлантириш услуби: бўлажак мулоқот модулини ишлаб чиқиш, қисқа муддатли дарс ёки тадбирларни ўтказиш, ўз устида ишлашга доир машқлар.

Ўқитувчининг педагогик мулоқотга киришишида учрайдиган педагогик низо ва камчиликлар ҳамда уларнинг олдини олиш йўллари.

### Мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогик мулоқот

"Мулоқот" атамасининг фалсафий, ижтимоий, психологик ва педагогик моҳияти. Педагогик мулоқот, унинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик мулоқотни ташкил этиш маданияти. Педагогик мулоқотни ташкил этиш

босқичлари ва усуллари. Педагогик мулоқот моделини ишлаб чиқиш. Ўқув-тарбия жараёнида педагогик мулоқот жараёнини бошқариш услублари. Мулоқот жараёнида ташаббусни бошқариш.

Муошарат одоби. Соф адабий тилда сўзлашишга одатланиш. Меҳмондўстлик қоидалари. Диний эътиқодга эътибор.

Табақалашган (иши, мансаби ҳамда жинси кабилар) мулоқотларнинг ўзига хос хусусиятлари ва моҳияти.

Мулоқотга киришишда миллий урф-одатлар, расм-русум ва удумлар ҳақидаги ривоят, афсона ҳамда ҳикматлардан фойдаланиш, педагогик фаолиятга тадбиқ этиш усуллари.

Мулоқотга киришаётган шахсни тўлақонли билишга қизиқиш.

Мулоқот жараёнидаги хушмуомалалик.

Шарқона мулоқотга киришишда мимика ва пантомимикаларнинг аҳамияти ҳамда ўзига хослиги.

Ўқитувчи фаолиятида шарқона мулоқотнинг тутган ўрни.

Дарс ҳамда дарсдан ташқари жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот, унга қўйиладиган талаблар.

Ўқувчилар жамоасида уларнинг эътиборларини жалб этиш ва ижодий кайфиятларини яратишда ўқитувчи мулоқотининг таъсири ва унинг аҳамияти, ўқувчи билан бўлган мулоқот жараёнида ўқитувчи томонидан ишонтириш ва таъсир этиш усулларидан фойдаланиш. Мулоқот жараёнини бошқариш услублари. Ўқитувчи обрўси. Авторитар услубдаги мулоқот. Либерал услубнинг ўқитувчи фаолиятида намоён бўлиш хусусиятлари. Ўқитувчининг демократик услубдаги мулоқоти – ўқувчилар фикрига таяниш, ушбу фикрларни маъқуллаш шакли.

Илмий педагогик адабиётларда берилган мулоқот турлари (дўстона мулоқот, қўрқув асосига қурилган мулоқот, ҳазил-мутойибага асосланган мулоқот ва бошқалар) ҳақида.

## Педагогик техника

“Педагогик техника” тушунчасининг моҳияти. Педагогик техника – ўқитувчи хатти-ҳаракатларини ташкил этиш шакли сифатида. Педагогик техника воситалари: вербал (сўз ёрдамида) ва новербал (сўзсиз) ўзаро мулоқот.

Пантомимика. Мимика. Имо-ишора (сўзсиз, гавда, оёқ ва қўллар ҳаракатлар) ёрдамида ифодаланадиган муносабат.

Педагогик техниканинг таркибий қисмлари: ўқитувчининг ўз хулқи, хатти-ҳаракати, феъл-атворини бошқариш кўникмаси, ўз қиёфаси, ҳиссиёти ва кайфиятини бошқариш кўникмаси, ижтимоий-перцептив қобилият, нутқ техникаси.

Ўқитувчининг алоҳида шахс ва жамоага таъсир кўрсатиш кўникмаси. Дидактик, ташкилотчилик, конструктив (амалий) ва коммуникатив (ўзаро

мулоқот) қобилиятини ифодаловчи кўникмалар. Педагогик муносабат жараёнини ва жамоа ижодий ишини ташкил этиш қобилияти.

Ёш ўқитувчи фаолиятида намоён бўладиган типик хатолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати. “ижодий ҳолат”, “ижодкорлик” ва “ижодий ёндашув” тушунчаларининг моҳияти. Ўқитувчи фаолиятида ижодий ҳолатнинг ўрни. Ўқитувчининг дарс (ёки маънавий-маърифий тадбирлар) андозасини тайёрлаш, мулоқот усулларини танлаш, педагогик вазиятларни олдиндан кўра билиш ва тасаввур этиш, таълимий (ёки тарбиявий) жараённи тўла ҳис этиши. Ўқитувчининг таълим жараёнида ўзини тутишни хаёлан тасаввур этиши. Дарснинг муваффақиятли ўтишига ўзни ишонтириш.

Дарс жараёнидаги ижодий ҳолат (педагогик ижодкорлик, саранжомлик, ўқувчиларни фаолликка ундаш, қийинчиликларни енгишга бўлган хоҳишга эга бўлиш, мимика ва пантомимикадан моҳирона фойдаланиш, ўқувчиларни ижодий фаолиятга йўналтириш).

Ўқитувчининг дарсдан кейинги ижодий ҳолатини ташкил этиш (содир бўлган воқеа-ҳодисаларга муносабат, фаолият мазмунини таҳлил этиш ва баҳолаш, кейинги дарсни ташкил этиш тўрисидаги қарорни белгилаш, дарсни юксак даражада ташкил этишга нисбатан иштиёқ ҳосил қилиш).

Педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш. Ўқитувчининг ижодкорлиги.

Тарбиячилик маҳоратининг моҳияти. Ўқитувчининг тарбиявий жараёнларни ташхислаш маҳорати. Ўқувчилар шахсини ўрганиш диагностикаси.

Таълим муассасаси доирасида малака ошириш

Таълим муассасасидан ташқарида малака ошириш

Педагогик кенгаш; фанлар бўйича методбирлашмалар; доимий ҳаракатдаги семинар-ўқишлар; мақсадли очиқ дарслар; конференция ва педагогик ўқишлар

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари (факультетлари, марказлари)

Мактабгача таълим муассасалари ходимлари нинг малакасини ошириш Республика курси

Туман методика кабинети

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда марказ, вилоят ва туманда ўтказиладиган курслар; мураббийлик курслари; экстернат кўринишдаги курслар; қисқа муддатли курслар; эркин тингловчилар курслари; сиртдан, қатнаб таълим олинадиган курслар; шахсий режа асосида ташкил этиладиган курслар; муаллифлик курслари; муаммоли (мақсадли) ва доимий ҳаракатдаги курслар

Илмий-назарий ва амалий конф-я, семинар, семинар-кенгаш; доимий ҳаракатдаги семинар; таянч ва илғор тажриба муассасаси ишлари;туман фан ўқитувчиларининг методика уюшмалари; педагогик ўқишлар, раҳбарларнинг Методик уюшмалари

**Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш** педагогларда касбий маҳорат ўсишини рағбатлантириш, таълим-тарбияда илғор ПТни яратиш ва қўллаш, маънавий-маърифий ишлар натижаларни холис баҳолаш, эгаллаб турган ёки даъвогарлик қилинаётган тоифа, лавозимларга муносибликни аниқлаш, таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш мақсадида ташкил этилади

**Аттестация жараёнида амалга ошириладиган ишлар**

Педагог кадрлар ўз мутахассислиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест синовидан, суҳбатдан ўтказиладилар; педагог ўқитаётган фан бўйича ўқувчиларнинг билим ва ўзлаштириш даражаси ўрганилади; ўқувчилар ўртасида социологик сўровлар ўтказилади

**Назорат учун саволлар:**

1. Таълим соҳасидаги ЎзР давлат сиёсати қандай тамойилларга асосланади?
2. Таълим тизими нима?
3. Узлуксиз таълим қандай босқичларда ташкил этилади?
4. Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг вазифалари нималардан иборат?
5. Олий таълим қандай вазифаларнинг ҳал қилинишини таъминлайди?
6. Ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимида қандай умумий жиҳат ва фарқлар кўзга ташланади?
7. Таълим муассасасини бошқаришда нималарга эътибор берилади?
8. Таълим муассасасини қандай субъектлар томонидан амалга оширилади?
9. Таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишда жамоатчилик бошқарувига асосланиш қандай аҳамиятга эга?
10. Таълим муассасаларининг Низомларида қандай ғоялар ёритилади?
11. Таълим муассасасининг Уставлари қандай мақсадларга хизмат қилади?
12. Таълим муассасасини бошқариш тамойиллари нималардан иборат?
13. Таълим муассасалари бошқарув органлари томонидан қандай вазифалар ҳал қилинади?
14. Таълим муассасалари раҳбари (директор, ўқув ишлари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари)нинг асосий вазифалари нималардан иборат?
15. Таълим муассасасида методик ишлар қай тарзда йўлга қўйилади?
16. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказишдан қандай мақсад кўзланади?

**“Заковатли зукко” методи асосида янги мавзу бўйича қуйидаги саволларга аниқ ва қисқа жавоб қайтаринг**

1. Таълим соҳасидаги ЎзР давлат сиёсати қандай тамойилларга асосланади?

2. Узлуксиз таълим тизими нима?

3. Узлуксиз таълим қандай таълим турларига асосланади?

4. Хорижий мамлакатлар таълим тизими қандай ўхшаш жиҳатларга эга?

5. Таълим муассасаларининг Низоми қандай ҳужжат саналади?

6. Таълим муассасаларининг Уставлари қандай Мақсадда ишлаб чиқилади?

6. Таълим муассасаси қандай тамойиллар асосида бошқарилади?

7. Таълим муассасасининг бошқарув органлари қайсилар?

9. Таълим муассасанинг директори қандай вазифаларни бажаради?

10. Таълим муассасаларида нима учун педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эътибор қаратилади?

**Технологик паспорт**

**18-мавзу: Коррекцион (махсус) педагогика**

| | |
|---|---|
| **Маърузага ажратилган вақт** – 2 соат | **Талабалар сони** – 60 нафар |
| **Ўқув машулотининг шакли ва тури** | Маъруза (Умумлаштирувчи-қисқа маълумотли маъруза) |

| | |
|---|---|
| **Ўқув машулоти нинг таркибий тузилмаси** | 1. “Савол-жавоб” методи ёрдамида талабалар томонидан аввалги мавзунинг ўрганилиш даражасини аниқлаш.<br>2. Ташкилий масалаларни ҳал қилиш, маъруза мавзуси ва унинг ўзига хос жиҳатлари тўрисида маълумотлар бериш.<br>3. “Рақамлар” методи асосида гуруҳларга маъруза матнини тарқатиш.<br>4. Мавзуга оид таянч тушунчаларни аниқлаш.<br>5. Маъруза моҳиятини “Тақдимот” методи асосида ёритиб бериш.<br>6. “Лойиҳалаш” методи ёрдамида талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.<br>7. Машулотни якунлаш. |
| **Ўқув машулот нинг мақсади** | Талабаларга махсус (коррекцион) педагогиканинг предмети, вазифалари, асосий категориялари, ривожланишдаги нуқсонларни таснифлаш, шунингдек, ривожланиши ва ҳулқида нуқсонлари бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялашга оид назарий билимларни бериш |

| | |
|---|---|
| **Педагогик вазифалар:**<br>1) талабаларни махсус (коррекцион) педагогиканинг предмети ва вазифалари билан таништириш;<br>2) талабаларни махсус педагогиканинг асосий категориялари тўрисидаги билимлар билан қуроллантириш;<br>3) талабалар томонидан ривожланишдаги нуқсонларнинг таснифи, уларнинг сабаб ва оқибатларига оид маълумотларни ўзлаштиришлишига эришиш;<br>4) талабаларни ривожланишдаги нуқсонларни ташхислаш тамойиллари ва методлари билан таништириш;<br>5) талабаларда ривожланиши ва ҳулқида турли нуқсонлари бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги тушунчаларни ҳосил қилиш | **Ўқув фаолияти натижалари:**<br>1) талабалар махсус (коррекцион) педагогиканинг предмети ва вазифалари билан танишадилар;<br>2) талабалар махсус педагогиканинг асосий категориялари тўрисидаги билимлар билан қуролланадилар;<br>3) талабалар томонидан ривожланишдаги нуқсонларнинг таснифи, уларнинг сабаб ва оқибатларига оид маълумотлар ўзлаштирилади;<br>4) талабалар ривожланишдаги нуқсонларни ташхислаш тамойиллари ва методлари билан таништирадилар;<br>5) талабалар дидактик тушунчалар тизими ҳамда дидактик назария (концепция)лар тўрисидаги назарий билимларни ўзлаштирадилар;<br>6) талабаларда ривожланиши ва ҳулқида турли нуқсонлари бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги тушунчалар ҳосил бўлади |

| | |
|---|---|
| **Таълим методлари** | Маъруза, “Савол-жавоб”, “Рақамлар”, “Тақдимот”, “Синдикат”, “Схема”, “Кластер” ва “Жадвал” методлари |

| | |
|---|---|
| **Таълимни ташкил этиш шакли** | Маъруза, оммавий |
| **Дидактик воситалар** | Мавзуга доир адабиётлар, плакатлар, маъруза матни, слайд-Тақдимот |
| **Таълимни ташкил этиш шароити** | Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона |
| **Назорат** | Жорий назорат, савол-жавоб |

**Технологик карта**

**18-мавзу: Коррекцион (махсус) педагогика**

| **Иш босқич лари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Ўқитувчи** | **Талаба** |
| **1-босқич. Ўқув машулоти га кириш – ташкилий-тайёргарлик босқичи (20 дақиқа)** | 1. Мавзу, мавзуни ўзлаштиришдан кўзланган мақсад ва кутилаётган натижаларни баён этади.<br>2. Кичик гуруҳларни шакллантиради.<br>3. Ўқув машулотининг тузилишли-мантиқий схемасини тақдим этади.<br>4. Вақти-вақти билан талабаларни ҳамкорликка, фаолликка ундайди.<br>5. Талабалар эътиборига педагогик вазиятларни тақдим этади.<br>6. Талабалар, кичик гуруҳлар фаолиятини назорат қилиб боради.<br>7. Машулотни ташкил этишдан кутилган натижага эришилганлик даражасини баҳолайди.<br>8. Машулотни якунлайди | 1. Ўқитувчи нутқни тинглайдилар, мавзу ва унинг мазмунини ёритувчи ояларни ёзиб оладилар.<br>2. Кичик гуруҳларда ишлайдилар.<br>3. Тақдим этиладиган схема, плакат ва тақдимот билан танишадилар.<br>4. Зарур ўринларда саволлар билан мурожаат қиладилар.<br>5. Ўқитувчи, тенгдошлари билан баҳсга киришиб, мавзу бўйича ўзлаштираётган билимларини ойдинлаштирадилар.<br>6. Мавзу мазмуни бўйича тасаввур ва билимларга эга бўладилар |
| **2-босқич. Асосий қисм – англаш босқичи (50 дақиқа)** | 1. Талабаларни мавзу режаси ва асосоий тушунчалари билан таништиради.<br>2. Плакатлар моҳиятини ёритади.<br>3. Мавзуга доир ўқув материалини кичик гуруҳларга тарқатади.<br>4. Тақдимот асосида назарий маълумотларни баён этади, таянч тушунчаларни ажратиб кўрсатади.<br>5. Гуруҳларга топшириқлар беради.<br>6. Ўқув материалининг бўлимлари ва умумий мазмуни бўйича якуний хулосани баён этади. | 1. Мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишадилар..<br>2. Плакатлар моҳиятини ўрганадилар.<br>3. Ўқитувчи нутқини тинглайдилар, тақдимот билан танишадилар.<br>4. Мавзуга оид таянч тушунчаларнинг мазмунини ўрганадилар.<br>5. Зарур ўринларда саволлар билан ўқитувчига мурожаат қиладилар.<br>6. Ўқув материалининг асосий ўринларини ўз дафтарларига қайд этишади. |

| | | |
|---|---|---|
| **3-босқич. Якуний қисм – фикрлаш босқичи (10 дақиқа)** | 1. Гуруҳлардан берилган топшириқларни бажаришларини сўрайди.<br>2. Гуруҳлар томонидан ишланган кластер мазмунини жамоа билан ҳамкорликда таҳлил қилади.<br>3. Берилган саволлар асосида мавзунинг яхши ўзлаштирилмаган қисмини қайта тушунтиради.<br>4. Талабаларга мустақил ишлаш учун топшириқ беради, топшириқни баҳолашга оид мезонлари билан уларни таништиради | 1. Гуруҳ таркибида топшириқнинг ечимини излайдилар.<br>2. Гуруҳнинг топшириқ борасидаги фикри билан жамоани таништирадилар.<br>3. Бошқа гуруҳларнинг ечимлари билан танишадилар, уларга ўз фикрларини билдирадилар.<br>4. Ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлайдилар.<br>5. Ўқитувчи томонидан берилган топшириқни ёзиб оладилар |

## МАЪРУЗА МАШУЛОТИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| Таълим бериш технологиясининг модели | |
|---|---|
| **18-мавзу** | **Коррекцион (махсус) педагогика** |

**Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари:**
2,0 балл – “аъло” (5); 1,5 балл – “яхши” (4)
1,0 балл – “қониқарли” (3); 0,5 балл – “қониқарсиз” (2)

**Машғулот режаси:**

1. Махсус педагогиканинг предмети ва моҳияти.
2. Махсус педагогиканинг асосий вазифа ва категориялари.
3. Аномал болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар йўналишлари.
4. Бола ривожланишидаги нуқсонларнинг турлари.
5. Бола ривожланишидаги нуқсонларни ташхислаш тамойиллари ва методлари.
6. Руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш.
7. Нутқида нуқсони бўлган болалар билан ишлаш.
8. Эшитиш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш.
9. Кўришда нуқсони бўлган болаларни ўқитиш

**Фойдаланиш учун адабиётлар:**

1. ¡çáåêèñòîí Ðåñïóáëèêàñèíèíã “Òàúëèì òўғðèñèäà”ãè Қîíóíè // Áàðêàìîë àâëîä – ¡çáåêèñòîí òàðàққè¸òèíèíã ïîéäåâîðè. – Òîøêåíò: Øàðқ íàøðè¸ò-ìàòáàà êîíöåðíè, 1997

2. Íîâîòîðöåâà Í.Â. Êîððåêöèîííàÿ  ïåäàãîãèêà è ñïåöèàëüíàÿ ïñèõîëîãèÿ. Ñëîâàðü. – Ìîñêâà: Ïåäàãîãèêà, 1999.

3. Усанова О.Н. Руҳий ривожланишида муаммолари бўлган болалар. –Москва: Педагогика, 1995.

4. Рахмонова В.С. Дефектология ва логопедия асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.

5. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси / М.Х.Тохтаходжаева ва бошқалар. Проф. М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 1996.

**Савол-жавоб учун саволлар:**

1. Сизнингча, махсус педагогика қандай фан?
2. Махсус педагогика қандай масалаларни ўрганади?
3. Шахс ривожланишида қандай нуқсонлар кўзга ташланиши мумкинлигига эътибор берганмисиз?
4. Нутқнинг нотўғри ривожланиши аномал ҳодиса саналадими? Нима учун?
5. Нима деб ўйлайсиз, руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга самарали таълим бериш мумкинми?
6. Педагог сифатида шахсан Сиз эшитиш қобилияти бузилган болаларга таълим беришда асосий эътиборни нималарга қаратган бўлардингиз?

**Махсус педагогика (дефектология, юнонча “defectus” - “нуқсон”, “камчилик”, “logos”- “фан”, “таълимот”)** ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, саломатлик имкониятлари чекланган бола шахсини ривожлантириш жараёнини бошқариш моҳияти, қонуниятларини ўрганувчи фан саналади

Махсус педагогика (дефектология)

**Сурдопедагогика ва сурдопсихология** эшитиш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялашни ўрганади

**Тифлопедагогика ва тифлопсихология** кўриш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни ўрганади

**Олигофренопедагогика ва олигофренопсихология** ақли заиф болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни ўрганади

**Логопедия ва нутқий бузилишлар психологияси** нутқида нуқсонлар бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни ўрганади

Таянч-ҳаракат аппаратнинг мураккаб нуқсонларини ўрганувчи **махсус педагогика** ва **махсус психология**

**Махсус (коррекцион) педагогика соҳалари**

МАХСУС **педагогиканинг асосий мақсади**
белгиланган (нормал) ва
(мавжуд камчилик) фаолият ўртасидаги
номувофиқликни
йўқотиш ёки камайтиришдан иборат

МАХСУС-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ:
1) яхлит таълим жараёнини қамраб оладиган,
мураккаб психофизиологик ва ижтимоий-педагогик
чора-тадбирларнинг
амалга оширилишини назарда тутадиган
педагогик тизим;
2) махсус таълим дастурига мувофиқ
мутахассислар
ёрдамида аномал ўқувчиларни ўқитиш,
тарбиялаш ва ривожлантиришга
йўналтирилган яхлит жараён

**Асосий вазифалар**

Аномал болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш;
ривожланиш аномалиясини
барвақт ташхислаш методларини ишлаб чиқиш;
болаларда ривожланиш нуқсонларини тузатиш,
йўқотиш ёки камайтириш бўйича чора-тадбирларни
ишлаб чиқиш;
аномал болаликнинг олдини олиш бўйича профилактик
чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;
бола ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш ёки
тузатиш имкониятларини аниқлаш;
аномал болаларни табақалаштирилган ҳолда
ўқитиш ва тарбиялаш; аномал болани ривожлантириш
ва ижтимоийлаштириш жараёни самарадорлигини ошириш

**Махсус (коррекцион) педагогиканинг асосий вазифалари**

**Махсус педагогиканинг асосий категориялари**

**Аномал болаларни ўқитиш ва ривожлантириш** - бу уларни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган мақсадли жараён

**Аномал болаларни тарбиялаш** ривожланишдаги нуқсон даражаси ва тузилишига мос келадиган метод, воситаларни танлаш асосида аномал болаларни фаол ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда фуқаролик сифатларини шакллантиришдан иборат

**Коррекциялаш (тузатиш)** - бу боланинг психик ва жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш, йўқотиш ва пасайтиришдир

**Коррекцион-тарбиявий ишлар** шахснинг аномал ривожланиши хусусиятларига кўра умумий педагогик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари тизими бўлиб, улар аномал болаларни ўқитиш жараёнида амалга оширилади

**Компенсация (юнонча “compensatio” – “ўрнини тўлдириш”)** организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш, қайта қуришдир

**Ижтимоий реабилитация (юнонча “rehabilitas” – “қобилиятини тиклаш”)** аномал боланинг психофизиологик имкониятларига кўра ижтимоий муҳитда иштирок этиши учун шароит яратиш, уни ижтимоий ҳаёти ва меҳнатига жалб этишни англатади

**Ижтимоий адаптация (юнонча “adapto” – “мослашиш”)** аномал болаларнинг индивидуал, гуруҳли хулқларини ижтимоий қоидалар, қадриятларга мос келишини таъминлаш

**Оила тарбияси** ижтимоий реабилитацияни самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у оила ва махсус таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик аномал болани ижтимоий фаолиятга жалб этиш, меҳнат қобилиятларини аниқлаш ва имкон қадар касб кўникмаларини шакллантиришда самарали натижаларга эришиш имкониятини яратади

**Коррекцион-педагогик тизимда амалга ошириладиган вазифалари**

Болаларнинг ривожланиши ва хулқидаги нуқсонлар моҳиятини аниқлаш, юзага келиши сабаблари, шароитларини ўрганиш

Ривожланиши, хулқида нуқсонлар бўлган болалар билан коррекцион-педагогик фаолиятни ташкил этиш, ривожланиш тарихини ўрганиш

Ривожланиши, хулқидаги нуқсонларнинг олдини оладиган ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар, психофизиологик ривожланиш этимологияси (сабаб-оқибатли асослари)ни аниқлаш

Ривожланиши, хулқида нуқсонлар бўлган болаларга коррекцион-педагогик таъсир кўрсатиш технологияси, шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш

Оммавий умумий ўрта таълим мактабларда ривожланиши, хулқида нуқсонлар бўлган болаларни умумий тарзда ва махсус ўқитиш мазмунини таҳлил қилиш

Болаларни реабилитациялаш, ҳимоялаш марказлари, махсус муассасаларнинг мақсади, вазифалари, йўналишларини аниқлаш

Аномал болалар билан коррекцион-педагогик фаолиятни ташкил этадиган ўқитувчиларни тайёрлашда ўқув-методик базани яратиш

**Коррекцион-ривожлантирувчи таълим** аномал болаларга ўз вақтида малакали педагогик ёрдам кўрсатилишни таъминловчи табақалаштирилган таълим тизими бўлиб, бола ривожланишини таъминлайдиган билимларни тизимлаштириш, ривожланиши ва ўқишидаги камчиликларни йўқотиш, етарлича шаклланмаган кўникма ва малакаларни шакллантириш, боланинг идрок этишдаги камчиликларни тузатишга хизмат қилади

**Коррекцион-тарбиявий ишлар** аномал болаларнинг ривожланишидаги камчиликларни йўқотиш, камайтиришга қаратилган махсус педагогик чора-тадбирлар тизими бўлиб, фақат алоҳида нуқсонларни тузатишга йўналтирилган бўлмай, балки уларни умумий ривожлантиришга ҳам хизмат қилади

**Коррекцион-тарбиявий фаолият** боланинг идрок этиш имкониятларини ўзгартириш, ҳиссий-иродавий, индивидуал-шахсий сифатларини такомиллаштириш, қизиқиши, лаёқати, меҳнат, бадиий, эстетик ва б.ш. қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган педагогик хатти-ҳаракатдир

| МУАЛЛИФЛАР | НУҚСОНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ |
|---|---|
| **М.А.ВЛАСОВА, М.С.ПЕВЗНЕР** | **1. Сенсор хислати етишмайдиган болалар (эшитиш, кўриш, нутқ қобилияти, таянч-ҳаракат аппарати, сенсомоторик функцияси бузилган). 2. Руҳий ривожланиши ортда қолган болалар. 3. Астеник ёки реактив ҳолатли, ташвишланишга мойил болалар. 4. Психопатик (хулқнинг ҳиссий бузилиши) хулқли болалар. 5. Ақли заиф болалар (дебиллик, имбециллик, идиотия даражасидаги олигофренлар). 6. Психик касалликнинг бошланич кўриниши (шизофрения, эпилепсия, истерия ва б.ш.) Намоён бўладиган болалар** |
| **О.Н.УСАНОВА ОЯСИГА КЎРА** | **1. Органик бузилишлар сабабли ривожланишида четланиш бўлган болалар. 2. Функционал етук эмаслиги сабабли ривожланишида камчилик бўлган болалар. Психик деприватциялар асосида ривожланишида камчиликлар бўлган болалар** |
| **В.РАХМАНОВА** | **1. Интеллектуал бузилишга эга болалар (ақли заиф ва руҳий ривожланишидан ортда қолган болалар). 2. Нутқи бузилган болалар. 3. Сенсорли (кўриш ва эшитиш қобилиятлари бузилган) нуқсонларга эга болалар. 4. Таянч-ҳаракатли аппарати бузилган болалар. 5. Ривожланишида комплекс бузилиш бўлган болалар** |


Тамойиллар
Инсонпарварлик
Болаларни мажмуавий (комплекс) ўрганиш
Болани ҳар томонлама ва яхлит ўрганиш
Болани динамик ўрганиш
Сифатий-миқдорий ёндашув
Маълум турдаги патологияли болаларни бошқа болалар гуруҳларидан ажратиш
Ривожланишдаги нуқсонлар даражасига кўра табақалаштирилган таълимни ташкил этиш
Аномал болалар ёшини инобатга олиш
Бола ривожланишидаги нуқсонларни ташхислаш тамойиллари


Методлар
Суҳбат
Кузатиш
Тест
Расмларни ўрганиш
Психологик тадқиқотлар
Психологик-педагогик текшириш методлари




**Назорат учун саволлар:**

1. Махсус педагогика қандай масалаларни ўрганади?
2. Махсус педагогика қандай тамойилларга эга?
3. Махсус педагогиканинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Аномал ўқувчилар билан қандай коррекцион ишлар олиб борилади?
5. Бола ривожланишидаги нуқсонлар қандай турларга бўлинади?
6. Бола ривожланишидаги нуқсонларни аниқлашда қандай ташхислаш тамойилларига амал қилинади?
7. Бола ривожланишидаги нуқсонларни аниқлашда қандай методлар қўлланилади?
8. Руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш қандай тартибда амалга оширилади?
9. Нутқида нуқсони бўлган болалар билан ишлашда нималарга эътибор қаратиш лозим?
10. Эшитиш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш қандай ўзига хосликларга эга?
11. Кўришда нуқсони бўлган болаларни ўқитиш самарадорлигини қандай таъминлаш мумкин?

**“Лойиҳалаш” методи ёрдамида махсус педагогиканинг умумий моҳиятини ёритувчи лойиҳаларни тайёрланг**

**Топшириқ устида ишлаш босқичлари**

↓

Талабаар кичик гуруҳларга бириктириладилар

↓

Гуруҳлар мустақил равишда топшириқни бажарадилар

↓

Ҳар бир гуруҳдан бир нафар аъзо гуруҳ лойиҳаси билан жамоани таништиради

↓

Жамоа ҳар бир гуруҳнинг лойиҳаси юзасидан фиур билдиради

↓

Энг яхши лойиҳа танлаб олинади

↓

Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини баҳолаб, машғулотга якун ясайди

↓

## ЛАБОРАТОРИЯ ВА АМАЛИЙ МАШУЛОТЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЛОЙИҲАЛАРИ

### 2.1. “Ўзбекистон Республикаси таълим тизими” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти** – 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этишини ўрганиш ва таҳлил этиш.<br>2. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб бериш.<br>3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турларига доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. Кичик гуруҳларда ишлаш: “Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг афзаллиги ва ўзига хослиги шундаки...” мавзусида асосланган эссе ёзиш ҳамда тақдимот қилиш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади*:*** талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда таълим тизими ва турларининг ўзига хосликлари ҳақида аниқ фикр юрита олиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | |
| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
| 1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этиши масаласини баён юзасидан талабаларга зарур кўрсатмалар бериш.<br><br>2. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги ёритилган чизмани тақдим этиш ва талабаларни чизмага изоҳ беришга йўналтириш.<br><br>3. Талабаларга Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турларига доир амалий топшириқларни тақдим этиш ва уларни бажаришга доир тушунтириш бериш.<br><br>4. Талабаларнинг кичик гуруҳлардаги ишини ташкил этиш ва бошқариш. | 1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги асосий меъёрий ҳужжатлари – “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини тушунтириб берадилар.<br><br>2. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмларининг вазифаларини баён этишади ҳамда уларнинг бир-бир билан боғлиқлигини изоҳлайдилар.<br><br>3. “Таълим тизими” ва “таълим турлари” тушунчаларининг алоҳида мазмунга эгалигини фарқлашади; Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўладилар.<br><br>4. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг афзаллиги ва ўзига хосликларини қиёслайдилар ва умумий хулосага келадилар. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, “Нима учун?” чизмаси, “Чалкаштирилган мантиқий занжирлар” интерфаол методи, асосланган |

| | |
|---|---|
| | эссе. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Ўзбекистон Республикаси таълим тизими” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси таълим тизими билан боғлиқликда “Нима учун?” чизмасини таклиф қилади ва улар билан биргаликда тўлдиради (3-илова). | Ўқитувчи тақдим этган чизма билан боғлиқликда саволларга жавоб беришади ва мунозарада иштирок этишади. |
| **Асосий босқич (55 дақиқа)** | 2.1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларига доир “Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги”ни тақдим | Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлигини индивидуал ўз дафтарларига тўлдиришади ва оммавий тарзда тақдимотда иштирок |

| | | |
|---|---|---|
| | этади (4-илова). | этишади |
| | 2.2. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги ёритилган чизмани тақдим этади (5-илова). | Чизма билан танишадилар ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларига изоҳ беришади |
| | 2.3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турларига доир амалий топшириқларни бажариш тартиби ва қоидаси билан таништиради (6-илова). | Амалий топшириқларни индивидуал тарзда бажаришади ва жамоавий ишда иштирок этишади |
| | 2.4. Талабаларни кичик гуруҳлардаги ишини ташкил этади ҳамда “Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг афзаллиги ва ўзига хослиги шундаки...” мавзусида асосланган эссе ёзиш топшириғини беради (7-илова). | Кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда асосланган эссе ёзишади ва тақдимот қилишади |
| **Якуний босқич**<br>**(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

## 1-лаборатория иши. Мавзу: Ўзбекистон Республикаси таълим тизими.

### Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги асосий меъёрий ҳужжатлари – “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари билан танишиш ҳамда таҳлил этиш (“Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобининг 20-60 бетлари).
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмлари (Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 3-бўлим, 3.1; 3.2; 3.3; 3.4; 3.5 бандлари)нинг вазифаларини ажратиб ўрганиш.
3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари (“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 9-10-11-12-13-14-15-16-17-18-19 моддалари)ни ўрганиш ва конспект қилиш.

**2-илова**

### Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари

Жами: 5 балл

1. Машғулотга доир топшириқларни конспектлаш. – 2 балл.
2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл.
3. Кичик гуруҳларда ишни бажариш – 1 балл.

**3-илова**

### Қуйидаги чизмага эътибор қаратинг. Муаммо юзасидан фикр юритинг.



**4-илова**

**“Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари” мавзусидаги чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги**

*Қуйида келтирилган жумлалар билан танишинг. Уларни мос равишда жадвалнинг керакли устунига ёзиб қўйинг.*

1. Бешта бўлим, ўттиз тўрт моддадан иборат.
2. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи.
3. Шахс.
4. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш.
5. Фан.
6. Таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги.
7. Билим олиш ҳуқуқи.
8. Билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш.
9. Ишлаб чиқариш.
10. Халқаро ҳамкорлик.
11. Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.
12. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи.

| **“Таълим тўғрисида”ги Қонун** | **Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури** | **Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари** |
|---|---|---|

**5-илова**




**Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари**

**6-илова**

**Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турларига доир амалий топшириқлар**

**1-топшириқ. Қуйида келтирилган жумлаларни давом эттиринг.**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганидан қатъий назар...
2. Давлат таълим стандартлари...
3. Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:...
4. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: ...
5. Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади: ...
6. Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар...
7. Таълим муассасасини аккредитациялаш....
8. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларнинг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш...
9. Давлат таълим муассасаларини молиялаш...
10. Нодавлат таълим муассасаларига қабул...
11. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларига қуйидагилар киради: ...
12. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан...

**2-топшириқ. Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.**

1. ... аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

2. Ўзбекистон Республикасида таълим ... турда амалга оширилади.

3. ... бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

4. Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча ... учун мажбурийдир.

5. ... юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

6. ... ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

7. ... ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир.

8. ... умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилган.

9. ... билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

10. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва ...

11. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ... томонидан белгиланади.

12. Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни ... асосида олишга ҳақлидирлар.

**6-илова**

**Кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган асосланган эссе ёзиш топшириғи**

“Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг афзаллиги ва ўзига хослиги шундаки...” мавзусида асосланган эссе ёзиш

**Топшириқни бажариш тартиби:**

1. Мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг.
2. Нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг.
3. Мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

## 2.2. “Педагоглик касби ва унинг вазифалари” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти** – 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Педагоглик касбининг пайдо бўлиши ва демократик жамиятда педагоглик касбининг ўзига хосликларини ўрганиш.<br>2. Шарқ ва Ғарб педагогларининг педагоглик касби ҳақидаги қарашларини ўрганиш ва таҳлил этиш.<br>3. Педагогнинг шахсий ва касбий сифатларини ўзлаштиришга доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. “Менинг идеалимдаги педагог” мавзусида ўн минутлик эссе ёзиш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади***:* талабаларнинг педагоглик касби ва унинг ўзига хосликларига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда улар томонидан педагогнинг шахсий ва касбий сифатларининг ўзлаштирилишига эришиш. | |
| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
| 1. Педагоглик касби билан боғлиқ тушунчаларни ва демократик жамиятда педагог ролларининг намоён бўлишини ажратиб кўрсатиш.<br><br>2. Шарқ ва Ғарб педагогларининг педагоглик касбига доир қарашларини талабаларга тақдим этиш ва уларни таҳлил этишга йўналтириш.<br><br>3. Педагогнинг шахсий ва касбий сифатларини ўзлаштиришга доир амалий топшириқларни тақдим этиш ва уларни бажаришга доир тушунтириш бериш.<br><br>4. Талабаларни эссе ёзишга доир зарурий кўрсатмалар билан қуроллантириш. | 1. Педагоглик касбининг пайдо бўлишини ўрганишади ҳамда педагоглик касби билан боғлиқ тушунчалар (касб, мутахассислик, педагогик мутахассислик, педагог, педагогик малака) ва демократик жамиятда педагог роллари(фасилитатор, тьютор, ингилатор)нинг намоён бўлишини билиб олишади.<br><br>2. Шарқ ва Ғарб педагогларининг педагоглик касбига доир қарашларини ўрганадилар.<br><br>3. Педагогнинг шахсий (эътиқод, ижтимоий фаоллик, фуқаролик туйғуси) ва касбий (виждонлилик, адолатпарварлик, масъулият ҳисси, фидокорлик, педагогик лаёқат) сифатларни ўзлаштирадилар.<br><br>4. Ўз идеалларида педагог тимсолини яратишади ва педагоглик касбига барқарор қизиқиш юзага келади. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, тушунчалар таҳлили, “Ўйланг ва жуфтликларда фикр алмашинг”, матн билан ишлаш, БЛИЦ-ўйин, ўқув лойиҳаси. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, |

| | |
|---|---|
| | тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Педагоглик касби ва унинг вазифалари” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида ўқитувчи ҳақидаги ҳикояни келтириб ўтади ва талабаларни ўйлаш ва жуфтликларда фикр алмашишга даъват этади (3-илова). | Ўқитувчи тақдим этган ҳикоя билан танишишади ва мунозарада иштирок этишади. |
| **Асосий босқич (55 дақиқа)** | 2.1. Педагоглик касби билан боғлиқ тушунчаларни тақдим этади ва талабаларни уларни таҳлил этишга йўналтиради. | Педагоглик касби билан боғлиқ тушунчаларни ўз дафтарларига қайд этишади ва уларга изоҳ ёзишади |

| | | |
|---|---|---|
| | 2.2. Шарқ ва Ғарб педагогларининг педагоглик касбига доир қарашларини тизимлаштиришга доир БЛИЦ-ўйинни ташкил этади ва бошқаради (4-илова). | БЛИЦ-ўйинда иштирок этишади ҳамда топшириқни индивидуал ва кичик гуруҳларда бажаришади |
| | 2.3. “Замонавий педагог шахси модели”ни тақдим этади ва талабалардан ҳар бир сифат ва хусусиятларга изоҳ беришни сўрайди. | “Замонавий педагог шахси модели”даги ҳар бир тушунчага луғат ёрдамида изоҳ беришади |
| | 2.4. Талабалар томонидан ёзилган “Менинг идеалимдаги педагог” мавзусидаги ўн минутлик эссе билан танишади ва уларнинг айримларини гуруҳда тинглашни ташкил этади. | “Менинг идеалимдаги педагог” мавзусида ўқув лойиҳаси тайёрлашади ва тақдимот қилишади |
| **Якуний босқич** **(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**2-лаборатория иши. Мавзу: Педагоглик касби ва унинг вазифалари.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Педагоглик касбининг пайдо бўлиши ҳамда луғат (Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008) ёрдамида педагоглик касби билан боғлиқ тушунчалар (касб, мутахассислик, педагогик мутахассислик, педагог, педагогик малака) ва демократик жамиятда педагог роллари (фасилитатор, тьютор, ингилатор)нинг намоён бўлишини ўрганиш .
2. Педагогика тарихига доир ўқув адабиётлари (К.Ҳошимов ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996) билан танишиш орқали Шарқ ва Ғарб педагогларининг педагоглик касбига доир қарашларини ўрганиш ва таҳлил этиш.
3. “Замонавий педагог шахси модели” билан танишиш ҳамда ҳар бир сифат ва хусусиятга изоҳ ёзиш.

**ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ ШАХСИ МОДЕЛИ**

***Фундаментал билимлар***

1. Филсафий, социологик.
2. Инсоншунослик.
3. Маданий.
4. Методологик.
5. Психологик-педагогик.
6. Махсус (фан бўйича)

***Шахсий ва касбий сифатлар***

1. Фуқаролик ва ватанпарварлик.
2. Ижтимоий фаоллик.
3. Миллий ғоя тарғиботчиси.
4. Инсонпарварлик.
5. Интеллигентлик.
6. Эрудиция

| |
|---|
| ***Қобилиятлар*** |
| 1. Дидактик (ўқув). |
| 2. Гностик (билишга доир). |
| 3. Конструктив-ташкилотчилик. |
| 4. Эмоционаллик, очиқлик. |
| 5. Коммуникати. |
| 6. Суггестив. |
| – – |

4. “Менинг идеалимдаги педагог” мавзусида ўн минутлик эссе ёзиш.

Эссе – бу муаллифнинг индивидуал нуқтаи назарини ифода этиш шакли бўлиб, бирор нарса-ҳодиса ёки жараён ҳақидаги умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

Ўн минутлик эссени ёзиш қоидалари:

1. Таклиф этилган мавзуга доир сўзлар ҳажми 500 тадан 1000 тагача бўлиши мумкин.

2. “Педагог деганда кўз олдимга ... келади”, “Менинг фикримга кўра педагог ... бўлиши керак”, “Замонавий педагог ... каби сифатларга эга бўлиши керак” каби жумлалардан фойдаланинг.

3. Ўзингиз ҳавас қилган, сиз учун идеал бўлган устозларингиздан бири мисолида орзуингиздаги педагог тимсолини гавдалантиринг.

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1.Машғулотга доир топшириқларни бажариш. – 4 балл.
2.Мунозараларда иштирок этиш – 0,5 балл.
3.Кичик гуруҳларда ишни бажариш – 0,5 балл.

**3-илова**

**Ўйлаш ва жуфтликларда фикр алмашишга учун қатралар (ўйлар)**

Деҳқон ва муаллим

(Ўткир Ҳошимов)

Деҳқон нопоб уруғ сепса, аччиқ “ҳосили”ни бир ўзи “ўриб олади”. Ўша йили.

Ўқитувчи боланинг қалбига нобоп уруғ сепса, аччиқ “ҳосили”ни бутун жамият ўриб олади. Йигирма йилдан кейин...

Муаллим моддий бойлик яратмайди, дейдиганлар жамитни ичидан портлатувчи бомбадир!

Устоз

(Ўткир Ҳошимов)

Устоз отангдек улуғ, деганлари бежиз эмас. Ота ҳаёт беради. Устоз эса яшашга ўргатади. Туғилишдан кўра яшаш қийинроқ....

Чархпалак

(Ўткир Ҳошимов)

Мактабимиз биқинидан ариқ оқарди. Арикда чархпалак бор эди. Катта танаффусда чархпалакни томоша қилишни яхши кўрардим... Ёғоч гардиши кўҳна, темир пақирчалари занглаб кетган. Парракларига кўкимтир сув ўтлари ёпишган... Биров ёлғондан туртиб юборса, ростдан қулаб кетадигандек... Чархпалак нолали чийқиллаб айланади. Кифтида сув кўтариб юқорига олиб чиқади... Тепага чиқиб олган суви ортга қайтмайди... Чархпалак ҳам бунга ранжимайди. Янгидан-янги сув томчиларини юқорига кўтариб бераверади... Нолали ғийқиллайди...

Орадан кўп йиллар ўтиб, ўша чархпалак тушларимга кирадиган бўлди. Нега шундай бўлганини узоқ ўйладим...

Сўнг... Бир ҳақиқатни англадим. Мен чархпалакни эмас, устозларимни қумсар эканман.

Сув – сув эмас, мен эканман! Чархпалак – чархпалак эмас, ўқитувчиларим экан!

Мени – бир томчи сувни катта ҳаёт йўлига олиб чиқиб қўйган устозларим – чархпалак заҳматини оқлай олдиммикан?.. Билмадим.

...Кўҳна чархпалак ҳамон тушларимга киради...

**4-илова**

**БЛИЦ-ўйин**

| **фикрлар** | **гурух жавоби** | **гурух хатоси** | **калит** | **индив. хато** | **индив. жавоб** | **Педагог-олимлар** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Устоз шогирдига зуғум қилишга, кўп ҳолларда ён беришга интилмаслиги керак | | | | | | Алишер Навоий |
| Илм берувчининг овози тингловчиларнинг ҳаммасига эшитиларли, меъёрида бўлиши керак | | | | | | Абу Наср Форобий |
| Мударрис ота-онасининг мансаби, бойлигига қараб болага муомала қилмаслиги лозим. | | | | | | Имом Ал-Бухорий |
| Яхши ўқитувчи ўқувчиларга тайёрини бермайди, тушунтиришга ўргатади | | | | | | Абу Али ибн Сино |
| Болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш лозим | | | | | | Адольф Дистерверг |

Ўйинни ўтказиш тартиби:

1) талабаларга жадвалнинг чап томонида берилган тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади;

2) дастлаб индивидуал равишда тушунчаларга мос жавобни ўнг томондаги фикрлар орасидан танлаб, тартибланган рақамини “индив. жавоб” устунига (масалан “1” рақамли тушунчага “10” рақамдаги жавоб) ёзиш сўралади;

3) сўнгра худди шундай тартибдаги иш кичик гуруҳларда амалга оширилади. Яъни “гуруҳ жавоби” устуни тўлдирилади. Кичик гуруҳ аъзоларида мазкур устунга ёзиш учун ягона жавоб бўлиши лозим;

4) ўқитувчи тўғри жавобларни ўқийди. Талабалар ўзларига берилган қоғознинг “калит” устунига жавобларни ёзиб чиқишади.

5) талабалар мустақил равишда калитга асосланиб, “индивидуал хато” ва “гуруҳ хатоси” устунларини тўлдиради. Ҳар бир талабанинг ва кичик гуруҳ натижалари таҳлил этилади.

## 2.3. “Педагогика фан сифатида. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти –** 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Педагогика фанининг пайдо бўлиши ҳамда педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини ўрганиш.<br>2. Педагогиканинг асосий категорияларини ўрганиш ва таҳлил этиш.<br>3. Педагогиканинг илмий-тадиқот методларига доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. Очиқ ва ёпиқ жавобли анкета тузиш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади*:*** талабаларнинг педагогика фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, педагогика фанининг методологик асосларига доир билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда педагогиканинг илмий-тадқиқот методларидан фойдаланишга доир кўникма ва малакаларни таркиб топтириш. | |

| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
|---|---|
| 1. “Педагогика” тушунчасининг келиб чиқиши, педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари ҳақида конкрет билим ва тасаввурларни шакллантириш. | 1. “Педагогика” тушунчасининг келиб чиқиш тарихини ўрганишади ҳамда педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини билиб оладилар. |
| 2. Талабалар томонидан педагогиканинг асосий категориялари ва уларнинг моҳиятини ўзлаштирилишига эришиш. | 2. Педагогиканинг асосий категориялари (таълим, тарбия, маълумот, шаклланиш, ривожланиш)ни ўрганадилар. |
| 3. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методларини ўзлаштиришга доир амалий топшириқларни тақдим этиш ва уларни бажаришга доир тушунтириш бериш. | 3. Педагогиканинг назарий (анализ, синтез, класификациялаш, структуралаш, моделлаштириш, таълим муассасаси ҳужжатларини ўрганиш) ва эмпирик (анкета, педагогик кузатиш, суҳбат, педагогик эксперимент)дан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ўзлаштирадилар. |
| | 4. Очиқ ва ёпиқ жавобли анкеталар тузиш |

| | |
|---|---|
| 4. Талабаларни очиқ ва ёпиқ жавобли анкеталар тузишга доир кўрсатмалар билан қуроллантириш. | орқали дастлабки тадқиқотчилик кўникмаларига эга бўлишади. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, эркин ёзиш, БЛИЦ-сўров, муқобилини танлаб олиш тести. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Педагогика фан сифатида. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Педагогика фанини ўрганиш нима учун зарур?” мавзусида эркин ёзиш топшириғини беради (3-илова). | Эркин ёзишга доир топшириқни бажаришади ва ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишади. |

| | | |
|---|---|---|
| **Асосий босқич**<br><br>**(55 дақиқа)** | 2.1. “Педагогика” тушунчасининг келиб чиқиши, педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўз дафтарларига тузатиш киритишади |
| | 2.2. Педагогиканинг асосий категорияларини ўзлаштиришга доир муқобилини танлаб олиш тестини тақдим этади ва ечиш тартиби билан таништиради (5-илова). | Муқобилини танлаб олиш тестини бажарадилар ва ўз-ўзини назрат қилишни амалга оширишади |
| | 2.3. Талабаларга педагогиканинг илмий-тадқиқот методларига доир тақдим этилган амалий топшириқларнинг жавобларини текширади ва зарурий тузатишлари киритади. | Топшириқларга доир ўз жавоблари билан иштирок этади ва зарурий тузатишлар киритишади |
| | 2.4. Талабалар томонидан тузилган очиқ ва ёпиқ жавобли анкеталар билан танишади ва текширади | Очиқ ва ёпиқ жавобли анкета юзасидан мунозараларда иштирок этишади |
| **Якуний босқич**<br><br>**(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**3-лаборатория иши. Мавзу: Педагогика фан сифатида. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Педагогика фанининг пайдо бўлиши ҳамда педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохатаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 28-31; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2008. – Б.26-28; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008. – С.39-50).
2. Педагогиканинг асосий категорияларини ўрганиш, таҳлил этиш ва жадвал кўринишида дафтарга қайд этиш (Педагогика // М.Х.Тохатаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008. – С.51-61).
3. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методларига доир амалий топшириқларни бажариш.

*1-топшириқ. Қуйидаги келтирилган фрагментлар билан танишинг. Уларда қайси педагогик илмий-тадқиқот методи ҳақида фикр юритилаётганлигини аниқланг.*

1-лавҳа. Мазкур илмий-тадқиқот методи бевосита ва билвосита олиб борилиб, таълим-тарбия жараёнидаги мавжуд муаммони аниқлашга хизмат қилади.

2-лавҳа. Ўқув машғулотларининг жадвали, ўқув дастури, гуруҳ (ёки синф) журналлари, ўқувчиларнинг шахсий варақалари, Педагогик Кенгаш йиғилиши баённомалари ёзилган дафтар, Педагогик Кенгаш қарорлари, тарбиявий ишлар режаси, ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш борасидаги ҳисоботлар мазкур метод учун манба бўлиб хизмат қилади.

3-лавҳа. Бу метод педагогик кузатиш жараёнида эга бўлинган маълумотларни бойитиш, мавжуд ҳолатга тўғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субъектлари имкониятларини муаммо ечимига жалб этиш мақсадида қўшимча равишда ташкил этилади ва савол-жавоб тарзида амалга оширилади.

4-лавҳа. Мақсадига кўра асословчи ва таъкидловчи босқичларда амалга оширилиб, узоқ ва қисқа муддатга ташкил этиладиган ҳамда қатъий режим асосида педагогик кузатув

олиб борилади. Таълим-таълим тарбияни амалга оширишга доир янги метод, усул, восита ва технологиялар синовдан ўтказилади.

5-лавҳа. Социологик тавсифга эга тадқиқотларда қўлланилиб, ошкора муҳокамага асосланади. Саволлар ва жавоблар олдиндан тайёрланади.

6-лавҳа. Бирор объект ҳақида янги маълумотларни олиш мақсадида унинг таркибий қисмлари абстракт ҳолатга кўчириш асосида ўрганилади ва яхлит андозаси яратилади.

*2-топшириқ. Қуйида келтирилган мисоллар билан танишинг ва уларнинг қайси илмий-тадқиқот методига тегишли эканлигини аниқланг.*

1-мисол. Сиз мазкур таълим муассасасини танлаганингиздан хурсандмисиз? 1) ҳа, хурсандман; 2) жуда хурсанд эмасман; 3) йўқ. 4) жавоб беришга қийналаман.

2-мисол. 2.1. Ўрганилаётган фанларни ўзлаштиришга сизнинг таълимнинг аввалги босқичидаги тайёрлигингиз етарлими? 2.2. Сизнинг-ча, олий таълимда ўқишнинг мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежидан фарқи нимада?

3-мисол. 3.1. Инновация деганда нимани тушунасиз?___________________________

_______________________________________________________________________________

Инновация ва янгилик тушунчалари ўртасида тафовут мавжудми? Ўз фикрингизни асосланг_________________________________________________________

_______________________________________________________________________________

4-мисол. 4.1. Керакли сўзни топиб қўйинг.

Ўзбекистон – ... давлат.

Саволга жавоб беринг.

Амир Темур қандай давлат тузган?

Гапни давом эттиринг.

1999 йил Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Унинг таваллуд санаси муносабати билан …

4. “Педагоглик касбини танлашдан мақсад”ни аниқлашга доир очиқ ва ёпиқ жавобли анкета тузиш.

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Китоб билан ишлаш ва конспект ёзиш. – 1 балл.
2. Топшириқларни бажариш ва анкета тузиш – 2 балл.
3. Савол-жавобларда ва мунозарада иштирок этиш – 2 балл.

**3-илова**

**“Педагогика фанини ўрганиш нима учун зарур?” мавзусида эркин ёзиш топшириғи**

Топшириқ: “Педагогика фанини ўрганиш нима учун зарур?” мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт туганганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

**4-илова**

**“Педагогика” тушунчасининг келиб чиқиши, педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. “Педагогика” сўзи қандай маънони билдиради?
2. Педагогика фани қай тарзда пайдо бўлди?
3. Илмий педагогика нечанчи асрда юзага келди?
4. Педагогика фани нимани ўрганади?
5. Педагогика фанининг объекти нима?
6. Педагогика фанининг объектини белгилашда хилма-хил ёндашувлар кўзга ташланади. Бундай ёндашувларга сизнинг муносабатингиз қандай?
7. Педагогика фанининг предметини нима ташкил этади?
8. Педагогикнинг таҳлилий функцияси қандай вазифаларни бажаради?
9. Педагогиканинг прогностик фукцияларига нималар киради?
10. Педагогиканинг ташкилий фукнцияси ўз ичига нималарни қамраб олади?
11. Педагогиканинг методологик функцияси деганда нимани тушунасиз?

**5-илова**

**Педагогиканинг асосий категорияларини ўзлаштиришга доир муқобилини танлаб олиш тести**

| | |
|---|---|
| 1. Тарбияланувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён. | А) маълумот |
| 2. Муайян аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни. | В) таълим |
| 3. Таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар | С) ривожланиш |

ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

4. Ҳаётий фаолият жараёни ва махсус тарбиявий хатти-ҳаракатлар таъсирида инсон ривожланишининг муҳим шакли. — Д) маълумот

5. Тарбияланувчининг психикаси ва жисмоний тараққиётида босқичма-босқич ва қонуний ўзгаришларнинг содир бўлиши — Е) шаклланиш

### 2.4. “Ўқувчи шахси тарбиянинг объекти ва субъекти сифатида” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти** – 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. “Одам”, “инсон”, “шахс” тушунчаларини қиёсий ўрганиш ҳамда шахс тушунчасининг моҳиятини ўзлаштириш.<br>2. Шахснинг “ўсиши”, “ривожланиши” ва “шаклланиши” масалаларини фанлараро боғлиқликда таҳлил этиш.<br>3. Шахсни шакллантиришга доир ёндашувларни таҳлил этиш ва ўзига хосликларини аниқлаш.<br>4. Шахсни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва таҳлил этиш.<br>5. Шахсни шакллантиришнинг ёш даврларига тавсиф бериш. |

**Лаборатория машғулотининг мақсади***:* талабаларнинг шахснинг шаклланиши, тарбияси ва ижтимоийлашувига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда ёш даврларининг ўзига хосликларини фарқлай олиш кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
|---|---|
| 1. Талабаларни “Одам”, “инсон”, “шахс” тушунчалари мазмунини фарқлай | 1. “Одам”, “инсон”, “шахс” тушунчаларини фарқлай олишга ўрганадилар. |

| | |
|---|---|
| олишга ўргатиш.<br><br>2. Шахснинг ўсиши ва ривожланишининг ўзига хосликларини аниқлаштириш.<br><br>3. Шахсни шакллантиришга доир ёндашувларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб олинишига эришиш.<br><br>4. Шахсни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни қиёсий тавсифлашга ўргатиш.<br><br>5. Шахсни шакллантиришнинг ёш даврларига тавсиф бериш. | <br><br>2. “Ўсиш” ва “ривожланиш” тушунчаларининг шахс ривожланишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари сифатида хизмат қилишини англайдилар.<br><br>3. Шахсни шакллантиришга доир ёндашувлар (биологик, ижтимоий, биоижтимоий, замонавий)нинг мазмун-моҳиятини ўзлаштирадилар.<br><br>4. Ирсият, муҳит, таълим-тарбия, шахсий фаолликнинг шахсни шакллантиришга таъсирини қиёслайдилар, хулосалар чиқаришади.<br><br>5. Шахсни шакллантиришнинг ёш давларига тавсиф беришади |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, муаммоли топшириқ, тугалланмаган гаплар методикаси, тоифалаш жадвали. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Ўқувчи шахси тарбиянинг объекти ва субъекти сифатида” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга |

| | | |
|---|---|---|
| | мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи**<br><br>**(10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида муаммоли топшириқни тақдим этади (3-илова). | Муаммоли топшириқни бажаришади ва ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишади. |
| **Асосий босқич**<br><br>**(55 дақиқа)** | 2.1. “Одам”, “инсон”, “шахс” тушунчалари моҳиятини англашга доир “Тугалланмаган гаплар” методикасини ўтказади (4-илова). | Тугалланмаган гапларни тўлдиришади ва оммавий сўровда иштирок этишади |
| | 2.2. Шахснинг ўсиши ва ривожланишининг ўзига хосликларини аниқлаштириш мақсадида тушунчалар иерархиясини тақдим этади (5-илова). | Тушунчалар иерархияси билан танишадилар ва уларни тўғри кетма-кетликда жойлаштиришади |
| | 2.3. Индивидуал ва жуфтликларда муҳокама қилиш учун шахснинг ривожланишига доир ёндашувлар моҳиятини ёритиб берувчи фикрларни яширин ҳолатда ифодалайди ва талабаларни ўйлашга даъват этади (6-илова) ҳамда шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни таснифлашга доир топшириқни тақдим этади (7-илова). | Шахсни шакллантиришга доир ёндашувлар моҳиятини ёритиб берувчи фикрлар билан танишадилар, муҳокама қиладилар ва аниқ қарорга келишади |
| | 2.4. Талабалар томонидан мустақил тўлдириб келинган “Шахсни шакллантиришнинг ёш даврлари” мавзусидаги тоифалаш жадвали билан танишади ва уларга аниқлик киритади | Тоифалаш жадвалини тақдим этишади ва зурурий тузатишлар киритишади |
| **Якуний босқич**<br><br>**(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

## 4-лаборатория иши. Мавзу: Ўқувчи шахси тарбиянинг объекти ва субъекти сифатида.

### Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):

1. “Одам”, “инсон”, “шахс” тушунчаларини қиёсий ўрганиш ҳамда шахс тушунчасининг моҳиятини ўзлаштириш (Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004; Каримов И. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. – Т.: Фан, 2007).
2. Шахснинг “ўсиши”, “ривожланиши” ва “шаклланиши” масалаларини фанлараро боғлиқликда таҳлил этиш. (Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т., 2004; Содиқов Қ., Арипова С.Х., Шахмурова Г.А. Ёш физиологияси ва гигиена. – Т.: Янги аср авлоди, 2009; Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008)
3. Шахсни шакллантиришга доир ёндашувларни таҳлил этиш ва ўзига хосликларини аниқлаш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.29-31; Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т., 2004; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008.).
4. Шахсни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.29-31; Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т., 2004; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008).
5. “Шахсни шакллантиришнинг ёш даврлари” мавзусидаги тоифалаш жадвалини тўлдириш.

| **“Шахсни шакллантиришнинг ёш даврлари” мавзусидаги тоифалаш жадвали** | | | |
|---|---|---|---|
| **Мактабгача таълим ёш даври** | **Кичик мактаб ёши** | **Ўрта мактаб ёши (ўсмирлар)** | **Катта мактаб ёш даври (ўспиринлар)** |
| | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | |

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Машғулотга доир вазифаларни бажариш ва мунозараларда иштирок этиш – 2 балл.
3. Тоифалаш жадвалини тўлдириш ва тақдимот қилиш – 2 балл.

**3-илова**

**Ўйланг/ фикр юритинг/ муҳокама қилинг**

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега қарға ўртача 200-300 йил яшайди. Лекин унинг болалиги узоғи билан беш-олти ой давом этади. Инсон ўртача 60-70 йил умр кўради. Бироқ у 20-25 ёшларида мустақил ҳаёт бошлайди. Мазкур ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

**4-илова**

## Тугалланмаган гаплар методикаси

Қуйида келтирилган жумлаларни ўқинг ва жумлага мос келадиган бир сўз билан ифодаланадиган жавобни топинг.

1) ўзи истамаган ҳолда бировга ёмонлик қилиб қўйса ҳам, мазкур ишидан афсусланади, виждон азобида қийналади – ...

2) индивидлар ичида бир тур – ...

3) жамиятда ўз ўрнига эга, ижтимоий аҳамиятга эга мақсад йўлида бир ёки бир нечта кишини ўз орқасидан эргаштира олади – ...

**5-илова**

## “Тушунчалар иерархияси” методикаси

Қуйида келтирилган атамалар иерархиясига эътибор қаратинг ва уларнинг жойлашиш тартибига ўз муносабатингизни билдиринг. Ҳар бир атамага изоҳ беринг.

1) ўсиш;

2) ривожланиш;

3) шаклланиш;

4) тарбия;

5) ўз-ўзини тарбиялаш;

6) ўз-ўзини такомиллаштириш.

**6-илова**

## Шахснинг ривожланишига доир ёндашувлар

Қуйидаги фикрлар билан танишинг, уларда шахс ривожи масаласи қайси нуқтаи назардан ўрганилаётганлигини тушунтиринг.

1) инсон табиий мавжудот бўлиб, унинг бутун хатти-ҳаракатлари туғма инстинкт ва эҳтиёжлар натижасидир. Инсон жамият талабларига бўйсунишга мажбур, шу билан бирга табиий эҳтиёжларини ҳам намоён қилиб боради;

2) инсон биологик мавжудот сифатида туғилади, фақат ҳаётий фаолияти давомида бошқалар билан доимий мулоқот ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири остида ижтимоийлашади;

3) инсондаги психик жараёнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий тавсифга эга, инсоннинг йўналганлиги – қизиқишлари, қобилиятлари ижтимоий ҳодиса саналади;

4) шахс яхлит тавсифга эга бўлиб, унинг ривожига нафақат унинг фаолиятидаги ўзига хосликлар, балки турмуш тарзи ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга ижтимоий ҳаёт натижалари – мотив, мақсад, қизиқиш кабилар ҳам унинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

**7-илова**

## Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни таснифлашга доир топшириқ

“Шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар” чизмасини тугалланг.




## 2.5. “Таълим жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

<table>
<tr><td>Машғулот вақти – 2 соат</td><td>Талабалар сони: 20-30 нафар</td></tr>
<tr><td>Машғулот шакли</td><td>Семинар-лаборатория</td></tr>
<tr><td>Лаборотория машғулотнинг тузилиши</td><td>1. Таълим жараёнини яхлит тизим сифатида ўрганиш ва таҳлил этиш.<br>2. “Қонун”, “қонуният” ва “тамойил” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш.<br>3. Таълимнинг умумий ва хусусий қонуниятларини изоҳлаш ҳамда моҳиятини очиб бериш.<br>4. Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларини таҳлил этиш ҳамда таълим қонуниятлари билан алоқадорлигини баҳолаш.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Лаборатория машғулотининг мақсади: талабаларнинг таълим жараёни, унинг қонуниятлари ва тамойилларига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда таълим қонуниятлари ва тамойилларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.</td></tr>
<tr><td>Педагогик вазифалар:</td><td>Ўқув фаолияти натижалари:</td></tr>
<tr><td>1. Талабаларни таълим жараёнини яхлит ҳодиса сифатида тушунишга йўналтириш.</td><td>1. Таълим жараёни яхлит ҳодиса сифатида мақсад, натижа, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти, мазмун, шакл, метод ва восита каби таркибий қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигидан иборат эканлигини англайдилар.<br>2. “Қонун”, “қонуният”, “тамойил”, “қоида”</td></tr>
</table>

| | |
|---|---|
| 2. “Қонун”, “қонуният”, “тамойил” ва “қоида” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўзлаштирилишига эришиш.<br>3. Таълимнинг умумий ва хусусий қонуниятларини ажрата олишга ўргатиш.<br>4. Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларининг таълим қонуниятлари билан алоқадорлигини кўрсатиб бериш. | тушунчаларининг таърифини билиб олишади.<br>3. Таълимнинг умумий ва хусуисй қонуниятларини ўзлаштирадилар.<br>4. Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларининг таълим қонуниятлари билан алоқадорлиги ҳақида хулосалар чиқарадилар. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, кейс, ижодий тест, амалий, чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Таълим жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова).<br>Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

| | | |
|---|---|---|
| | чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи**<br><br>**(10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида таълим жараёни формуласини тақдим этади ва унга изоҳ беришни сўрайди (3-илова). | Педагогик формулалар билан танишишади ва ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишади. |
| **Асосий босқич**<br><br>**(55 дақиқа)** | 2.1. Таълим жараёнини яхлит ҳодиса сифатида тушунишга ёрдам берувчи кейс топшириғини беради ва бажариш тартибини тушунтиради (4-илова). | Кейс топшириғини бажаришади ва уни тақдимот қилишади |
| | 2.2. “Қонун”, “қонуният”, “тамойил” ва “қоида” тушунчаларининг талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини аниқлашга доир ижодий тест ўтказади (5-илова). | Ижодий тест топшириғини бажаришади ва ўз-ўзини назорат қилади |
| | 2.3. Таълимнинг умумий ва хусусий қонуниятларининг ўзлаштиришга доир амалий топшириқларни тақдим этади ва уни бажаришга доир зарур кўрсатмалар беради (6-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва унга зарурий ўзгартиришлар киритади |
| | 2.4. Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги интерфаол методи асосида таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларини ажратиб олишга ўргатади (7-илова) | Чалкаштирилган мантиқий занжирларни тўғри ўрингa қўйиш асосида таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойиллари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлайдилар |
| **Якуний босқич**<br><br>**(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**5-лаборатория иши. Мавзу: Таълим жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Таълим жараёнини яхлит ҳодиса сифатида ўрганиш ва унинг тузилишини аниқлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008).
2. Педагогикага оид луғатлардан (Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2009; Педагогический энциклопедический словарь. – М.: Научное издательство «Большая Российская энциклопедия», 2007; Морозова О.П. Педагогический словарь-справочник. – Барнаул: 2000) фойдаланган ҳолда “қонун”, “қонуният”, “тамойил” ва “қоида” тушунчаларига изоҳ ёзиш.
3. Таълимнинг умумий ва хусусий қонуниятларини ўрганиш ҳамда ҳар бирига алоҳида-алоҳида изоҳ бериш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008.).
4. Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларини ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008).

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 2 балл.
2. Машғулотга доир топшириқларни бажариш ва мунозараларда иштирок этиш – 2 балл.
3. Таълим жараёни қонуниятлари ва тамйилларининг алоқадорлигини тушунтириб бера олиш – 1 балл.

**3-илова**

**Таълим жараёни “формула”си**

*Изоҳ:* одатда формула деганда кўз олдимизга математик-физик ҳодисалар гавдаланади. Бироқ таълим жараёни ҳам ўзига хос формулаларда ифодаланиш хусусиятига эга. Қуйидаги формулага эътибор қаратинг ва уни изоҳланг. Сизнингча, унда қандай маъно ифода этилган?

$ДЖ = М + А_{бф} + А_{б}$

ДЖ –

М –

$А_{бф}$ –

$А_{б}$ –

**4-илова**

**Кейс топшириғи: “Таълим жараёни яхлит ҳодиса сифатида”**

Қуйида келтирилган чизмага эътибор қаратинг. Унда график ифода этилган, бироқ унда акс этиши лозим бўлган жумлалар чизма остида берилган. Мазкур жумлаларни шундай кетма-кетликда жойлаштирингки, натижада таълим жараёни таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги аниқ намоён бўлсин.



Чизмада акс эттирилиши лозим бўлган жумлалар:

1. Мақсад. 2. Натижа. 3. Ўқитувчи фаолияти. 4. Ўқувчи фаолияти. 5. Мазмун. 6. Шакл. 7. Метод. 8. Восита

**5-илова**

**Ижодий тест топшириғи**

1. *Гапни тугалланг.*

Барқарор, такрорланувчи, инвариантли тавсифга эга нарса-ҳодиса ва жараёнларнинг ички мавжуд алоқалари ...

2. *Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.*

Дидактикада ... деганда таълимий ҳодисаларнинг намоён бўлиши ва ривожланиши билан шартланадиган ички мавжуд алоқалар тушунилади.

3. *Гапни давом эттиринг.*

Қонуният – бу ...

4. *Гапни тугалланг.*

Таълим жараёнининг таркибий қисмлари орасидаги объектив, мавжуд, барқарор, такрорланувчи алоқадорлик ...

5. *Гапни давом эттиринг.*

Тамойил деганда …

6. *Нуқталар ўрнига керакли жумлани топиб қўйинг.*

... ўқув жараёнининг умумий мақсадлари ва қонуниятларига биноан унинг мазмуни, ташкилий шакл ва методларини белгиловчи бошланғич қоидалардир

7. *Гапни тугалланг.*

Таълим тамойилларини амалга ошириш технологияси ...

**6-илова**

**Таълимнинг қонуниятларини ўзлаштиришга доир топшириқлар**

**1) таълимнинг умумий қонуниятларига доир топшириқлар.**

*1.1. Қуйидагилар орасидан таълим мақсадини белгиловчи қонуниятларни аниқланг.*

1) жамиятнинг ривожланиш суръати ва даражаси; 2) ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт суръати; 3) ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми; 4) жамиятнинг талаблари ва имкониятлари; 5) ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятлари; 6) педагогика фани ва амалиётининг ривожланганлиги ва имкониятлари

*1.2. Қуйидаги қонуниятларни таълим жараёнининг қайси таркибий қисмига тегишли деб ҳисоблайсиз?*

1) аввалги босқич маҳсулдорлиги ва ҳозирги босқичда эришилган натижалар; 2) ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми; 3) ўқувчиларга ташкилий-педагогик таъсир кўрсатиш; 4) ўқувчиларнинг билим олишга қобилиятлари ва таълим вақти.

1.3. Таълим методлари самарадорлиги қуйидаги қайси қонуниятларни ҳисобга олиш билан боғлиқ?

1) таълим тизимида қайта алоқаларнинг интенсивлиги ва коррекцияга; 2) таълимнинг ички рағбатларига; 3) таълим мақсадига; 4) ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятларига; 5) таълим муассасасининг моддий-техник таъминотига.

*1.4. Қуйидаги қонуниятларидан қайсилари таълим сифатини таъминлашга хизмат қилади?*

1) ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми; 2) таълим назарияси ва амалиётининг ривожланиш даражаси; 3) таълимнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари; 4) аввалги босқич маҳсулдорлиги ва ҳозирги босқичда эришилган натижалар.

*1.5. Таълим мазмунини белгилашда қайси қонунуниятларга амал қилиш лозим?*

1) таълимнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари; 2) ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми; 3) ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт суръати; 4) ўқувчиларнинг ёши имкониятлари; 4) таълим тизимида қайта алоқаларнинг интенсивлиги ва коррекция; 5) таълим назарияси ва амалиётининг ривожланиш даражаси.

**2) таълимнинг хусусий қонуниятларига доир топшириқ.**

Қуйидаги фикрлар билан танишинг ва уларни таълимнинг қайси хусусий (ташкилий, социологик, психологик, кибернетик, гносеологик) қонуниятига тегишли эканлигини аниқланг:

I. Таълим натижалари ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўникмаларига; таълим самарадорлиги ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ҳажмига; билим ва кўникмаларни ўзлаштириш самарадорлиги уларнинг амалда қўлланилишига; ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши ўзаро алоқадор билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш ҳажмига тўғридан тўғри боғлиқ.

II. Таълим самарадорлиги ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқишига; фикрлаш даражаси, кучи, жадаллиги ва ўзига хослигига; хотиранинг ривожланганлик даражасига; билиш фаоллиги даражасига бевосита боғлиқ.

III. Таълим самарадорлиги қайта алоқаларнинг тезлиги ва ҳажмига; билимларнинг сифати назоратнинг тўғри олиб борилишига; таълим сифати ўқув жараёнини бошқариш сифатига; бошқарувнинг самарадорлиги бошқарувга доир ахборотларнинг сони ва сифатига бевосита боғлиқ.

IV. Индивиднинг ривожланиши у бевосита ва билвосита мулоқотда бўладиган индивидларнинг ривожланишига; таълим самарадорлиги “интеллектуал муҳит”нинг мавжуд ҳолатига, ўзаро бир-бирига ўргатишнинг жадаллигига; ўқитувчи ва ўқувчилар мулоқотининг сифатига бевосита боғлиқ.

V. Таълим натижаси ўқувчининг ўқув меҳнатига, ўзининг ўқув мажбуриятларига муносабатига; ўқувчининг ишчанлик қобилиятига; ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини ошириш ўқув машғулоти жадвалининг тузилиши, унда жисмоний тарбия ва меҳнат машғулотларининг жойлаштирилишига бевосита боғлиқ.

**7-илова**

**Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларини аниқлашга доир чалкаштирилган мантиқий занжирлар**

Қуйида келтирилган таълимнинг тамойиллари билан танишинг. Уларни мақсадига кўра икки тур (мазмунли ва ташкилий-методик)га ажратинг.

1. Инсонпарварлик.
2. Табиат билан уйғунлик.
3. Кўргазмалилик.
4. Онглилик, фаоллик, ижодийлик.
5. Маданият билан уйғунлик.
6. Тушунарлилик.
7. Илмийлик.
8. Таълимнинг амалиёт билан уйғунлиги.
9. Изчиллик, тизимлилик, кетма-кетлик.
10. Тарбияловчи таълим.
11. Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.
12. Оқилона талабчанлик билан таълим олувчи шахсини ҳурмат қилиш.

| *Таълимнинг мазмунли тамойиллари* | *Таълимнинг ташкилий-методик тамойиллари* |
|---|---|
| | |

**2.6. “Таълим мазмуни” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели**

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти – 2 соат** | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. “Таълим мазмуни” тушунчасини ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш.<br>2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғоялар мазмун-моҳиятини ёритиш.<br>3. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатларни ўрганишга доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. Дарслик ва унинг вазифалари, унга қўйиладиган талаблар ҳамда ўқув қўлланмаларининг турларини аниқлаштириш. |

**Лаборатория машғулотининг мақсади*:*** талабаларнинг таълим мазмуни, таълим мазмунини белгилаб замонавий ғояларга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда таълим мазмунини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
|---|---|
| 1. “Таълим мазмуни” тушунчасини ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувлар моҳиятини англаб олинишига эришиш. | 1. “Таълим мазмуни” тушунчасини ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувлар моҳиятини тушуниб олишади. |
| 2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғояларнинг ўзига хосликларини ажрата олишга ўргатиш. | 2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғояларни ўзлаштирадилар. |
| 3. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | 3. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатларни ўрганадилар ҳамда улар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлишади. |
| 4. Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг таълим мазмунини ёритишдаги аҳамиятини аниқлаштириш. | 4. Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг таълим мазмунини ёритишдаги аҳамияти ҳақида аниқ хулосаларга келишади. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, ақлий ҳужум, блиц-сўров, муқобилини танлаб олиш тести, асосланган эссе. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |

| | |
|---|---|
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Таълим мазмуни” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кути-лаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Нима учун ўзлаштириш зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ доирасини белгилаб олиш лозим?” мавзусида ақлий ҳужумни ташкил этади (3-илова). | Ўзларининг мустақил фикрларини билдиришади ва жамоавий мунозарада иштирок этишади. |
| **Асосий босқич** | 2.1. Таълим мазмуни ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувлар билан боғлиқликда блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўзларининг ёзганларига тузатишлар киритишади. |

| | | |
|---|---|---|
| **(55 дақиқа)** | 2.2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғояларни ўзлаштиришга доир муқобилини танлаб олиш тестини ўтказади (5-илова). | Тест топшириғини бажаришади ва ўз-ўзини назорат қилади |
| | 2.3. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатларни ўрганишга доир амалий топшириқларни тақдим этади ва уни бажаришга доир зарур кўрсатмалар беради (6-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва унга зарурий ўзгартиришлар киритади |
| | 2.4. Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг таълим мазмунини ёритишдаги аҳамиятига доир талабалар томонидан ёзиб келинган асосланган эсселар билан танишади ва ўз муносабатини билдиради. | Асосланган эссени тақдим этишади ва ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қиладилар |
| **Якуний босқич** **(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**6-лаборатория иши. Мавзу: Таълим жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. “Таълим мазмуни” тушунчасини ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: Высшее образование, 2008).

2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғоялар мазмун-моҳиятини ёритиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: Высшее образование, 2008).

3. ДТС, ўқув режаси, ўқув дастури ҳақидаги назарий маълумотларни ўрганиш ва конспект қилиш (Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (7-модда); Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: Высшее образование, 2008).

4. Дарслик ва унинг вазифалари, унга қўйиладиган талаблар ҳамда ўқув қўлланмаларининг турларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: Высшее образование, 2008).

5. “Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг билим манбаи сифатидаги аҳамияти шундаки...” мавзусида асосланган эссе ёзиш.

Топшириқни бажаришга доир кўрсатма:

1) мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг;
2) нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг;
3) мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 2 балл.
2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш – 2 балл.
3. Мунозараларда иштирок этиш ва асосланган эссе тақдимоти – 1 балл.

**3-илова**

**“Нима учун ўзлаштириш зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ доирасини белгилаб олиш лозим?” мавзусида ақлий ҳужумни ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.
2. Талабаларнинг жавоблари тингланади ва доскага кетма-кетликда ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади,.
3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

**4-илова**

**Таълим мазмуни ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувларни аниқлаштиришга доир блиц-сўров саволлари**

1. Таълим мазмуни деганда нима тушунилади?
2. Таълим мазмунини белгилашда экстенсив ёндашув деганда нимани тушунасиз?
3. Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг таълим мазмунини белгилашдаги имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Формал таълим назариясининг асосий ғояси нимадан иборат?
5. “Кўп билим ақл ўргата олмайди” иборасини қандай изоҳлаш мумкин?
6. Формал таълим назарияси тарафдорлари қандай фалсафий оқимга таянадилар?
7. Моддий таълим назариясининг асосида қандай ғоя ётади?
8. Моддий таълим назариясининг ривожланишига қандай омил туртки бўлди?
9. Қайси педагог олимлар формал ва моддий таълим назариясини бирлаштириш ғоясини илгари сурдилар?
10. Прагматик ёндашув асосини нима ташкил этади?
11. Уильям Килпатрик томонидан илгари сурилган “лойиҳалар методи”ни қандай баҳолайсиз?

**5-илова**

**Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғояларни ўзлаштиришга доир муқобилини танлаб олиш тести**

| | |
|---|---|
| 1. Таълим жараёнида ўқувчи шахсининг устувор ўрин тутиши, унинг шахси, хоҳиш-истак ва қизиқишларини ҳурмат қилиш, биринчи навбатда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақил ҳаётда ўз йўлларини топиб олишлари учун шароит яратишни кўзда тутади. | А. Стандартлаштириш |
| 2. Ўқув дастуридаги соатларга қўшимчалар киритиш, чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган тарзда ўқитиш. | В. Амалийлаштириш |
| 3. Бир-бирига яқин бўлган фанлар ва мавзуларни қўшиб ўқитиш, фанлар сонини камайтириш ва ихчамлаштириш. | С. Инсонпарварлаштириш |
| 4. Эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал даражасини аниқ белгилаш. | Д. Табақалаштириш |
| 5. Назарий билимларни пухта ўзлаштирган ҳолда уларни амалиётда фаол қўллай олишга тайёрлаш | Ж. Индивидуаллаштириш |

| | |
|---|---|
| 6. Ўқувчиларнинг алоҳида ўзига хос-<br>ликларини ҳисобга олган ҳолда<br>ўқитиш мазмунини белгилаш. | Е. Интеграциялаш |

**6-илова**

**Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатларни ўрганишга доир амалий топшириқлар**

1-топшириқ. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг тармоқ стандартини қуйидаги чизма асосида таҳлил этинг.

| Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари TStларининг тузилиши | Мазмуни |
|---|---|
| 1. Қўлланилиш соҳаси.<br>2. Меъёрий ҳужжатлар.<br>3. Стандартнинг мақсад ва вазифалари<br>4. Таърифлар<br>5. Касбий тавсифнома<br>6. Касб-ҳунар тайёргарлигининг мажбурий минумими | |

2-топшириқ. Қуйидаги схема асосида ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари ўқув режасини таҳлил этинг.

1. **Ўқув жараёни жадвали бўйича:**

| **Ўқув жараёнининг тузилиши** | **Ҳафталар сони** |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | |
| Малакавий амалиётлар | |
| Битирув малакавий иши | |
| Жорий ва давлат аттестациялари | |
| Таътиллар | |
| Жами: | |

2. **Ўқув режасини ўрганишга доир:**

| **№** | **Ўқув фанлари, интеграллашган курслар ва блокларнинг номлари** | **Умуми ўқув юклама** | **Жами** | **Назарий** | **Лаборатория** | **Амалий** | **Семинар** | **Курс иши** | **Мустақил таълим** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | |

3-топшириқ. Қуйидаги чизма асосида бирор бир фаннинг ўқув дастурини таҳлил этинг.

| **Тушунтириш хати (тузилиши ва мазмуни)** | **Асосий қисм (тузилиши ва мазмуни)** | **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (тузилиши ва мазмуни)** |
|---|---|---|
| | | |

| | | |
|---|---|---|
| | | |

**7-илова**

**Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларини аниқлашга доир чалкаштирилган мантиқий занжирлар**

Қуйида келтирилган таълимнинг тамойиллари билан танишинг. Уларни мақсадига кўра икки тур (мазмунли ва ташкилий-методик)га ажратинг.

1. Инсонпарварлик.
2. Табиат билан уйғунлик.
3. Кўргазмалилик.
4. Онглилик, фаоллик, ижодийлик.
5. Маданият билан уйғунлик.
6. Тушунарлилик.
7. Илмийлик.
8. Таълимнинг амалиёт билан уйғунлиги.
9. Изчиллик, тизимлилик, кетма-кетлик.
10. Тарбияловчи таълим.
11. Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.
12. Оқилона талабчанлик билан таълим олувчи шахсини ҳурмат қилиш.

| *Таълимнинг мазмунли тамойиллари* | *Таълимнинг ташкилий-методик тамойиллари* |
|---|---|
| | |

| | |
|---|---|
| | |

## 2.7. “Таълим методлари ва воситалари” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

<table>
<tr><td>Машғулот вақти – 2 соат</td><td colspan="2">Талабалар сони: 20-30 нафар</td></tr>
<tr><td>Машғулот шакли</td><td colspan="2">Семинар-лаборатория</td></tr>
<tr><td>Лаборотория машғулотнинг тузилиши</td><td colspan="2">1. “Метод”, “таълим методи”, “усул”, “қоида” тушунчаларининг моҳиятини аниқлаштириш.<br>2. Таълим методларини таснифлашга доир замонавий ёндашувларни ўзлаштириш.<br>3. Таълим методларини ўзлаштиришга доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. Таълим воситаларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланишга доир амалий топшириқларни бажариш.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Лаборатория машғулотининг мақсади: талабаларнинг таълим методлари ва воситаларига доир назарий назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Педагогик вазифалар:</td><td>Ўқув фаолияти натижалари:</td></tr>
<tr><td colspan="2">1. “Метод”, “таълим методи”, “усул”, “қоида” тушунчаларининг моҳиятини англаб олинишига эришиш.</td><td>1. “Метод”, “таълим методи”, “усул”, “қоида” тушунчаларининг моҳиятини тушуниб олишади.</td></tr>
<tr><td colspan="2">2. Таълим методларини таснифлашга доир замонавий ёндашувларни ўзига хосликларини ажрата олишга ўргатиш.</td><td>2. Таълим методларини таснифлашга доир замонавий ёндашувларни ўзлаштирадилар.</td></tr>
<tr><td colspan="2">3. Таълим методларини ўқув жараёнига қўллаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.</td><td>3. Таълим методларини ўқув жараёнига қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўлишади.</td></tr>
</table>

| | |
|---|---|
| 4. Талабаларни таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни яратишга ўргатиш. | 4. Таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни яратишга ўрганадилар. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, мантиқий зажирлар кетма-кетлиги, блиц-сўров, тўлдирилмаган жадваллар методикаси, амалий иш. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Таълим методлари ва воситалари” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи** **(10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Таълим методлари” мавзусида чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлигини тақдим этади (3-илова). | Топшириқни бажаришади ва жамоавий мунозарада иштирок этишади. |

| | | |
|---|---|---|
| **Асосий босқич** **(55 дақиқа)** | 2.1. “Метод”, “таълим методи”, “усул”, “қоида” тушунчаларининг моҳиятини англаб олинишига эришиш мақсадида блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўзларининг ёзганларига тузатишлар киритишади. |
| | 2.2. Тўлдирилмаган жадваллар методикаси бўйича таълим методларини таснифлашни таклиф этади (5-илова). | Жадвалларни тўлдиришади ва ўз-ўзини назорат қилади. |
| | 2.3. Таълим методларини ўқув жараёнига қўллашга доир амалий топшириқларни тақдим этади ва уни бажаришга доир зарур кўрсатмалар беради (6-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва унга зарурий ўзгартиришлар киритади. |
| | 2.4. Талабалар томонидан мутахассислик фани билан боғлиқликда тайёрлаб келинган кўргазмали воситалар билан танишади ва ўз муносабатини билдиради. | Кўргазмали воситани тақдимот қилишади ва унинг аҳамиятини тушунтириб беришади. |
| **Якуний босқич** **(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**7-лаборатория иши. Мавзу: Таълим методлари ва воситалари.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. “Метод”, “таълим методи”, “усул”, “қоида” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 114-117; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.223; Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образование, 2008. – С.287-290; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: Высшее образование, 2008. – С.189-191).

2. Таълим методларини таснифлашга доир замонавий ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 117-128; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008. – С.290-295; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.:

Высшее образование, 2008. – С.191-207.).

3. Таълимнинг оғзаки, кўргазмали, амалий методларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 128-132; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.224-231; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008. – С.297-312).

4. Мутахассислик фани билан боғлиқликда кўргазмали восита тайёрлаб келиш.

Кўргазмали воситани тайёрлашга доир зарурий кўрсатмалар:

1) мутахассислик фани билан боғлиқликда бирор мавзуни танлаб олинг;

2) мавзу моҳияти билан боғлиқликда чизма, жадвал, расмни қўлда ёки компьютер графикаси ёрдамида тайёрланг;

3) кўргазмали воситани изоҳлашга доир тавсифнома ёзинг.

**2-илова**

### Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Таълим методларини ўқув жараёнига қўллашга доир амалий топшириқни бажариш – 2 балл.
3. Кўргазмали воситани тайёрлаш ва тақдимот қилиш – 2 балл.

**3-илова**

### “Таълим методлари” мавзусида чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги

1. Суҳбат. 2. Тушунтириш. 3. Маъруза. 4. Машқ. 5. Иллюстрация. 6. Демонстрация.

7. Дидактик ўйин. 8. Китоб билан ишлаш. 9. Видеометод. 10. Ҳикоя. 11. Амалий. 12. Лаборатория.

Топшириқни бажаришга доир кўрсатма:

1) чалкаштирилган ҳолда берилган таълим методлари билан танишинг;
2) методларни жадвалда кўрсатилганидек, мос устунга ёзиб чиқинг.

| Оғзаки | Кўргазмали | Амалий |
| --- | --- | --- |
| | | |

**4-илова**

**“Метод”, “таълим методи”, “усул”, “қоида” тушунчаларининг моҳиятини ўзлаштиришга доир блиц-сўров саволлари**

1. Метод деганда нима тушунилади?

2. Таълим методи тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин?

3. “Таълим методлари” ва “таълим усуллари” тушунчалари бир хил мазмунга эгами?

4. Таълим усуллари деганда нима тушунилади?

5. Таълим методларини қўллашда қандайдир кўрсатмаларга риоя этиш зарурми?

6. Таълим методларини қўллашга доир кўрсатмалар нима деб аталади?

**5-илова**

**Таълим методлари таснифига доир тўлдирилмаган жадваллар**

*Топшириқ: қуйидаги тўлдирилмаган жадваллар билан танишинг ва уларни тугалланг.*

**1)**

**Анъанавий (манбасига кўра) таълим методлари таснифи**

| Оғзаки | Кўргазмали | Амалий | Китоб билан ишлаш | Видеометод |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

**2)**

**Ўқувчиларнинг билиш фаолияти тавсифига кўра таълим методлари таснифи**

| Таълим методининг номланиши | Ўқитувчи фаолияти | Ўқувчи фаолияти |
|---|---|---|
| | | |

| | | |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

**3)**

**Таълимнинг бинар методлари**

| Ўргатиш методлари | Ўрганиш методлари |
|---|---|
| | |
| | |
| | |
| | |
| | |

**4)**

**Интерфаол методлар**

| Ўрганилаётганларини ўзлаштиришга даъват қилиш методлари | Янги материални англаш методлари | Ўрганилганларини фикрлашга имкон берувчи методлар |
|---|---|---|
| | | |

**6-илова**

**Таълим методларини ўқув жараёнига қўллашга доир доир амалий топшириқлар**

1-топшириқ. Мутахассислик фанингиз билан боғлиқликда қуйидаги методларни ҳар бирини қўллашга доир биттадан мисол ёзинг.

1) суҳбат; 2) ўқув мунозараси; 3) машқ; 4) китоб билан ишлаш.

2-топшириқ. Кичик гуруҳларга бўлининг ва оғзаки, кўргазмали, амалий методлардан бирини танлаб олиб, бирор мавзу мисолида методни амалиётда қўллаб кўрсатинг.

## 2.8. “Дарс – таълимни ташкил этишнинг асосий шакли” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти –** 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Дарс ва унга қўйиладиган умумий, дидактик, психологик ҳамда методик талабларни аниқлаштириш.<br>2. Дарснинг турлари ва тузилишини ўзлаштириш.<br>3. Анъанавий ва ноанъанавий дарс турларига доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. Бир соатлик дарс ишланмасини тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади:** талабаларнинг дарс ва унинг ўзига хосликларига доир назарий назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда дарсни ташкил этиш ва ўтказишга доир кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | |

| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
|---|---|
| 1. Дарс ва унга қўйиладиган талабларнинг ўзлаштирилишига эришиш. | 1. Дарс ва унга қўйиладиган талабларни билиб олишади. |
| 2. Дарснинг турларини фарқлай олиш ва уларнинг тузилишидаги ўзига хосликларни ажрата олишга ўргатиш. | 2. Дарснинг турлари(аралаш, янги билимларни баён қилиш, ўрганилганларини мустаҳкамлаш ва такрорлаш, ўқувчиларнинг БКМларини назорат қилиш)ни фарқлайдилар ҳамда уларнинг тузилишини ўрганадилар |

| | |
|---|---|
| 3. Анъанавий ва ноанъанавий дарс турларини ташкил этишга доир кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.<br>4. Талабаларни дарсни лойиҳалаш ва режалаштиришга ўргатиш. | 3. Анъанавий ва ноанъанавий дарс турларини ташкил этишга доир кўникма ва малакаларига эга бўлишади.<br>4. Дарсни лойиҳалаш ва режалаштиришни ўзлаштирадилар. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, асосланган эссе, ижодий тест, дидактик ўйин, ижодий иш. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Дарс – таълимни ташкил этишнинг асосий шакли” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |

| | | |
|---|---|---|
| **(10 дақ)** | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида улардан “Севимли ўқитувчимнинг дарси қизиқиқарли бўлишининг сабаби шундаки...” мавзусида асосланган эссе ёзишни сўрайди (3-илова). | Асосланган эссени ёзишади ва фикрларини илмий жиҳатдан асослайдилар. |
| **Асосий босқич**<br>**(55 дақиқа)** | 2.1. Дарс ва унга қўйиладиган талабларнинг ўзлаштирилишига эришиш мақсадида ижодий тест ўтказади (4-илова). | Ижодий тестни ечишади ва ўз-ўзини назорат қилишади. |
| | 2.2. Дарснинг турларини фарқлай олиш ва уларнинг тузилишидаги ўзига хосликларни ажрата олишга ўргатиш мақсадида “Чалкашликни аниқланг” дидактик ўйинини ўтказади (5-илова). | Жамоавий тарзда дидактик ўйинда иштирок этишади ва ўзининг шахсий муносабатини билдиради. |
4) ўз-ўзининг ва гуруҳ жамоаси фаолиятини оқилона ташкил этишга ёрдам бериш, педагогик фаолиятнинг кетма-кетлигини белгилаш, педагогик жараённинг кетма-кетлиги, изчиллиги, тизимлилигини таъминлаш;

5) тарбияланувчиларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тўғри ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий вазиятга муваффақиятли мослашувини таъминлаш.

**2-топшириқ. Қуйида келтирилган муаммоли педагогик масалалар билан танишинг ва уларнинг ечимини топинг.**

1-масала. Гуруҳни бир неча йил давомида сайланган қатъий фаоллар бошқариб, бошқа аъзолар уларга бўйсуниб келишди. Кейинчалик эса, улар бу ҳолатга қарши чиқа бошлашди. Янги гуруҳ раҳбари аввалги ўқитувчининг хатосини тўғрилаш мақсадида қатъий чора кўрди. Гуруҳда қатъий сайлов ўтказилиб, аввалги фаоллар ўрнига ўқувчилар орасидан янги фаоллар сайланди. Лекин орадан бир оз вақт ўтиб, сайлов ўзини оқламаганлигини кўрсатди. Янги сайланган

фаолларнинг бир қисми ўз вазифаларини бажаришдан бош тортишса, иккинчи қисми куч билан тартиб ўрнатишга ҳаракат қилишди. Гуруҳда янги норасмий гуруҳлар ташкил топиб, бефарқ, масъулиятсиз ўқувчилар сони икки баробар ортди.

*Синф раҳбари қандай хатога йўл қўйди? Мазкур вазиятда қандай йўл тутиш керак эди? Қандай йўл билан фаолнинг жамоани жипслаштиришига эришиш мумкин?*

2-масала. Гуруҳ раҳбари социометрия методини қўллаш орқали гуруҳдаги камсуқум Азиза гуруҳ сардори Дилдорадан кўра катта обрўга эга эканлигини аниқлади.

*Ўтказилган сўров натижаларига кўра Дидора гуруҳ сардори сифатида нотўғри сайланган, уни Азиза билан алмаштириш керак, деган хулосага келиш мумкинми? Гуруҳ раҳбари мазкур вазиятда қандай йўл тутиши керак?*

3-масала. Ёш ўқитувчини IX синфга раҳбар этиб тайинлашди. Бу синф анча мураккаб бўлган ва яқинда қайта тузилган эди. Ана шу сабабли синф жамоа бўлиб уюшмаган, ўқувчилар тарқоқ эди. Синф раҳбари уларни синф ва мактаб ишларини бажаришга чорлаш билан уюштиришга ҳаракат қилди. Бунга кузги экскурсия ҳам ёрдам берди. Бу ўқитувчига ҳар бир боланинг қизиқиши ва имкониятини билишга шароит яратди. Синфда ўтказилган ҳар бир тадбир ўзаро соғлом муносабатни ўрнатишга, юқори синф ўқувчиларининг жамоадан талабларини қондиришга қаратилган эди. Синф ўқувчиларидан бири ўз иншосида шундай ёзади: “Мен синфга фақат ўқиш учун бормайман. Бу ерда менинг диомо ёрдамга тайёр дўстларим бор. Илгари менинг фақат кўчада дўстларим бор эди. Улар билан жуда мазмунсиз ҳаёт кечирган эканман. Мени ундай ҳаётдан синфим олиб чиқди. Мен гўзалликни қадрлашга, одамларни севишга, уларнинг меҳрини қозонишга, ўз хатти-ҳаракатларим учун жавоб беришга ўргандим. Мен синфимга бирор зарар етказишдан хавотирланаман”.

*Ёш синф раҳбари фаолиятини таҳлил этинг. Анча жиддий эътиборни талаб этадиган синфда ижобий натижаларга эришишга нима ёрдам берди деб ҳисоблайсиз?*

**3-топшириқ. Қуйида келтирилган фикрларни ўқинг ва уларни икки – гуруҳ раҳбарининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тарзида туркумланг.**

1. Тарбияланувчиларнинг жисмоний ва психик ривожланиши ҳақида маълумотлар олиш.

2. Мураккаб муаммоларни ҳал этишда ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш.

3. Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат қилиш.

4. Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашишини назорат қилиш.

5. Ўқувчиларнинг шахсий салоҳиятининг ривожланиши учун синфда мақбул таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш.

6. Мазкур гуруҳда дарс берадиган ўқитувчилар ишини мувофиқлаштириш.

7. Мактаб жамоасидан зурар педагогик ёрдам олиш.

8. Ота-оналар билан алоқа ўрнатиш ва уларга тарбиявий ишда ёрдам бериш.

9. Болалар билан индивиудал ишлаш тартибини аниқлаштириш.

10. “Кичик педкенгаш”, педагогик консилиум, мавзули ва бошқа тадбирлар ўтказиш орқали гуруҳ ўқувчилари билан тарбиявий ишларни ташкил этиш.

**Гуруҳ раҳбарининг ҳуқуқлари** **Гуруҳ раҳбарининг мажбуриятлари**

**2.12. “Тарбиянинг умумий методлари” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели**

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти – 2 соат** | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лабороторияя машғулотнинг тузилиши** | 1. Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчаларини фарқлаш ҳамда тарбия методлари таснифини ўзлаштириш.<br>2. Шахс онгини шаклантириш методларига доир амалий топшириқларни бажариш.<br>3. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларига доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларига доир амалий топшириқларни бажариш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади*:*** талабаларнинг тарбиянинг умумий методларига доир назарий назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда тарбиявий жараёнда тарбия методларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | |

| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
|---|---|
| 1. Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчаларини фарқлай олишга ўргатиш ҳамда тарбия методлари таснифининг ўзлаштирилишига эришиш. | 1. Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчаларини фарқлайдилар ҳамда тарбия методлари таснифини ўзлаштирадилар. |
| 2. Шахс онгини шакллантириш методларини амалиётда қўллай олиш тажрибасини ҳосил қилиш. | 2. Шахс онгини шакллантириш методларини амалиётда қўллаш тажрибасига эга бўлишади. |
| 3. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларидан фойдаланиш | |

| | |
|---|---|
| кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш.<br>4. Шахснинг хулқ-атворини мотива-циялаш ва рағбатлантириш методларини тўғри қўллаш маҳоратини таркиб топтириш. | 3. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгаллайдилар.<br>4. Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларини тўғри қўллашга ўрганадилар. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, эркин ёзиш, блиц-ўйин, амалий иш. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Тарбиянинг умумий методлари” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи**<br>**(10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кути-лаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Бизга тарбиявий таъсир кўрсатишда ота-оналаримиз ва ўқитувчиларимиз қандай йўллардан фойдаланишган?” мавзусида эркин ёзиш топшириғини беради (3-илова). | Эркин ёзиш топшириғини бажаришади ва бошқалар томонидан билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради. |

| | | |
|---|---|---|
| **Асосий босқич**<br>**(55 дақиқа)** | 2.1. Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчаларини фарқлай олишга ўргатиш ҳамда тарбия методлари таснифининг ўзлаштирилишига эришиш мақсадида блиц сўров ўтказади (4-илова). | Жадвални индивидуал ва гуруҳ билан биргаликда тўлдиришади ҳамда индивидуал ва гуруҳ хатоларини аниқлашади. |
| | 2.2. Шахс онгини шаклантириш методларига доир амалий топшириқларни тақдим этади ва бажарилишини назорат қилади (5-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва ўз хатоларини тузатади. |
| | 2.3. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларига доир амалий топшириқларни тақдим этади ва бажарилишини назорат қилади (6-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва ўз хатоларини тузатади. |
| | 2.4. Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларига доир амалий топшириқларни тақдим этади ва бажарилишини назорат қилади (7-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва ўз хатоларини тузатади. |
| **Якуний босқич**<br>**(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**12-лаборатория иши. Мавзу: Тарбиянинг умумий методлари.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчаларини ҳамда тарбия методлари таснифини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 199-200; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.105; Қуронов М. Миллий тарбия. – Т.: Фан, 2007; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003. – С.94-105).
2. Шахс онгини шаклантириш методларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 201-203; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.107-108; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003. – С.105-114).
3. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий

жамияти, 2010. – Б. 204-205; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2008. – Б.109-110; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003. – С.116-124).

4. Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 205-207; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2008. – Б.110-113; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003. – С.125-134).

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш – 2 балл.
2. Тарбия методларига доир амалий топшириқларни бажариш – 3 балл.

**3-илова**

**"Бизга тарбиявий таъсир кўрсатишда ота-оналаримиз ва ўқитувчиларимиз қандай йўллардан фойдаланишган?" мавзусида эркин ёзиш топшириғи**

Топшириқ: "Бизга тарбиявий таъсир кўрсатишда ота-оналаримиз ва ўқитувчиларимиз қандай йўллардан фойдаланишган?" мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт туганганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

**4-илова**

**Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчалари ҳамда тарбия методлари таснифига доир блиц-сўров саволлари**

1. Тарбия методлари деганда нима тушунилади?
2. “Тарбия усуллари” тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин?
3. Тарбия воситалари деганда нимани тушунасиз?
4. Тарбия воситаларига нималар киради?
5. Тарбия методларини танлаб олиш шартлари нималардан иборат?
6. Н.И.Болдырев, Н.К.Гончаров, Ф.Ф.Королев тарбия методларини қандай гуруҳларга тасниф этишган?
7. И.С.Марьенко тарбия методларини қандай гуруҳларга тасниф этишни таклиф этган?
8. М.Қуронов миллий тарбия методларининг қандай турларини тасниф этган?
9. Тарбияланувчиларга таъсир этиш натижаларига кўра тарбия методларини қандай гуруҳларга тасниф этиш мумкин?
10. Г.И.Щукина томонидан тасниф этилган тарбия методларининг уч гуруҳи қайси методларни ўз ичига олади?

**5-илова**

## Шахс онгини шакллантиришга доир амалий топшириқлар

**1-топшириқ. Қуйида келтирилган тушунчалардан қайсилари шахс онгини шакллантириш методларини ўзида ифода этади?**

1) педагог обрўси; 2) этик суҳбат; 3) ҳикоя; 4) маъруза; 5) ижтимоий фикр; 6) жазолаш; 7) мусобақа; 8) очиқлик; 9) изоҳлаш; 10) тушунтириш; 11) ўгит; 12) насиҳат; 13) топшириқ; 14) кўрсатма бериш; 15) намуна; 16) адолатлилик; 17) нотация; 18) назорат; 19) мунозара; 20) нутқ сўзлаш.

**2-топшириқ. Қуйида кўрсатилган талаблардан қайсилари этик суҳбат, изоҳлаш ва ўгит учун тегишли эканлигини аниқланг.**

1) тарбияланувчи тажрибасига мувофиқ бўлиши; 2) иллюстрация; 3) тарбиячининг маҳорати; 4) тарбиячи обрўси; 5) тингловчиларнинг ҳайратланиши; 6) насиҳат қилиш; 7) ўз вақтида амалга ошириш.

**3-топшириқ. Қуйидаги жадвални тўлдиринг. Этик суҳбат ва мунозара учун тегишли бўлган талабларни белгиланг.**

| Талаблар | Этик суҳбат | Мунозара |
|---|---|---|
| 1. Режанинг мавжуд бўлиши............................. | | |
| 2. Мавзунинг номи............................................. | | |
| 3. Муаммонинг мавжуд бўлиши....................... | | |
| 4. Сценарийнинг мавжуд бўлиши.................... | | |
| 5. Ўқувчиларнинг ривожланиш даражасига мувофиқлиги...................................................... | | |
| 6. Эмоционал тажрибага мувофиқлиги............ | | |
| 7. Барча нуқтаи назарларни таққослаш............ | | |
| 8. Ўқувчиларнинг ўзлари томонидан вазиятларнинг яратилиши................................. | | |
| 9. Фикрлар ҳужуми........................................... | | |
| 10. Хулосаларнинг аниқлиги............................. | | |
| 11. Алоҳида тайёргарлик кўриш....................... | | |
| 12. Аудиториянинг билимини ҳисобга олиш... | | |
| 13. Педагогнинг маҳорати................................. | | |
| 14. Ишончли бошқарув...................................... | | |
| 15. Ишонарлилик................................................ | | |

**4-топшириқ. Кичик гуруҳларга бўлининг ва шахс онгини шакллантириш методидан бирини қўллаш тартибини кўрсатиб беринг.**

1-гуруҳ учун: тушунтириш методи;

2-гуруҳ учун: намуна кўрсатиш методи;

3-гуруҳ учун: ҳикоя методи.

**6-илова**

**Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларига доир амалий топшириқлар**

**1-топшириқ. Қуйидаги методлар орасидан шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил қилиш методларини ажратиб кўрсатинг.**

1) маърузa; 2) суҳбат; 3) машқ; 4) мунозара; 5) педагогик талаб; 6) ўргатиш; 7) рағбатлаш; 8) насиҳат; 9) изоҳлаш; 10) намуна; 11) топшириқ; 12) ижтимоий фикр; 13) мунозара; 14) иарбияловчи вазият; 15) ҳикоя; 16) мусобақа; 17) жазолаш.

**2-топшириқ. Касб-ҳунар коллежларида талабнинг қайси шаклларини қўллашни тавсия этиш мумкин? Уларни қўлланиш хусусиятига кўра “+”, “-” ишораларидан фойдаланинг.**

| Талаб | Буйруқ | Маслаҳат | Ишора бериш | Қўрқитиш | Ўйин | Ишонч | Илтимос | Эътироф этиш | Муҳокама қилиш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Бевосита | | | | | | | | | |
| Билвосита | | | | | | | | | |

**3-топшириқ. Нуқталар ўрнига керакли сўзни топиб қўйинг.**

Ўргатиш – бу жадал бажариладиган ...

Ўргатишдан фойдаланишда ... аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш керак.

Ўргатиш методини қўллашдан аввал ... қандай бажаришни кўрсатиш зарур.

Ўргатиш доимий ... талаб этади.

Ўргатишни ... шаклида ташкил этиш яхши самара беради.

*Нуқталар ўрнини тўлдиришда қуйидаги сўзларданфойдаланиш мумкин: 1) ўйин; 2) ҳаракатлар; 3) назорат; 4) машқ; 5) тарбия мақсади*

**4-топшириқ. Чизмани тўлдиринг.**

1. ...................................................................

*Тарбияловчи вазиятни муваффақиятли* 2. ...................................................................

*қўллаш қуйидагиларни талаб этади:*

3. ....................................................................

4. .......................................................................

5. ........................................................................

**5-топшириқ. Қуйидаги муаммоли вазиятлар билан танишинг ва уларни ҳал этинг.**

1-муаммоли вазият. Ўқитувчининг ҳикоясидан: “Ўғлим қоронғуликдан ва баландликдан қўрқади. Мен имкон борича уни ана шу қўрқувни енга оладиган шароитга қўяман: гоҳида об-ҳаво қандайлигини билиб келиш учун ҳовлига, гоҳида эсдан чиққан нарсани олиб келиш учун қоронғу хонага юбораман. Ўйин пайтлари айрим вақтда чуқурликка сакрайманда: дарахтнинг ҳов анави навдасини олиб бер. Уни эмас, нариги юқоридагисини дейман...”

*Ўқитувчи тарбия жараёнида қайси методдан фойдаланмоқда? Мазкур йўл орқали натижага эришиш мумкинми?*

2-муаммоли вазият.

Дарс бошланишидан аввал ўқитувчи ерда ғижимланган қоғоз парчаси ётганини кўриб, бир ўқувчидан қоғозни олиб, ахлат қутисига ташлашни сўради. Ўқувчи ўрнидан турмасдан, қоғозни у ташламаганлиги сабабли уни олмаслигини маълум қилди.

*Ўқитувчи мазкур вазиятда қандай йўл тутиши керак? Қайси тарбия методини қўллаш орқали вазиятни ижобий ҳал этиш ҳамда гуруҳни ҳайратлантириш мумкин?*

**7-илова**

**Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларига доир амалий топшириқлар**

**1-топшириқ. Қайси гуруҳда рағбатлантириш методлари тўғри тасниф этилган?**

1. Ҳикоя, тушунтириш, ҳикоя, намуна

2. Рағбатлаш, жазолаш, мусобақа, субъекти-прагматик

3. Машқ, рағбатлаш, ўргатиш, талаб, топшириқ бериш

4. Суҳбат, огоҳлантириш, тарбияловчи вазият, назорат

**2-топшириқ. Қуйида келтирилган рағбатлантириш методларига изоҳ ёзинг.**

Койиш –

Мақташ –

Тақдирлаш –

Таъқиқлаш –

Таҳсинлаш –

Тергаш –

Уялтириш –

Шавқлантириш –

3-**топшириқ. Қуйидаги вазиятлар билан танишинг ва уларни ҳал этинг.**

1- вазият. Синф раҳбари ўқувчиларнинг дарсларга яхши тайёргарлик кўриб келиши ва юқори ўзлаштиришга эришиш мақсадида ўқувчиларга ҳафта давомида ким кўп "аъло" ва "яхши" баҳо олса, байроқча ўша ўқувчига тақдим этилиши ҳамда бир ҳафта давомида уни ўзи билан бирга олиб юриши мумкинлигини айтди.

Ўқитувчи қайси тарбия методини қўлламоқда? Мазкур методни қўллаш орқали эришиладиган ижобий ва салбий натижаларни таҳлил этинг.

2-вазият. Синф ўқувчиларидан бири доим эрталаб дарсга кечикиб келади. Бунга одатланиб қолиш ёмон эканлиги қанчалик тушунтирилмасин, у бу одатини ташламади.

Ўқитувчи қандай йўл тутиш орқали ўқувчини бундай салбий одатни ташлашига эришиш мумкин? Қайси тарбия методларини қўллаш орқали бунга эришиш мумкин?

## 2.13. “Иқтисодий ва экологик тарбия” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти –** 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини аниқлаштириш.<br>2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўзлаштириш.<br>3. “Иқтисодий барқарорлик – жамият ривожининг асоси” мавзусида тарбиявий соат ишланмасини тайёрлаш.<br>4. “Экология ҳафталиги” режасини тузиш ва уни ўтказишга доир ахборий-методик таъминотни яратиш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади:** талабаларнинг иқтисодий ва экологик тарбияга доир назарий назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда иқтисодий ва экологик тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | |
| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
| 1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларининг ўзлаштирилишига эришиш.<br><br>2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўзлаштирилишига эришиш.<br><br>3. Иқтисодий тарбияни амалга ошириш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.<br><br>4. Талабаларда экопедагогик маҳоратни таркиб топтириш. | 1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифа-ларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини билиб оладилар.<br><br>2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўзлаштирадилар.<br><br>3. Иқтисодий тарбияни амалга ошириш кўникма ва малакаларини эгаллайдилар.<br><br>4. Экопедагогик маҳоратга доир кўник-маларни эгаллайдилар. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, мунозара, блиц-сўров, ижодий тест, асосланган эссе. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Иқтисодий ва экологик тарбия” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кути-лаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Иқтисодий ва экологик тарбия: алоқадорлик нимада?” мавзусида мунозара ўтказади (3-илова). | Мунозарада иштирок этишади ва ўз фикрларини илмий жиҳатдан асослайдилар. |
| **Асосий босқич (55 дақиқа)** | 2.1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларининг ўзлаштирилишига эришиш мақсадида блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўзлари йўл қўйган хатоларни дафтарларига тузатишади. |
| | 2.2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўзлаштирилишига эришиш мақсадида ижодий тест ўтказади (5-илова). | Ижодий тест топшириқларини бажаришади ва ўз-ўзини назорат қилишади. |
| | 2.3. Талабалар томонидан тайёрлаб келинган “Иқтисодий барқарорлик – жамият ривожининг асоси” мавзусида тарбиявий соат ишланмаларини текширади ва тузатишлар киритади. | Иқтисодий тарбияга доир тарбиявий соат ишланмасини тақдимот қилишади. |
| | 2.4. Талабалар томонидан тузилган “Экология ҳафталиклари” режасини текширади ҳамда такомиллаштиришга доир кўрсатмалар беради. | “Экология ҳафталиклари” режасини тушунтириб беришади |
| **Якуний босқич (20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**13-лаборатория иши. Мавзу: Иқтисодий ва экологик тарбия.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 215-217; Камолова Н.Қ. Ўқувчи-ёшларни иқтисодий тарбиялашнинг миллий-маънавий асослари. – Т.: ЎзПФИТИ, 2004; Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. – Т.: Туркистон, 2002).

2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 217-218; Исмоилов А., Аҳмадов Р. Экологик таълим-тарбия / Ўрта мактаблар ва билим юрт. учун қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 1997; Ниғматов А. Экология нима? Экология алифбоси. Атроф-муҳит ҳақида илк сабоқ: 6-тўплам. – Т.: «Bioekosan», 2002; Турдиқулов Э.О. Мутафаккирлар экологик тарбия ҳақида. – Т.: ЎзПФИТИ, 2003).

3. “Иқтисодий барқарорлик – жамият ривожининг асоси” мавзусида тарбиявий соат ишланмасини тайёрлаш.

Тарбиявий соат ишланмасини тайёрлашда қуйидаги намунага асосланинг.

Сана:

Мавзу:

Мақсад:

Машғулотнинг жиҳози:

Машғулотнинг бориши:

| № | Босқичлари | Асосий масала ва мавзуларнинг мазмуни | Масъул шахс |
|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 |
| 1 | Кириш (10 дақиқа) | 1 ...<br>2 ...<br>3 ... | Гуруҳ раҳбари |
| 2 | Асосий қисм (40 дақиқа) | 4 ...<br>5 ... | Бошловчи |
| 3 | Бадиий қисм ( 20 дақиқа) | 6 ...<br>7 ...<br>8 ... | Ўқувчи А<br>Бошловчи |
| 4 | Якуний қисм (10 дақиқа) | 9 ...<br>10 ... | Ўқувчи Б<br>Ўқувчи С<br>Гуруҳ раҳбари |

4. “Экология ҳафталиклари” режаси ва уни ўтказишга доир методик ишланмаларни тайёрлаш.

“Экология ҳафталиклари” режасини тузишда қуйидаги намунага асосланинг. Қавс ичида кўрсатилганларга мос мавзуларнинг номларини киритинг.

**I.Куз фасли**

1. (Экотадбир).
2. (Экомарафон).
3. (Видеофильм, видеороликлар намойиши).
4. (Экскурсия).
5. (“Меҳржон” байрами)

**II. (Қиш фасли )**

1. (Экологик мавзуда семинар)
2. (Эковикторина)
3. (Видеофильм, видеороликлар намойиши)
4. (Экологик ҳаракат фаоллари билан учрашув)
5. (Табиат музейига саёҳат)

**III. (Баҳор фасли )**

1. (Экотадбир).
2. (Табиат қўйнига саёҳат).
3. (“Наврўз” байрамини ўтказиш).
4. (“Гуллар ва қушлар” байрами).

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Тарбиявий соат ишланмасини тайёрлаш – 2 балл.
3. Экология ҳафталиклари режасини тузиш – 2 балл.

**3-илова**

**Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларининг ўзлаштирилишига доир блиц-сўров саволлари**

1. Иқтисодий тарбия деганда нимани тушунасиз?.
2. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ўқувчиларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириш таркибий қисмларига нималар киради?
4. Ўқувчиларга иқтисодий билим беришда қандай тарбия методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
5. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялашда қандай тарбия шаклларидан фойдаланилади?
6. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялашда қандай тарбия воситаларидан фойдаланилади?

**4-илова**

**Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўзлаштиришга доир ижодий тест топшириғи**

1. *Гапни тугалланг.*

“Экология” тушунчаси илк бор немис зоологи ...

2. *Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.*

Ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган педагогик жараён ... аталади.

3. *Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.*

... ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараёндир.

4. *Гапни тугалланг.*

Экологик онг табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг ...

5. *Гапни давом эттиринг.*

Экологик фаолият ...

6. *Гапни тугалланг.*

Экологик маданият ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ...

7. *Гапни давом эттиринг.*

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилиши зарур ...

8. *Гапни давом эттиринг.*

Экскурсия, экологик кечалар, экология ҳафталиги, шоирлар ва олимлар билан учрашувлар, саҳна кўринишлари ...

9. *Гапни тугалланг.*

Башорат қилиш, икки ёқлама образлар, ўхшатиш, ўйин кабилар ...

10. *Гапни давом эттиринг.*

Ҳадислар, ривоят ва ҳикоятлар, панду насиҳатлар, мақол ва маталлар, топишмоқлар, ребус, видеороликлар ...

**2.14. “Фуқаролик тарбияси” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели**

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти** – 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.<br>2. Ватанпарварлик ва байналмилал тарбиясининг ижтимоий аҳамиятини асослаш.<br>3. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.<br>4. Фуқаролик тарбиясини ташкил этишга доир амалий топшириқларни бажариш.. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади***:* талабаларнинг фуқаролик тарбиясига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда фуқаролик тарбиясини ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | |
| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
| 1. Фуқаролик тарбияси мақсад ва вазифаларининг ўзлаштирилишига эришиш.<br>2. Талабалар онгида Ватанпарварлик ва байналмилал ижтимоий қадрият эканлигини таркиб топтириш.<br>3. Ҳуқуқий тарбия мақсад ва вазифаларининг ўзлаштирилишига эришиш.<br>4. Фуқаролик тарбиясини ташкил этишга доир амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш. | 1. Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадилар.<br>2. Ватанпарварлик ва байналмилалликка нисбатан қадриятли муносабат шаклланади.<br>3. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўрганадилар.<br>4. Фуқаролик тарбияини ташкил этишга доир кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, мунозара, блиц-сўров, ўқув лойиҳаси, ижодий тест. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Фуқаролик тарбияси” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Фуқаролик инсонга нима учун керак?” мавзусида мунозара ўтказади (3-илова). | Мунозарада иштирок этишади ва ўз фикрларини илмий жиҳатдан асослайдилар. |
| **Асосий босқич (55 дақиқа)** | 2.1. Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш мақсадида блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўзлари йўл қўйиган хатоларни дафтарларига тузатишади. |
| | 2.2. Ватанпарварлик ва байналмилал тарбиясининг ижтимоий аҳамиятини очиб бериш мақсадида талабаларнинг гуруҳий ишини ташкил этади (5-илова). | Талабалар ўқув лойиҳасини ишлаб чиқишади ва тақдимот қилишади. |
| | 2.3. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш мақсадида ижодий тест ўтказади (6-илова). | Ижодий тестни ечишади ва хатоларини тўғрилайдилар. |
| | 2.4. Талабалар томонидан фуқаролик тарбияси билан боғлиқликда тайёрлаб келинган тадбир ишланмалари билан танишади ва қўшимчалар киритиш юзасидан тавсиялар беради. | Фуқаролик тарбиясига доир тадбир ишланмасини тақдим этишади ва уни ўтказиш тартибига изоҳ беришади |
| **Якуний босқич (20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

## 14-лаборатория иши. Мавзу: Фуқаролик тарбияси.

### Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):

1. Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 221-224; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М: ЮРАЙТ, 2003. – С.334-340; Шамарибходжаева Г. Касб-ҳунар коллежи талабаларида фуқаролик маданиятини тарбиялаш // Педагогик таълим ж. – Т.:2006. 3-сон, Б.87.
2. Ватанпарварлик ва байналмилал тарбиясининг ижтимоий аҳамиятини ёритиб бериш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 229-232; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М: ЮРАЙТ, 2003. – С.340-341; Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996.; Аминов Б., Расулов Т. Ватан – юракдаги жавоҳир. - Т.: Ўқитувчи, 2001).
3. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 233-236; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М: ЮРАЙТ, 2003. – С.343-349; Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томлик. 1-т. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998.).
4. Фуқаролик тарбиясига доир тарбиявий тадбир ишланмасини тайёрлаш.

Тарбиявий тадбир ишланмасини тайёрлашга доир кўрстмалар:

1) тарбиявий тадбир ишланмасини тйёрлашда қуйидаги мавзулардан бирини танланг: “Тил – миллат кўзгуси” (байрам тадбири); “Конституция – бахтимиз қомуси” (анжуман); “Фуқаролик: жаҳон тажрибаси ғоялри” (анжуман); “Ватан ягонадир – Ватан биттадир” (байрам тадбири); “Ёшлар ва мамлакат тараққиёти” (давра суҳбати); “Қалбимизда мангу яшайсиз” (экскурсия); “Аждодлрдан авлодларга” (давра суҳбати); “Юрт тинчлиги – бебаҳо неъмат” (баҳс-мунозара); “Мустақиллик ва демократия: олий қадрият” (баҳс-мунозара); “Мардлар қўриқлайди Ватанни” (учрашув); “Сен қонунни биласанми?” (кўрик-танлов); “Конституция билимдони” (кўрик-танлов); “Ҳуқуқшунос бўлиш осон эмас” (учрашув);
2) тарбиявий тадбир ишланмасини тузилиши қуйидаги қисмлардан иборат бўлиши лозим: 1) мавзунинг номи; 2) тадбирнинг мақсад ва вазифалари; 3) тадбирни ўтказиш жойи; 4) тадбир учун керакли жиҳозлар; 5) тадбир иштирокчилари ва уларга қўйиладиган талаблар; 6) тадбирни ўтказиш босқичлари (кириш, асосий ва якуний қисм);
3) тарбиявий тадбир ишланмаси босма ҳолатда бўлиши ва мазмуни тушунарли бўлиши лозим.

**2-илова**

### Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.

2. Мавзу юзасидан берилган топшириқларни бажариш – 2 балл.

3. Тарбиявий тадбир ишланмасини тузиш ва уни ўтказиш тартибини асослаш – 2 балл.

**3-илова**

**“Фуқаролик инсонга нима учун керак?” мавзусидаги мунозарани ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.
2. Талабаларнинг жавоблари тингланади ва доскага кетма-кетликда ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади,.
3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

**4-илова**

**Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. Фуқаро деганда нима тушунилади?
2. “Фуқаро”, “фуқаролиги бўлмаган шахс” ва “чет эл фуқароси” тушунчаларига изоҳ беринг.
3. Фуқароларнинг ҳуқуқларини қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?
4. Фуқароларнинг мажбуриятлари нималардан иборат?
5. Фуқаролик тарбияси деганда нимани тушунасиз?
6. Фуқаролик тарбиясининг мақсади нима?
7. Фуқаролик тарбиясининг вазифалари нималардан иборат?
8. Фуқаролик тарбиясининг таълимий функцияларига нималар киради?
9. Фуқаролик тарбиясининг тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларини изоҳланг.
10. Фуқаролик тарбиясида сиёсий онгнинг аҳамиятини қандай изоҳлайсиз?

**5-илова**

**“Ватанпарварлик ва байналмилаллик” мавзусидаги ўқув лойиҳасини ташкил этиш ва ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Талабалар икки гуруҳга бўлинадилар ҳамда уларга “ватанпарварлик” ва “байналмилаллик” мавзусига доир лойиҳа тайёрлаш вазифаси топширилади;
2. Гуруҳларда ишлаш учун ватман қоғози, маркер ва скоч каби жиҳозлар тақдим этилади.

3. Гуруҳларда ишлаш тартибини ўқитувчи бошқариб бориши ва талабаларнинг ҳар бирининг иштирокини таъминлаши зарур.
4. Талабалар уларга берилган мавзу бўйича лойиҳани тайёрлаб бўлганларидан сўнг, унинг тақдимотини амалга оширишади.
5. Лойиҳа тақдимоти жараёнида кичик гуруҳ аъзоларининг барчаси иштирок этишлари лозим.

**6-илова**

**Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларига доир ижодий тест топшириғи**

1. Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.

... ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

2. Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.

**...** муайян жамиятнинг моддий ҳаёт тарзи билан белгиланадиган тасаввур, идрок, тафаккур ва эътиқодлар тизими бўлиб, ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида мураккаб тузилишга эга.

3. Гапни тугалланг.

Ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар талабларига нисбатан онгли ёндашиш, уларга қатъий ва оғишмай амал қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш, уларни шахс эркини ҳимоя қилиш кафолати сифатида эътироф этиш, ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокни ташкил этишга йўналтирилган амалий хатти–ҳаракатлар мажмуи ...

4. Гапни давом эттиринг.

Ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормалари ...

5. Гапни давом эттиринг.

Ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади: ...

6. Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.
... – шахс томонидан ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

**2.15. “Маънавий-ахлоқий тарбия” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели**

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти –** 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш.<br>2. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир ғояларини ўрганиш ва таҳлил этиш.<br>3. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишга доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. “Ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси: муаммо ва ечимлар” мавзусида иншо ёзиш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади*:*** талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | |
| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
| 1. Маънавий-ахлоқий тарбия мақсад ва вазифаларининг ўзлаштирилишига эришиш. | 1. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадилар. |
| 2. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир ғояларининг аҳамиятини асослаш. | 2. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир ғояларидан фойдаланишни ўрганадилар. |
| 3. Талабаларда маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | 3.Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларига эга бўладилар. |
| 4. Талабаларда замонавий шароитда маънавий-ахлоқий тарбиянинг ижтимоий зарурият эканлигига доир қадриятли ёндашувни қарор топтириш. | 4. Замонавий шароитда маънавий-ахлоқий тарбиянинг ижтимоий зарурият эканлигига доир қадриятли ёндашув қарор топади.. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, эркин ёзиш, блиц-сўров, “Ўйланг / жуфтликларда фикр алмашинг” стратегияси, амалий топшириқлар, ижодий иш. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш |

| | |
|---|---|
| | учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Маънавий-ахлоқий тарбия” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига эришиш нима учун зарур” мавзусида эркин ёзиш топшириғини беради (3-илова). | Топшириқни бажаришади ва ўз фикрларини илмий жиҳатдан асослайдилар. |
| **Асосий босқич (55 дақиқа)** | 2.1. Маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини ўзлаштирилишига эришиш мақсадида блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўзлари йўл қўйган хатоларни дафтарларига тузатишади. |
| | 2.2. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир фикрларини тақдим этади ва талабаларнинг уларни таҳлил қилишга йўналтиради (5-илова). | Талабалар фикрларни таҳлил этишади ва уларга изоҳ беришади. |
| | 2.3. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишга доир амалий топшириқларни тақдим этади ва уларни бажаришга доир зарурий кўрсатмаларни беради (6-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва хатоларини тузатишади. |
| | 2.4. “Ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси: муаммо ва ечимлар” мавзусида ёзилган иншо билан танишади ва энг яхши ижодий ишларни аниқлайди. | Ўзлари ёзиб келган иншоларини ўқиб берадилар ва зурурий ҳолатда айрим мулоҳазаларни асослайдилар |

| | | |
|---|---|---|
| **Якуний босқич**<br><br>**(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**15-лаборатория иши. Мавзу: Маънавий-ахлоқий тарбия.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмун-моҳиятини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 252-257; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.153-155; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003. – С.163-165).
2. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир ғояларини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар. – Т.: Фан, 1995; Шер Абдулла. Ахлоқшунослик. – Т.: “ЎАЖБНТ” маркази, 2003; Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанбоева О. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002; Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996).
3. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 257-258; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.155-156; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003. – С.166-167.).
4. “Ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси: муаммо ва ечимлар” мавзусида иншо ёзиш.

Иншони ёзишга доир кўрсатмалар:

1) дастлаб иншонинг мураккаб режасини тузинг. У кириш, асоси қисм (учта параграф), хулоса каби қимлардан иборат бўлиши лозим;
2) иншода фикрларингизни асослаш учун цитаталар келтиринг;
3) ҳар бир масала юзасидан мустақил хулосалар чиқаринг;
4) иншонинг ҳажми уч саҳифадан ошмаслиги лозим.

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл.
3. "Ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси: муаммо ва ечимлар" мавзусида иншо ёзиш – 2 балл.

**3-илова**

**"Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига эришиш нима учун зарур?" мавзусида эркин ёзиш топшириғи**

Топшириқ: "Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига эришиш нима учун зарур?" мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт туганганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

**4-илова**

**Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. "Ахлоқ", "ахлоқийлик", "этика" тушунчаларига таъриф беринг.

2. Мазкур тушунчалар ўртасидаги фарқ нималарда намоён бўлади?

3. Сизнингча, мазкур тушунчалар бизнинг жамиятимизда қай тарзда намоён бўлмоқда?

4. Мазкур тушунчалар сизнинг ҳаётингизда қандай аҳамиятга эга?

5. Ахлоқий қадриятлар деганда нимани тушунасиз?

6. Мактаб, коллеж ва олий таълимдаги ўқитувчилар сизнинг тарбиянгизга қандай таъсир кўрсатишган (кўрсатишмоқда)?

7. Сиз келажакда ўз ўқувчиларингизни қандай тарбиялашни тасаввур қила оласизми?

8. Сиз келажакда ўз фарзандларингизни қандай тарбиялашни хоҳлайсиз?

9. Ўзингизни тарбияли инсон деб айта оласизми?

10. Ўзингизни ахлоқли инсон деб ҳисоблай оласизми?

11. Сизда ўзингиз тузатишни хоҳлайдиган ахлоқий камчиликлар мавжудми?

12. Ўзингизда қандай сифатларни ривожлантиришни хоҳлайсиз?

13. Қандай инсон ахлоқий етук ҳисобланади?

14. Сизнингча, ахлоқий етуклик бугунги кунда қандай тарзда намоён бўлиши муҳим саналади?

15. Бугунги кунда тенгдошларингизни ахлоқий етук инсонлар деб айта оласизми?

16. Курсдошларингизнинг ахлоқий ривожланишидаги асосий муваффақиятлар ва мувафаққиятсизликларни санаб беринг.

**5-илова**

**Ўйланг / жуфтликларда фикр алмашинг.**

Қуйида келтирилган Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир қарашлари билан танишинг ва уларни муҳокама қилинг.

1. Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда яхши тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмай ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади (Абу Наср Форобий).

2. Инсонга ер юзини обод этиши ва уни бошқариб туриши учун ақл-заковат ато этилган, шунинг учун хар бир инсон юксак ахлоқли бўлиши лозим (Абу Райхон Беруний).

3. Маълумки, инсон ҳеч қачон туғилганда яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди... Бироқ ҳар бир кишида бирон бир фазилатга ёки қабихликка майл, қобилият бўлади: 1. Фикрий

фазилат ақлий қувватга кириб, ақллилик, донолик фаҳм-фаросатлилик зеҳнлиликдан иборат. 2. Хулқий фазилат – интилувчи қувватга кириб иффат, инжоат, саҳийлик ва адолатлиликни ўз ичига олади. Ёмон фазилатлар разилликдир (Абу Наср Форобий).

4. Яхши ва ёмон хулқларнинг ҳаммаси одатдан пайдо бўлади, одамларнинг яхши ёки ёмон бўлишида ҳукумат аҳлларининг таъсири ҳам зўр бўлади (Абу Али ибн Сино).

5. Киши икки нарса билан хаётда мангу қолади: бири хушхулқлик бўлса, иккинчиси яхши сўз (Юсуф Хос Хожиб).

6. Эй фарзанд, яхшилик қил ва қилғон яхшиликдан ҳаргиз пушаймон бўлмагил. Бир кишига бир яхшилик қилсанг, кўргилки, яхшилик қилғон вақтда у кишига нақадар роҳат етади, сенинг кўнглингга ҳам ундан зиёдроқ шодлик ва ёзиш хурамлик етишур. Демак, бу жаҳонда яхшилик ва ёмонлик мукофоти, албатта, етгусидур. Яхшиликнинг яхшилик билан қайтиши айни ҳақиқатдир (Кайковус).

7. Инсонда икки нарса бўлса унга мурувват йўли ёпилади: бири бехуда сўзларни кўп гапирса, иккинчиси, унинг сўзлари ёлғон бўлса (Аҳмад Югнакий).

8. Улуғликка етсанг, унутма ўзинг

Агар атлас кийсанг, унутма бўзинг (Аҳмад Югнакий).

9. Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуглайди (Амир Темур).

**6-илова**

**Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишга доир амалий топшириқлар**

*1-топшириқ. “Керакли сўзларни топиб қўйинг” тренингини ўтказиш.*

Тренингнинг мақсади: талабаларда гуруҳдошларига нисбатан қадриятли муносабатни шакллантириш.

Тренингнинг бориши:

I. Ўқитувчи талабаларга бир варақ қоғоз олиб, доскага ёзилган қуйидаги гаплардаги тушириб қолдирилган сўзларни топиб ёзишни сўрайди.

1. Мен кўпроқ инсонлардаги ... қадрлайман.

2. Мен ўз тенгдошларимни ... учун ҳурмат қиламан.
3. Мен ўз тенгдошларимни ... учун ҳурмат қилмайман.
4. Мен ўзимда кўпроқ … фазилатларни акс эттиришни хоҳлайман.
5. Менинг ҳаётдаги энг асосий мақсадим – бу …
6. Мен исталган қарорни чиқаришда … асосланаман.

II. Талабалар индивидуал тарзда гаплардаги керакли сўзларни ёзиб бўлишгандан сўнг, дастлаб жуфтликларда ва сўнгра гуруҳларда ўз фикрларини бир-бирлари билан ўртоқлашдилар.

III. Гуруҳларда муҳокама қилиш учун ажратилган вақт тугагач, ўқитувчи доскага қуйида кўрсатилганидек, “Тоифалаш жадвали”ни чизади ва уни гуруҳларда тўлдиришни сўрайди.

| Биз қадрлаймиз...... | Биз ҳурмат қиламиз... | Биз ҳурмат қилмаймиз.... | Биз эришишни истаган фазилатлар…. | Бизнинг мақсадимиз… | Биз таянадиган асослар… |
|---|---|---|---|---|---|

IV. Ҳар бир гуруҳ ўз тоифалаш жадвалларини тўлдириб бўлишгач, алоҳида-алоҳида тақдимот қиладилар.

*2-топшириқ. Муаммоли саволлар.*

Қуйида келтирилган муаммоли саволлар билан танишинг ва уларни ҳал этинг.

1. Учинчи синф ўқувчилари шухратпарастлик в манманлик тушунчаларининг мазмуни бир хил ёки бошқача эканлиги тўғрисида баҳслашиб қолдилар. Нима учун болалар бу масалани тушуниб олишлари қийин? Уларга қандай қилиб ёрдам бериш мумкин?

2. “Унинг виждони тоза эмас”, “Бу – виждонсиз киши”, “Бу ишни қилишга менинг виждоним йўл қўймайди” деган гапларни сиз қандай тушунасиз? Виждоннинг киши ахлоқий тарбиясига қандайдир алоқаси борми? Бу қандай алоқа?

3. Телевидение орқали намойиш этилаётган чет эл сериалларининг ёшлар тарбиясига қандай ижобий ва салбий таъсири бор деб ўйлайсиз? Уларни томоша қилиш ва унга муносабат билдиришда ота-оналар қандай йўл тутишлари лозим, деб ҳисоблайсиз?

4. Сиз инсонларда қадрлайдиган, улуғлайдиган ахлоқий фазилатлар қайсилар ва сиз “ахлоқсизлик” деб қарайдиган сифатлар нималар?

### 2.16. “Оила тарбияси” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти** – 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Оила, унинг вазифалари ва турларини аниқлаштириш.<br>2. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.<br>3. Таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шаклларига доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. “Менинг оилам” мавзусида ўқув портфолиосини |

| | |
|---|---|
| | тайёрлаш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади:** талабаларнинг оила тарбиясига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда ота-оналар билан олиб бориладиган иш шаклларини ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | |
| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
| 1. Оила, унинг вазифалари ва турларини ўзлаштирилишига эришиш.<br><br>2. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш .<br><br>3. Талабаларни оила билан олиб бориладиган иш шаклларини амалиётга қўллашга ўргатиш .<br><br>4. Талабаларда оила ва оила тарбиясига нисбатан қадриятли муносабатни қарор топтириш. | 1. Оила, унинг вазифалари ва турларини ўзлаштирадилар.<br><br>2. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашди.<br><br>3. Ота-оналар билан олиб бориладиган иш шаклларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар.<br><br>4. Оила ва оила тарбиясига нисбатан қадриятли муносабат қарор топади.. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, ўйин, блиц-сўров, икки қисмли кундаликлар стратегияси, амалий топшириқлар, ўқув портфолиоси. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Оила тарбияси” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи** **(10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кути-лаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Оила ҳақидаги афсоналар” ўйинини ўтказади (3-илова). | Ўйинда иштирок этишади ва ўз нуқтаи назарларини билдирадилар. |
| **Асосий босқич** **(55 дақиқа)** | 2.1. Оила, унинг вазифалари ва турларини ўзлаштирилишига эришиш мақсадида блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўзлари йўл қўйган хатоларни дафтарларига тузатишади. |
| | 2.2. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлашга доир икки қисмли кундаликлар жадвалини тақдим этади (5-илова). | Икки қисмли кундаликларни тўлдиришади ва уларга изоҳ беришади. |
| | 2.3. Таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шаклларига доир амалий топшириқларни тақдим этади ва уларни бажаришга доир зарурий кўрсатмаларни беради (6-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва хатоларини тузатишади. |
| | 2.4. Талабалар томонидан тайёрланган “Менинг оилам” мавзусида ўқув портфолиоси билан танишади ва энг яхши ижодий ишларни аниқлайди. | Ўқув портфолиосини тақдим этишади ва уни асослаб берадилар |
| **Якуний босқич** **(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**16-лаборатория иши. Мавзу:Оила тарбияси.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Оила, унинг вазифалари ва турларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 269-275; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2008. – Б.124-129; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003. – С.199-210).
2. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Мунавваров А. Қ. Оила педагогикаси – Т.: Ўкитувчи, 1994; Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси – Т.: 1999; Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Т.: Маънавият, 1999; Общая педагогика. / Под. ред. В.А. Сластенина. – М.: Владос, 2003. – Ч.2. – С.225-226; Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси. – Т.: 2006).
3. Таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шаклларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010. – Б. 275-278; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003. – С.235-245; Общая педагогика. / Под. ред. В.А. Сластенина. – М.: Владос, 2003. – Ч.2. – С.227-228).
4. "Менинг оилам" мавзусида ўқув портфолиосини тайёрлаш.

Ўқув портфолиосини тайёрлашга доир кўрсатмалар:

1. Ўқув портфолиоси қуйидаги уч бўлимдан иборат ҳолда ишлаб чиқилиши керак: 1) "Менинг оилам қиёфаси", "Коллектор", "Ютуқлар".
2. "Менинг оилавий қиёфам" бўлимида "Менинг оилам анкетаси", "Танишинг бу менинг оилам", "Оиламизнинг қизиқишлари" лавҳалари акс эттирилади.
3. "Коллектор" бўлимида "Оилавий фотосуратлар", "Оиламиз ижодидан" лавҳалари келтирилади.
4. "Ютуқлар" бўлимида "Оиламиз мустаҳкамлиги сири", "Оиламиз аъзолари томонидан эришилган ютуқлар" лавҳалари ўрин олиши мумкин.
5. Портфолио икки ҳафта мобайнида яратилиши лозим.
6. Портфолиони баҳолаш қуйидаги тамойилларга асосланилади: 1) саводхонлик; 2) эстетиклик; 3) мақсадга эришилганлик; 4) мазмуннинг бойлиги; 5) ижодий ёндашув.

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл.
3. "Менинг оилам" мавзусида ўқув портфолиоси тайёрлаш – 2 балл.

**3-илова**

**“Оила ҳақидаги афсоналар” ўйинини ташкил этиш ва ўтказишга доир кўрсатмалар**

Мақсад: талабаларнинг оилавий ҳаётга оид кенг тарқалтан лекин ноўрин “афсонавий” фикрларга муносабатини аниқлаш ҳамда уларда мустақил фикрлар ва қарашларни шакллантириш.

Материаллар: “Қўшилмайман”, “Қўшиламан”, “Қисман Қўшиламан”, “Билмайман” каби ёзувлар.

Ўйин давомийлиги: 5 минут.

Ўйиннинг бориши:

1. Хонанинг турли томонларига “Қўшилмайман”, “Қўшиламан”, “Қисман қўшиламан”, “Билмайман” ёзувлари ёпиштириб чиқилади.
2. Талабаларга оилавий ҳаётга оид ҳодисаларни акс эттирувчи ва омма орасида кенг тарқалган ғайритабиий фикрлар — “афсона”ларни ўқиб эшиттирилади. Талабалар бу фикрларга қўшилиш ёки қўшилмасликларини девордаги ёзувлар ёнига бориб туриши орқали намоён этадилар. Шундан сўнг улар ўз танловларини асослаб, изохлаб берадилар. Ўқитувчи ҳар томондаги талабаларнинг фикрларини бошқа талабаларни баҳсга жалб этган ҳолда муҳокама қилади ва гуруҳий мунозара орқали талабаларни тўғри жавоб сари етаклайди.
3. Жинслар ўртасидаги тенглик, оилавий ҳаётдаги поклик ва инсондаги маънавий етуклик ҳакидаги тушунчалар мажмуаси қуйидагича бўлиши мумкин:

1) оилада доимо эркак киши хўжайин;

2) аёл киши ҳеч қаерда ишламасдан уйда ўтириши керак;

3) оилага пул топиб келиш фақат эркак кишининг иши;

4) хотин эрининг рухсатисиз ҳеч қаерга чиқа олмайди.

Ўқитувчи ўз ихтиёрига кўра бу таърифлар ёнига бошқаларини ўйлаб топиб қўшиши ҳам мумкин.

**4-илова**

**Оила, унинг вазифалари ва турларига доир блиц-сўров саволлари**

1. “Оила” тушунчасига таъриф беринг.
2. Оила қандай жиҳатларни ўзида акс эттиради?
3. Жамиятга муносабатига кўра оила қандай вазифаларни бажаради?
4. Инсонга нисбатан муносабатига кўра оиланинг вазифаларига нималар киради?
5. Оиланинг иқтисодий функцияси қандай вазифани бажаради?
6. Оиланинг ижтимоий функциясига нималар киради?
7. Оиланинг репродуктив функцияси нималардан иборат?
8. Оиланинг тарбиявий, коммуникатив, релаксация, фелиоцитологик, регулятив функцияларига изоҳ беринг.
9. Эндогам ва эгзогам оилалар тушунчаларини қандай изоҳлаш мумкин?

10. Никоҳий ҳолат бўйича оилаларни қандай турларга бўлиш мумкин?
11. Болалар сонига кўра замонавий оилаларнинг қандай турлари мавжуд?
12. Ўзаро муносабат турига кўра оилаларни қандай турларга тасниф қилиш мумкин?
13. Шахслараро муносабатлар тавсифига кўра оилалар қандай гуруҳлаштирилади?

**5-илова**

**Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлашга доир икки қисмли кундаликлар топшириғи**

Қуйида келтирилган "Замонавий оилалар ривожининг ўзига хосликлари" мавзусидаги икки қисмли кундаликнинг чап томондаги устунида келтирилган фикрлар билан танишинг ва ўнг томондаги устунга уларнинг ҳар бирига изоҳ ёзинг.

| | |
|---|---|
| Шаҳар ва қишлоқ оилаларининг ижтимоий ҳаёт тарзидаги фарқ | |
| Ота-она қанчалик юқори маълумотга эга бўлса, уларнинг болалари таълим муассасасида шунчалик муваффақиятли ўқишади. | |
| Бозор иқтисодиёти шароитида моддий жиҳатдан турлича таъминланганлик | |
| Оиладагилар сонини камайтириш, туғилишнинг олдини олиш | |
| Замонавий оилалар ажралишлар сонининг кўзга кўринарли кўпайганлиги | |
| Оилада ота-оналар психологик жиҳатдан тайёр бўлиши мумкин. Лекин ҳаммаси ҳам етарлича педагогик билимларга эга эмас. | |
| Ижтимоий ҳаётнинг маданий савиясининг пастлиги | |
| Оилада аёлларга тушадиган «юк»нинг катталиги | |
| Авлодлар орасидаги конфликтларнинг кучайиб бораётганлиги | |

**6-илова**

## Таълим муассассининг оила билан олиб борадиган иш шаклларига доир амалий топшириқлар

*1-топшириқ. Қуйида келтирилган таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шакллари билан танишинг. Уларни мазмунига кўра икки – жамоавий ва индивидуал иш шаклларига ажратинг.*

1. Педагогик лекториялар. 2. Оилага ташриф буюриш. 3. Илмий-амалий конференциялар. 4. Педагогик топшириқ. 5. Ота-оналар мажлиси. 6. Педагогик консультация. 7. Очиқ эшиклар куни. 8. Мажбурий педагогик таълим.

| **Жамоавий иш шакллари** | **Индивидуал иш шакллари** |
|---|---|
| | |

*2-топшириқ. Мазмунига кўра қуйидаги фикрлар таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шаклларидан қайси бирига тегишли эканлигини аниқланг.*

1. Мазкур шакл ота-оналарнинг эътиборини тарбиянинг замонавий муаммоларига эътибор қаратишлари мақсадида ўтказилади. Бу шакл ота-оналарни тарбия назариясига асосланган тизимли билимлар билан куроллантиришни кўзда тутади.

2. Мазкур шакл синфлар бўйича ўтказилади. Албатта 1-машғулотни таълим муассасаси бошқарувчилари: директор, илмий мудир, маънавий ва маърифий ишлар бў-йича диретор ўринбосари ўтказгани мақсадга мувофиқ..

3. Мазкур иш шаклида тарбия муаммолари бўйича ота-оналар билан бир йилда бир маротаба ўтказилади. Оила тарбиясидаги кўпроқ етилиб турган муаммо аниқланади.

4. Ушбу иш шаклида таълим муассасасига ота-оналар таклиф этилиб, ўқувчилар томонидан амалга оширилган ишлар тақдимоти ўтказилади. Одатда уни таътил ва вақтида, чоракнинг бошланишига тўғриланади.

**2.17. “Ўқувчиларнинг жисмоний ва эстетик тарбияси” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели**

<table>
<tr><td>Машғулот вақти – 2 соат</td><td colspan="2">Талабалар сони: 20-30 нафар</td></tr>
<tr><td>Машғулот шакли</td><td colspan="2">Семинар-лаборатория</td></tr>
<tr><td>Лабоpотоpия машғулотнинг тузилиши</td><td colspan="2">1. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.<br>2. Эстетик тарбия мазмунини ёритиб бериш.<br>3. Жисмоний ва эстетик тарбия воситаларига доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. Музейга экскурсия уюштиришга доир ишланма тайёрлаш.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Лаборатория машғулотининг мақсади: талабаларнинг жисмоний ва эстетик тарбияга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда жисмоний ва эстетик тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Педагогик вазифалар:<br>1. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш.<br>2. Эстетик тарбия тизимини аниқлаштириш.<br>3. Талабаларни жисмоний ва эстетик тарбия воситаларини амалда қўллашга ўргатиш .<br>4. Талабаларни экскурсияни ташкил этиш ва ўтказишга йўналтириш.</td><td>Ўқув фаолияти натижалари:<br>1. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадилар.<br>2. Эстетик тарбиянинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, эстетик тарбия тамойилларига доир билимларини мутаҳкамлайдилар.<br>3. Жисмоний ва эстетик тарбия воситаларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар.<br>4. Экскурсияни ташкил этиш ва ўтказиш малакасини эгаллайдилар.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим методлари</td><td>Тушунтириш, суҳбат, мунозара, блиц-сўров, моделлаштириш, амалий топшириқлар, ижодий иш.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</td><td>Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқув воситалари</td><td>Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим бериш шароити</td><td>Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория</td></tr>
<tr><td colspan="2">Назорат ва баҳолаш</td><td>Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш.</td></tr>
</table>

**“Ўқувчиларнинг жисмоний ва эстетик тарбияси” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кути-лаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Жисмоний ва эстетик тарбия: уйғунлик ва алоқадорлик нимада?” мавзуида мунозара ўтказади (3-илова). | Мунозарада иштирок этишади ва ўз нуқтаи назарларини билдирадилар. |
| **Асосий босқич (55 дақиқа)** | 2.1. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш мақсадида блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўзлари йўл қўйган хатоларни дафтарларига тузатишади. |
| | 2.2. Эстетик тарбия тизимига доир моделни тақдим этади ва уни тўлдиришни сўрайди (5-илова). | Моделни тўлдиришади ва унга изоҳ беришади. |

| | | |
|---|---|---|
| | 2.3. Жисмоний ва эстетик тарбия воситаларига доир амалий топшириқларни тақдим этади ва уларни бажаришга доир зарурий кўрсатмаларни беради (6-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва хатоларини тузатишади. |
| | 2.4. Музейга экскурсия уюштиришга доир ишланма билан танишади ва такомиллаштиришга доир тавсия беради. | Экскурсия уюштиришга доир ишланни тақдим этишади ва ўзларининг мулоҳазаларини баён этадилар. |
| **Якуний босқич**<br>**(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**17-лаборатория иши. Мавзу: Ўқувчиларнинг жисмоний ва эстетик тарбияси.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003; Общая педагогика. / Под. ред. В.А. Сластенина. – М.: Владос, 2003. – Ч.2.).

2. Эстетик тарбия тизимини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003; Общая педагогика. / Под. ред. В.А. Сластенина. – М.: Владос, 2003. – Ч.2; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М.: ВЛАДОС, 2003).

3. Жисмоний ва эстетик тарбия воситаларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Подласый

Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: ВЛАДОС, 2003; Общая педагогика. / Под. ред. В.А. Сластенина. – М.: Владос, 2003. – Ч.2; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М.: ВЛАДОС, 2003).

4. Музейга экскурсия уюштиришга доир ишланма тайёрлаш.

Экскурсия ишланмасини тайёрлашга доир кўрсатмалар:

1) экскурсия ишланмаси ўзаро бир-бири билан боғланган қуйидаги аниқ *таркибий тузилиш*га эга бўлиши лозим: тайёрлов босқичи, экскурсиянинг бориши ва экскурсиядан кейин амалга ошириладиган иш;

2) *тайёрлов босқичида* экскурсия мавзуси, унинг мазмун-моҳияти, ўтказилиш муддати белгилаб берилади. Шунингдек, экскурсия уюштириладиган объектнинг жойлашган ўрни ва маршрути аниқланади. Экскурсия давомида бериладиган намунавий саволлар тузилади;

3) *экскурсияни амалга ошириш* жараёни режалаштирилиши лозим. турли хил саволлардан фойдаланилади: 1) далиллар келтиришни талаб этувчи саволлар (қандай номланади, қандай қисмлардан иборат, қандай хусусиятлар ва ўзига хосликларга эга); 2) фикрлашни фаоллаштирувчи, қиёслаш, таққослаш, фарқини ажратиш, умумлаштиришни талаб этувчи саволлар (муносабат, алоқадорликларни ҳосил қилиш учун); 3) англаш фаоллигини рағбатловчи, ижодий фикрлаш, хулосалар чиқаришга ундовчи саволлар;

4) *экскурсиядан сўнг амалга ошириладиган иш* (альбом тайёрлаш).

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл.
3. Экскурсия ишланмасини тайёрлаш – 2 балл

**3-илова**

**“Жисмоний ва эстетик тарбия: уйғунлик ва алоқадорлик нимада?” мавзусида мунозарани ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи мунозара учун саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.
2. Талабаларнинг жавоблари тингланади ва доскага ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади,.
3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

**4-илова**

**Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. Жисмоний тарбия деганда нима тушунилади?
2. "Жисмоний кафолат" тушунчаси ўзида нимани ифода этади?
3. Жисмоний тарбиянинг мақсади нима?
4. В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е.Н.Шияновлар жисмоний тарбиянинг қандай вазифаларини ажратиб кўрсатишади?
5. Б.Т.Лихачев таснифи бўйича жисмоний тарбиянинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, соғломлаштирувчи ва умуммаданий вазифаларига изоҳ беринг.
6. Жисмоний тарбиянинг эстетик ва ахлоқий вазифаларига нималар киради?

**5-илова**

## Эстетик тарбия тизими моделини ишлаб чиқишга доир топшириқ

Қуйида келтирилган чизма билан танишинг ва уни тўлдириш асосида “Эстетик тарбия тизими” моделини яратинг.




моҳияти
тамойиллари

**6-илова**

**Жисмоний ва эстетик тарбия воситаларига доир амалий топшириқлар**

*1-топшириқ. Қуйида келтирилган тарбия воситалари билан танишинг ва уларни хусусиятига кўра икки гуруҳга – жисмоний ва эстетик тарбия воситаларига ажратинг.*

1. Табиат. 2. Овқатланиш. 3. Уйқу. 4. Кун тартиби. 5. Кийиниш. 6. Сув ваннаси. 7. Ҳаво ваннаси. 8. Қуёшда тобланиш. 9. Мусиқа. 10. Бадиий адабиёт. 11. Театр. 12. Музей. 13. Машқ. 14. Гимнастика. 15. Ўйин. 16. Туризм. 17. Спорт.

| **Жисмоний тарбия воситалари** | **Эстетик тарбия воситалари** |
|---|---|
| | |

*2-топшириқ. Қуйидаги чизмага асосланиб, гуруҳ ўқувчиларининг тахминий кун тартибини ишлаб чиқинг.*

| **Вақт** | **Иш мазмуни** |
|---|---|
| | |
| | |
| | |
| | |
| | |

| | |
|---|---|
| | |
| | |
| | |
| | |
| | |
| | |
| | |
| | |
| | |
| | |
| | |

3-топшириқ. Гуруҳларга бўлининг ва табиат гўзаллиги акс эттирилган асарлар рўйхатини тузинг ҳамда улардан бирида ифода этилган пейзажни баён этиб беринг.

## 2.18. “Таълим муассасаси менежменти” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти** – 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |

| | |
|---|---|
| **Лабоpотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Таълим муассасаси менежментининг моҳиятини аниқлаштириш.<br>2. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларини ўзлаштириш.<br>3. Таълим муассасасини бошқаришга доир меъёрий ҳужжатлар билан ишлашга доир амалий топшириқларни бажариш.<br>4. “Раҳбарнинг касбий компетентлигининг аҳамияти шундаки...“ мавзусида асосланган эссе ёзиш. |

**Лаборатория машғулотининг мақсади*:*** талабаларнинг таълим муассасаси менежментига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда таълим муассасасини бошқариш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
|---|---|
| 1. Талабаларни “бошқарув” ва “таълим менежменти” тушунчаларининг фарқлашга ўргатиш. | 1. “Бошқариш”, “таълим менежменти” тушунчаларининг моҳиятини ҳамда таълим менежментининг ўзига холикларини билиб оладилар. |
| 2. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларини ўзлаштирилишига эришиш. | 2. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларини ўзлаштирадилар. |
| 3. Таълим муассасасини бошқаришга доир меъёрий ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш. | 3. Таълим муассасасини бошқаришга доир меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар. |
| 4. Талабаларда раҳбарликка қадриятли муносабатни қарор топтириш. | 4. Талабалар раҳбарликка нисбатан қадриятли муносабат таркиб топади. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, ишбоп ўйин, блиц-сўров, тоифалаш жадвали, амалий топшириқлар, асосланган эссе. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Таълим муассасаси менежменти” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Ҳимоя” ишбоп ўйинини ўтказади (3-илова). | Ўйинда иштирок этишади ва ўйин сўнггида воқеликни таҳлил этишади. |
| **Асосий босқич (55 дақиқа)** | 2.1. Таълим муассасаси менежменти моҳиятини ўзлаштирилишига эришиш мақсадида блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўзлари йўл қўйиган хатоларни дафтарларига тузатишади. |
| | 2.2. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларига доир тоифалаш жадвалини тўлдириш (5-илова). | Жадвални тўлдиришади ва унга изоҳ беришади. |
| | 2.3. Таълим муассасасини бошқаришга доир меъёрий ҳужжатлар билан ишлашга доир амалий топшириқларни тақдим этади ва уларни бажаришга доир зарурий кўрсатмаларни беради (6-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва хатоларини тузатишади. |
| | 2.4. Талабалар томонидан ёзиб келинган асосланган эссе билан танишади ва фикрий ҳужум вазиятини юзага келтиради. | Асосланган эссени ўқиб беришади ва фикрлар ҳужумида иштирок этишади. |
| **Якуний босқич** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига |

| | | |
|---|---|---|
| **(20 дақиқа)** | хатоларни тузатади. | тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**18-лаборатория иши. Мавзу: Таълим муассасаси менежменти.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Таълим муассасаси менежменти моҳиятини аниқлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Ахлидинов Р. Таълим менежменти – тараққиёт омили. // ж. Халқ таълими. – Т., 1996. - №6. – Б.18-22; Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. – Т.: Фан, 2006).
2. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Салиров Ж. Замонавий бошқарув услублари: қай бири мақбул?. // ж. Жамият ва бошқарув. – Т., 2006. – №2 – Б. 24-26; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 2000).
3. Таълим муассасани бошқаришга доир меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; “Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари тўғрисида”ги Низом (1998 йил); Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Устави (1998 йил)).
4. “Раҳбар касбий компетентлигининг аҳамияти шундаки...“ мавзусида асосланган эссе ёзиш.

Эссе ёзишга доир кўрсатмалар:

1) мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг;
2) нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг;
3) мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Амалий топшириқларни бажариш ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш – 3 балл.
3. Асосланган эссе ёзиш – 2 балл

**3-илова**

**“Ҳимоя” ишбоп ўйинини ўтказишга доир кўрсатмалар**

Ўйиннинг мавзуси: Бошқарув услублари.

Ўйиннинг мазмуни: таълим муассасани бошқариш услубларининг ўзига хосликлари.

Ўйиннинг бориши. Ишбоп ўйинда қуйидаги иштирокчилар қатнашишди: ишбоп ўйин ташкилотчиси (ўқитувчи), мунозара иштирокчилари (директор ўринбосарлари, ўқитувчилар, мунозара иштирокчилари), ҳакамлар.

*Ўйин ташкилотчиси:*

1) ўйиннинг боришини бошқаради;
2) иштирокчилар билан ўтказиладиган ўйиннинг мақсади, бориши, мезонлари, кутиладиган натижалари бўйича суҳбат ўтказди;
3) барча иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракатини амалга оширди;
4) мунозарани бошқарди;
5) якунларини чиқарди ва ўйинни баҳолашга ҳакамга ёрдам берди.

*Мунозара иштирокчилари:*

1) тақдим этилган мавзуни муҳокама қилишда иштирок этишади;
2) бошқарув услублари юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этди;
3) бошқарув услубини қўллаш бўйича ўз ғоясини таклиф этди.

*Ҳакам:*

1) иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини йўналтириб туради;
2) мунозара вазиятини ҳосил қилиш учун ташвиқотга доир саволларни ўртага ташлайди;
3) мунозара иштирокчиларининг чиқишларини баҳолайди.

Роллар қуйидаги тавсифга эга бўлди:

Раҳбар портрети. Раҳбар ўзининг бошқарув услубини ҳимоя қилади. Ўз нуқтаи назарида қолди. Бошқарув услубига доир мулоҳазалар киритади.

Оптимист портрети. У раҳбарни қўллаб-қувватлайди, унинг фикрларини тўлдиради. Раҳбар бошқарув услубининг афзалликларини таъкидлаб ўтади.

Конформист портрети. У ўзининг мустаҳкам нуқтаи назарига эга эмаслигини намойиш этади. Вазиятга қараб, баъзан раҳбарни қўллаб-қувватлайди, баъзан қаршилик кўрсатади.

Консерватор портрети. У раҳбарнинг бошқарув услубининг самарали эмаслигини таъкидлайди. Раҳбар бошқарув услубининг салбий томонларини ажратиб кўрсатади.

Ҳакам портрети. У раҳбарнинг бошқарув услубига доир маълумотларни таҳлил қилди ва унинг энг асосий жиҳатларини ажратиб кўрсатади. Раҳбарнинг бошқарув услубини ўзгартиришга доир кўрсатмалар беради.

**4-илова**

**Таълим муассасаси менежменти моҳиятини аниқлаштиришга доир блиц-сўров саволлари**

1. Бошқариш деб нимага айтилади?
2. Бошқарув объекти ва бошқарув субъекти тушунчаларига изоҳ беринг.
3. Таълим муассасасини бошқариш деганда нимани тушунасиз?
4. Менежмент деганда нима тушунилади?
5. Таълим муассасаси менежменти деб нимага айтилади?
6. Таълим менежментининг ўзига хос жиҳатлари нималарда ёрқин намоён бўлади?

**5-илова**

**Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларига доир тоифалаш жадвали**

| Бошқарув функциялари | Бошқарув тамойиллари | Бошқарув функциялари | Бошқарув методлари |
|---|---|---|---|
| | | | |

**6-илова**

**Таълим муассасасини бошқаришга доир меъёрий ҳужжатларни ўрганиш бўйича амалий топшириқлар**

1-топшириқ. Академик лийец ва каб-ҳунар коллежлари тўғрисидаги Низом асосида қуйидаги жадвални тўлдиринг.

| Бўлимларнинг номланиши | Бўлим мазмуни |
|---|---|
| Умумий қоидалар | |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил этиш | |
| Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни | |
| Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш | |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти | |
| Халқаро ҳамкорлик | |

2-топшириқ. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Устави асосида қуйидаги жадвални тўлдиринг.

| Бўлимларнинг номланиши | Бўлим мазмуни |
|---|---|
| Қисқача таълим муассасаси ҳақидаги маълумотлар | |
| Таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари | |
| Таълим муассасасини бошқариш | |
| Ўқув-тарбия ва илмий-услубий ишларни ташкил этиш | |
| Ўқитувчи. Ҳуқуқ ва бурчлари | |

| | |
|---|---|
| Ўқувчи. Ҳуқуқ ва бурчлари | |
| Ўқув-ишлаб чиқариш усталари, маъмурий ва ёрдамчи ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари | |
| Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва масъулиятлари | |
| Таълим муассасасининг моддий ва молиявий хўжалик таъминоти | |

**2.19. “Таълим муассасасида методик ишларни бошқариш” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели**

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти** – 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лаборотория машғулотнинг тузилиши** | 1. Педагогик кенгаш, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.<br>2. Педагогика кенгаши, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг фаолиятини ташкил этишга доир амалий топшириқларни бажариш.<br>3. Мажлис баённомасини ёзишга ўрганиш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади:** талабаларнинг таълим муассасасида методик ишларни бошқаришга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда методик ишларни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. | |

| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
|---|---|
| 1. Педагогик кенгаш, Методика кенгаши ҳамда метод бирлашмаларнинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш. | 1. Педагогик кенгаш, Методика кенгаши ҳамда метод бирлашмаларнинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадилар. |
| 2. Талабаларни педагогика кенгаши, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларнинг фаолиятини ташкил этишга ўргатиш. | 2. Педагогика кенгаши, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларнинг фаолиятини ташкил этиш кўникмасига эга бўладилар. |
| 3. Мажлис баённомаларини ёзиш | |

| | |
|---|---|
| малакасини таркиб топтириш. | 3. Мажлис баённомаларини ёзиш ва расмийлаштириш малакасини эгаллайдилар |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, ишбоп ўйин, блиц-сўров, тоифалаш жадвали, амалий топшириқлар, асосланган эссе. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Таълим муассасасида методик ишларни бошқариш” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |

| | | |
|---|---|---|
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). | Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |
| | Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова). | |
| **Ўқув машғулотига кириш босқичи**<br><br>**(10 дақ)** | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кути-лаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. | Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади |
| | 1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Мен Педагогик кенгаш ҳақида нималарни биламан?” эркин ёзиш топшириғини беради (3-илова). | Эркин ёзиш топшириғини беради ва мулоҳазаларини баён этишади. |
| **Асосий босқич**<br><br>**(55 дақиқа)** | 2.1. Педагогик кенгаш, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш мақсадида блиц-сўров ўтказади (4-илова). | Саволларга жавоб беришади ва ўзлари йўл қўйиган хатоларни дафтарларига тузатишади. |
| | 2.2. Педагогика кенгаши, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг фаолиятини ташкил этишга доир амалий топшириқларни бажариш. (5-илова). | Амалий топшириқларни бажаришади ва хатоларини тузатишади. |
| | 2.4. Талабалар томонидан ёзиб келинган мажлис баённомалари билан танишади ва уни такомиллаштиришга доир зарурий кўрсатмалар беради. | Мажлис баённомаларини кўрсатишади ва ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат қилишади. |
| **Якуний босқич**<br><br>**(20 дақиқа)** | 3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади. | Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар |
| | 3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди. | Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. |

**1-илова**

**19-лаборатория иши. Мавзу: Таълим муассасасида методик ишларни бошқариш.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Педагогик кенгаш, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Внутришкольное управление: Вопросы теорий и практики. / Под редакцией Т.И.Шамовой. – М., 1991).
2. Педагогика кенгаши, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Внутришкольное управление: Вопросы теорий и практики. / Под редакцией Т.И.Шамовой. – М., 1991).
3. Намунага мувофиқ мажлис баённомасини ёзиш.

Мажлис баённомасини ёзишга доир кўрсатмалар:

1) таълим муассасасининг Педагогик кенгашини ўтказиш учун тахминий тўртта масалани танлаб олинг. Биринчи масала “Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг Фармон, Қарор ва Фармойиш, Вазирликдан келган ҳужжатлар ижроси” ва тўртинчи масала “Турли масалалар” деб номланиши лозим;

2) мажлис баённомасини қуйидаги намуна асосида ёзинг:

**______________________________________ Педагогик кенгашининг ___ - сонли йиғилиши**

(таълим муассасасининг номи)

**БАЁННОМАСИ**

**_________** **___________**

(сана) (шаҳар)

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг Фармон, Қарор ва Фармойиш, Вазирликдан келган ҳужжатлар ижроси.

2. ............................................................................................................................

3. ............................................................................................................................

4. Турли масалалар:

4.1............................................................................................................................

4.2. ............................................................................................................................

**ЙИҒИЛИШНИНГ БОРИШИ:**

1-масала. ............................................................................................................

ЭШИТИЛДИ:

ТИНГЛАНДИ:

2-масала. ............................................................................................................

ЭШИТИЛДИ:

ТИНГЛАНДИ:

3-масала. ............................................................................................................

ЭШИТИЛДИ:

ТИНГЛАНДИ:

4-масала. ............................................................................................................

ЭШИТИЛДИ:

ТИНГЛАНДИ:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. ......................................................................................................................................

2. ....................................................................................................................................

3. ....................................................................................................................................

Кенгаш раиси: _________________ __________________

(имзо) (исм -фамилияси)

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл.
3. Мажлис баённомасини ёзиш ва расмийлаштириш – 2 балл

**3-илова**

**“Мен Педагогик кенгаш ҳақида нималарни биламан?” мавзусидаги эркин ёзиш топшириғи**

Топшириқ: “Мен Педагогик кенгаш ҳақида нималарни биламан?” мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт туганганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

**4-илова**

**Педагогик кенгаш, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. Педагогик кенгашни ташкил этишнинг мақсад нимада?
2. Педагогик кенгашнинг мақсад ва вазифаларига нималар киради?
3. Педагогик кенгаш қандай ҳуқуқларга эга?
4. Педагогик кенгаш ҳужжатларига нималар киради?
5. Методик кенгаш қандай бошқарув органи?
6. Методик кенгашнинг мақсади нима?
7. Методик кенгашнинг вазифаларига нималар киради?
8. Методик кенгаш ҳужжатларига нималар киради?

**5-илова**

**Педагогика кенгаши, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг фаолиятини ташкил этишга доир амалий топшириқлар**

**1-топшириқ. Педагогика кенгаши, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг намунавий йиллий иш режасини тузиш.**

Йиллик иш режаларни тузишда қуйидаги чизмага асосланинг.

| № | Бажариладиган ишлар | Бажарилиш муддати | Масъул |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |

**2-топшириқ. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва ёш ўқитувчилар билан ишлаш шаклларига доир қуйидаги жадвални тўлдиринг.**

| Педагог кадрларнинг малакасини ошириш шакллари | Ёш ўқитувчилар билан ишлаш шакллари |
|---|---|
| | |

**2.20. “Коррекцион педагогика” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик модели**

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти –** 2 соат | **Талабалар сони:** 20-30 нафар |
| **Машғулот шакли** | Семинар-лаборатория |
| **Лабороторяя машғулотнинг тузилиши** | 1. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.<br>2. Ривожланишдаги нуқсонларни классификациялаш.<br>3. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билаш ишлаш методларига доир амалий топшириқларни бажариш. |
| **Лаборатория машғулотининг мақсади:** талабаларнинг коррекцион педагогикага доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда коррекцион-педагогик фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини таркиб топтириш. | |
| **Педагогик вазифалар**: | **Ўқув фаолияти натижалари:** |
| 1. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш.<br>2. Талабаларни ривожланишдаги нуқсонларни тасниф этишга ўргатиш.<br>3. Талабаларда ривожланишида нуқсони бўлган болалар билаш ишлаш методларидан фойдаланиш кўникмасини таркиб топтириш. | 1. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадилар.<br>2. Ривожланишдаги нуқсонларни тасниф этишга ўргатишади.<br>3. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билаш ишлаш методларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўладилар. |
| **Таълим методлари** | Тушунтириш, суҳбат, асосланган эссе, блиц-сўров, тоифалаш жадвали, амалий топшириқлар. |
| **Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари** | Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқув воситалари** | Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| **Назорат ва баҳолаш** | Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат; беш баллик шкала асосида баҳолаш. |

**“Коррекцион педагогика” мавзусидаги лаборатория машғулотнинг технологик картаси**

<table>
<tr><th rowspan="2">Иш<br>босқичлари ва вақти</th><th colspan="2">Фаолият мазмуни</th></tr>
<tr><th>Таълим берувчи</th><th>Таълим олувчилар</th></tr>
<tr><td rowspan="2">Тайёрлов босқичи</td><td>Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова).</td><td rowspan="2">Лаборатория топшириқлари билан танишадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади.</td></tr>
<tr><td>Талабаларнинг индивидуал ва гуруҳдаги иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова).</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Ўқув машғулотига кириш босқичи<br><br>(10 дақ)</td><td>1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди.</td><td>Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади</td></tr>
<tr><td>1.2. Талабаларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Коррекцион педагогика фанини ўрганишнинг зарурлиги шундаки ...” мавзусида асосланган эссе ёзиш топшириғини беради (3-илова).</td><td>Асосланган эссе ёзишади ва ўз мулоҳазаларини бошқалар билан ўртоқлашади.</td></tr>
<tr><td rowspan="3">Асосий босқич<br><br>(55 дақиқа)</td><td>2.1. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш мақсадида блиц-сўров ўтказади (4-илова).</td><td>Саволларга жавоб беришади ва ўзлари йўл қўйган хатоларни дафтарларига тузатишади.</td></tr>
<tr><td>2.2. Талабаларни ривожланишдаги нуқсон-ларни тасниф этишга ўргатиш мақсадида тоифалаш жадвалини тақдим этади (5-илова).</td><td>Тоифалаш жадвалини тўлдиришади ва унга изоҳ беришади.</td></tr>
<tr><td>2.4. Талабаларга ривожланишида нуқсони бўлган болалар билаш ишлаш методларидан фойдаланишга доир амалий топишириқларни тақдим этади ва зарурий кўрсатмалар беради (6-илова).</td><td>Амалий топшириқларни бажаришади ва хатоларини тузатишади.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Якуний босқич<br><br>(20 дақиқа)</td><td>3.1. Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади.</td><td>Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар</td></tr>
<tr><td>3.2. Талабалар томонидан тўпланган балларни эълон қилади ва машғулотни якунлайди.</td><td>Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади.</td></tr>
</table>

**1-илова**

**20-лаборатория иши. Мавзу: Коррекцион педагогика.**

**Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999; Po'latova P. M. Maxsus pedagogigka – T.: 2005).
2. Ривожланишдаги нуқсонлар таснифини ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999; Po'latova P. M. Maxsus pedagogigka – T.: 2005).
3. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билаш ишлаш тамойиллари ва методларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар Миллий жамияти, 2010; Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999; Po'latova P. M. Maxsus pedagogigka – T.: 2005).

**2-илова**

**Талабаларнинг машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Амалий топшириқларни бажариш ва саволларга жавоб бериш – 4 балл.

**3-илова**

**“Коррекцион педагогикани ўрганишнинг аҳамияти шундаки...“ мавзусида асосланган эссе ёзиш.**

**Топшириқни бажариш тартиби:**

1. Мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг.
2. Нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг.
3. Мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

**4-илова**

**Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. Коррекцион педагогика фани нимани ўрганади?
2. Коррекцион педагогика фани яна қандай номлар билан аталади?
3. Коррекцион педагогика фани қай тарзда пайдо бўлган?
4. Коррекцион педагогиканинг қандай соҳалари мавжуд?
5. Коррекцион педагогиканинг асосий вазифаларига нималар киради?
6. Коррекцион педагогиканинг асосий категорияларига нималар киради?
7. Аномал билан олиб бориладиган коррекцион ишнинг асосий йўналишларига нималар киради?

**5-илова**

**Талабаларни ривожланишдаги нуқсонларни тасниф этишга доир тоифалаш жадвали**

| М.А.Власова ва М.С.Певзнерлар таснифи | О.Н.Усанова таснифи | В.С.Рахманова таснифи |
|---|---|---|
| | | |

**6-илова**

**Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билаш ишлаш методларига доир амалий топшириқлар**

**1-топшириқ.** Аномал болаларнинг фикрлашини ўрганиш мақсадида тахминий сўровнома вариантини ишлаб чиқинг.

**2-топшириқ.** Аномал болаларнинг ривожланишидаги ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда уларга чизиш таклиф этиладиган расмлар рўйхатини ишлаб чиқинг.

# “ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ”ҚИСМИДАН
# ТЕХНОЛОГИК МАЖМУА

# “ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ”ДАН ТЕХНОЛОГИК МАЖМУА